Коррупцияга қарши самарали курашишда нафақат давлат органларининг ўзи балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам ўзига хос ўринга эга. Зеро, бундай институтларнинг кенг қамровли фаолияти “ижроия ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилишини таъминлаш коррупция ва бошқа бюрократик иллатларни барҳам топишига имкон яратади” [3, 97-бет].

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан коррупцияга қарши курашининг самарали механизми борасида қуйидагиларни айтиш мумкин:

Биринчидан, коррупцияга қарши самарали курашининг муҳим воситаси бу зиддият ва бўшлиқлардан холи бўлган *мустаҳкам ҳуқуқий асосинг яратилишидир*.

Иккинчидан, *давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги* орқали жамиятнинг муаммоларини ечишда ва унинг ривожланишига таъсир ўтказиши. “Очиқликни ҳуқуқий давлат фаолиятининг принципи ва унинг механизмига нисбатан конструктив талаб сифатида ҳам тушуниш керак” [4, 108-бет].

Учинчидан, коррупциянинг олдини олишда жиноий, маъмурий таъсир чораларидан олдин *жамоатчилик иштироки таъминланган назорат чоралари тизимининг мавжуд бўлишидир*.

Миллий қонунчилигимизда бўшлиқ ва зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида 2012 йил 24 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига кўра, ҳуқуқий экспертизани ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва жойлардаги бошқармалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишда иштирок этадилар. Мазкур Қонунга мувофиқ, 2012-2014 йилларда Адлия вазирлиги ва жойлардаги бошқармалари томонидан 7186 норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган. 2013 йил 15 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида” Қарорида қонун ҳужжатларини ўрганиш якунлари бўйича ҳаволаки нормаларни амалга ошириш механизмида коррупциявий омилларни аниқлашга қаратилган чоратадбирлар асосида қонунларни ижро этишга қаратилган 136 та ҳаволаки нормаларни ва коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир ўтказувчи “оқ доғлар” ва бўшлиқлари мавжуд қонунларни кўриб чиқиш назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услугиёти” тасдиқланди. Ҳозирги кунда мазкур услугиёт асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказилмоқда. Қайд этиш керакки, коррупцияга қарши

экспертиза ўтказиш натижалари эълон қилинмайди, фақатгина хатолар тўғрисида. Ҳуқуқшунос олим Ҳ.Ҳайитов “қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми мукаммал шаклланмаганлиги”ни [5, 235-бет] қонун ижодкорлиги йўналишидаги қилиниши лозим бўлган вазифа сифатида кўрсатади. Мазкур фикрни давом эттирган ҳолда айтиш мумкинки, қонунчиликда коррупциявий омиллар мавжуд ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққанлик учун жавобгарликнинг назарда тутилмаганлиги ҳам ҳуқуқий бўшлиқ ҳисобланади.

Бу давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омилларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракати бўлса, фуқаролик жамияти институтлари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий асос қабул қилиниши кутилмоқда. Бу ҳуқуқий асос “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўлади. Албатта, ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида “ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишда, ишлаб чиқувчилар билан келишувга кўра, уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ташаббуси билан чиқишда иштирок этишга, лойиҳалар юзасидан таклифларни ишлаб чиқишга, уларни тўплашни ва умумлаштиришни амалга оширишга, шунингдек ушбу таклифларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишга” [6] ҳақли эканлиги белгиланган. Қайд этиш керакки, жамоатчилик муҳокамаси қонун ижодкорлигининг мажбурий босқичи сифатида кўрсатилмаганлиги ҳам мазкур ҳуқуқий норманинг амалиётда самарали ишлашига таъсир ўтказиши мумкинлиги масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати самарали восита сифатида кўплаб олимлар томонидан алоҳида урғу берилган бўлса-да, бу жараёнда қайси услуб ва тамойиллардан фойдаланиш мумкинлиги масаласи очиқ қолдирилган. Халқаро ҳуқуқий ҳужжат – Истамбул режасининг учинчи тамойили сифатида “жамоатчиликнинг ислохотлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш” деб белгиланган. Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлинмалари тегишли ҳудудларда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларига тўсиқ бўлаётган, шу жумладан бюрократизм, коррупция, расмиятчилик, давлат ва жамият томонидан олиб борилаётган ислохотлар моҳияти ва мазмунини тушунмаслик каби аниқланган муаммоларни таҳлил қилиш орқали коррупцияга қарши курашдаги бир хиссаси сифатида намоён бўлади. Бундай мониторинг ҳам коррупцияга қарши курашишнинг фуқаролик жамияти институти томонидан амалга ошириладиган бир йўналишидир деб таърифланса муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов “Яна бир муҳим вазифамиз қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизим яратишдан иборатдир. Бу биз учун асосий марраларимиздан чалғимасдан, реал ҳаётдан узоқлашмасдан, нафақат давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этишда, балки асосий

мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат қуришни изчил амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилишимиз кераклигини аниқ белгилаш имконини беради”[7], дея таъкидлаганлари бежиз эмас.

Қонун ижодкорлиги фаолиятида режалаштириш ва прогноз қилишнинг самарали қўлланилишида фуқаролик жамияти институтларининг ҳам ўрни бор, яъни қонун ҳужжатларида коррупциявий омилларнинг камайишида жамоатчилик назорати натижаларидан унумли фойдаланиш ҳам яхши натижа бериши шубҳасиздир. Бу борада “фуқаролик жамияти институтлари турли бўғинларининг амалий таклифлари” [8, 237-бет] муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтиш лозим. Албатта, бу ўринда жамоатчилик назорати натижаларини умумлаштириб, мониторингини юритувчи орган тузилишига эҳтиёж туғилади. Мана шундай орган вазифасини Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси ҳам бажариши мумкин. Албатта, бу Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциациясининг уставида ташкилот бажариши лозим бўлган вазифалар сирасига киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти институтлари коррупцияга қарши самарали курашиши учун мустақам ҳуқуқий асос ва мазкур асоснинг амалиётга жорий этиш ижро механизми таъминланган бўлиши уларнинг жамият ҳаётида яна бир муҳим вазифани бажаришларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 05.12.2015 // [press-service.uz](#)
2. Алимов Р., Тошев З. Коррупция феноменига тарихий қараш // Жамият ва бошқарув. 2013. –№2. –Б.55.
3. Жумаев Й. Ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини мустақамлаш вазифалари. // ТДЮИ Ахборотномаси. 2010. – №6. –Б.97.
4. Хамедов И. О концептуальных вопросах правового обеспечения открытости деятельности органов государственной власти и управления // Жамият ва бошқарув. 2014. –№1. –Б.108.
5. Ҳайитов Ҳ.С. Қонун лойиҳалари экспертизаси – қонун мукаммаллигини таъминлашнинг муҳим шarti // Конституциявий ислохотлар – давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг муҳим омили мавзусидаги республика илмий-амалий давра суҳбати материаллари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – Б. 235.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни // [www.lex.uz](#).
7. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 05.12.2015 // [press-service.uz](#).
8. Ҳайитов Ҳ.С. Қонун лойиҳалари экспертизаси – қонун мукаммаллигини таъминлашнинг муҳим шarti // Конституциявий ислохотлар – давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг муҳим омили мавзусидаги республика илмий-амалий давра суҳбати материаллари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – Б. 237.

**М.М.Абдуллаева,**

Тошкент давлат юридик университети  
Хуқуқий тадқиқотлар маркази  
катта илмий ходими

**МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** мазкур мақолада мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни демократлаштириш шароитида конституциявий-хуқуқий жавобгарликнинг мазмун-моҳияти ва хуқуқий табиати, конституциявий жавобгарликни асоси сифатида конституциявий хуқуқбузарликнинг элементлари ҳамда конституциявий суднинг ваколатларини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар назарда тутилган.

**Калит сўзлар:** ҳокимиятлар бўлиниши, суд тизими, конституциявий жавобгарлик, конституциявий назорат, конституциявий одил судлов,

**Аннотация:** в данной статье анализируются концепция и понятие конституционной ответственности в условиях модернизации государства и демократизации общества, элементы конституционного деликта в качестве основы конституционной ответственности, а также выдвинуты научно-обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию полномочия Конституционного суда Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** разделение власти, судебная система, конституционная ответственность, конституционный надзор, конституционное правосудие

**Annotation:** the article analyses the conception and notion of the constitutional liability in the condition of modernization of the state and democratization of society, the elements of constitutional delict as a basis of the constitutional liability, considered scientifically based proposals and recommendations on improvement of the powers of Constitutional court.

**Key words:** the separation of power, the judicial system, constitutional liability, constitutional control, constitutional justice

Жаҳондаги барча хуқуқий демократик давлатлар ҳокимиятлар бўлиниши назариясини эътироф этишиб, уни давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асоси сифатида қабул қилишган. Ҳокимиятлар бўлиниши ўз мазмунига кўра, ягона бўлган давлат ҳокимиятининг уч тармоққа – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишини, ҳар бир ҳокимият тармоғи бошқаларга нисбатан мустақил ҳолда фаолият юритишини тақозо этади. Айни пайтда, ҳокимиятлар бўлиниши, ҳар бир ҳокимият тармоғи бошқасининг ўз ваколат доирасидан чиқмаслигини, бошқа тармоқ ваколатлари мувозанатини ҳам назорат қилиб туради, шу тариқа ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши олди олинади. Ш.Л.Монтъеске таълимотига биноан, “эркин давлат – ҳокимиятлар бўлиниши принципага, яққаҳокимликка қарши тармоқларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туришига, давлат ҳокимиятининг жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги тақсимланишига асосланиши лозим”. [1, 68-бет.]

Конституциямизга мувофиқ, мамлакатимизнинг стратегик вазифаси юртимизда инсонпарвар хуқуқий

демократик давлат қуришдир. Бу вазифани мамлакатда ҳокимиятлар бўлиниши принципини таъминламасдан туриб бажариб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси илк бор ўзининг Конституциясини 1992-йил 8-10-декабрда Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида халқ вакиллари муҳокама қилар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов давлатимиз бошқарув шаклини қуйидагича таърифлаган: “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир. Лойиҳада ана шу учта ҳокимият идораларининг ўзаро уйғун фаолият воситалари, шунингдек, бу идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланди”. [2, 123-бет.]

Ҳокимият тармоқларининг ўзаро бир-бирини тийиб туриши механизми ҳақида гапирилганда, даставвал қонун чиқарувчи ҳокимиятга нисбатан қандай тийиб туриш чора-воситалари борлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни “тийиб турувчи ва мувозанатда ушлаб турувчи” хуқуқий чоралар сифатида, энг аввало Конституциявий суд томонидан қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатларини конституцияга мувофиқлигини текшириш ваколатини, яъни конституциявий назорат институти назарда тутилади. Суд ҳокимияти тизимида ўзига хос ва алоҳида ўрин тутувчи ушбу суд, қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатларини конституция асосида, унинг доирасидан чиқмаган ҳолда ҳужжатлар қабул қилинишини текширади ва шу тариқа бу ҳокимиятни «тийиб» туради.

Хуқуқий демократик давлатда конституциявий тартибга эришиш, қонунийлик ва адолатни рўёбга чиқаришда конституциявий назорат органлари муҳим аҳамиятга эга. Конституциявий одил судлов органлари конституциявий назоратни амалга оширишнинг зарурий шартидир. Конституциявий жавобгарликни қўлловчи конституциявий назорат органларининг қуйидаги умумий хусусиятлари мавжуд:

*биринчидан*, конституциявий назорат ва у билан боғлиқ судлов тартиби демократик давлатчилик ва хуқуқий тизим ривожига муайян босқичида, мамлакатда конституциявий режимни таъминлаш мақсадида вужудга келади;

*иккинчидан*, конституциявий назорат функцияси норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги хусусида қарор қабул қила оладиган махсус ваколатли орган зиммасига юклатилади; *учинчидан*, мазкур органнинг бош мақсади конституциявий нормаларнинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш, Конституцияга зид ҳужжатларни қабул қилинишига йўл қўймасликдан иборат;

*тўртинчидан*, конституциявий назорат органи конституцияга мос келмайдиган норматив-хуқуқий ҳужжатларни аниқлаган тақдирда ўз қарори билан уларни ҳаракатдан тўхтатади ёхуд тегишли идорага бундай ҳужжатларни конституцияга мувофиқлаштириш тўғрисида тавсия беради;

*бешинчидан*, конституциявий назорат органи конституциявий режимни бузган идора ва шахсларга нисбатан санкция қўллаши мумкин, ёки тегишли орган олдида конституциявий жавобгарлик масаласини қўйиш мумкин. [3, 31-бет.] Айрим мамлакатларда мансабдор шахсларнинг конституциявий-хуқуқий жавобгарликни амалга ошириш учун махсус органлар

ташкил этилади. Бир қатор давлатларда конституциявий назорат институтлари импечмент ваколатига эга. Президент (давлат бошлиғи, федерация субъектлари бошлиғи (раҳбарига) нисбатан 39 та давлатнинг конституциявий назорат институтлари импечмент ваколатига эга.) (Австрия, Озарбайжон, Жазоир, Арманистон, Колумбия, Литва, Германия, Италия ва б.) [4, 132-бет.].

Конституциявий назоратнинг замонавий тизимида конституциявий одил судловнинг уч асосий модели ўз ифодасини топган:

1. Умумий суд тизими доирасида конституциявий назоратнинг одатда, миллий судлар инстанциявий тизимини бошқарадиган олий суд томонидан амалга оширилиши (Ирландия, Швейцария, Норвегия, Эстония, Монако, Малто, Кипр Республикаси ва б.)

2. Конституциявий одил судловнинг шу мақсадда алоҳида ташкил этилган суд органи томонидан амалга оширилиши (Австрия, Италия, Испания, Португалия, Франция, Белгия ва б.)

3. Конституциявий одил судловнинг аралаш модели [5, 39-бет.].

Конституциявий назорат институтлари қай шаклда ташкил этилмасин, барчасида асосий мақсад мамлакатнинг Олий қонунини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида конституциявий назорат ва конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни амалга оширувчи ягона орган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг регламенти ва бошқа ҳужжатлар мазкур орган фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади. Асосий қонунимизнинг 109-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколатлари қуйидагилар:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палата қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти органи ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, Конституциявий суд

ўз фаолиятида кучга кирган ҳуқуқий ҳужжатларни Конституцияга мувофиқлигини текширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди юқорида кўрсатилган ваколатлардан ташқари, бошқа ваколатларга ҳам эга. Конституциявий суднинг ваколатларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Конституцияда назарда тутилган ваколатлар;

2) Қонунда назарда тутилган ваколатлар [6, 450-бет.].

Конституцияда назарда тутилган ваколатлар жумласига, Конституциянинг 83-моддасида мустаҳкамланган Конституциявий судининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддада назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишда унга маслаҳат бериш ваколати киради. Конституциявий суднинг бошқа қонунларда назарда тутилган ваколати жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси 3-қисмига кўра, Ўзбекистон Республикасининг бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинишини киритиш мумкин. Давлатчиликда демократик тарзда изчил такомиллаштиришнинг ҳамда модернизациянинг норматив-ҳуқуқий асосини Конституция ташкил этади. Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳужжатларни Конституцияга мослигига доир ишларни кўради ва ушбу тартиб бузилган ҳолларда конституциявий жавобгарлик чораларини қўллайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармонида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилишини тизимли таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан мустаҳкам ҳамкорликда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ўтиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва таомилларга риоя этиш бўйича таклифлар тайёрлаш фаолиятини амалга ошириши қайд этиб ўтилган.

Конституциявий суд томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу умумий юрисдикция судларининг, худди шунингдек, хўжалик судларининг сўровлари бўйича қонунларни Конституцияга мослигини текшириш йўли билан амалга оширилади. Фуқаро ҳуқуқларининг бузилишининг муайян ҳодисаси билан боғлиқ бўлган бу тартиб-таомил фуқаровий, маъмурий ва жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнида қонуннинг Конституцияга мос эмаслиги аниқланган тақдирда, Олий суд Раиси ёки Олий хўжалик суди Раиси томонидан Конституциявий судда кўзғатилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти тизимини изчиллик билан такомиллаштириш ва мазкур ҳокимиятни мунтазам ўзгараётган ижтимоий муносабатлар билан уйғунлашиб бориши келгусида Ўзбекистон

Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш долзарблигини белгилаб беради. Зеро, Б.Мирбабаев таъкидлаганларидек, “Ҳозирги модернизация жараёнлари нафақат умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларига таалуқли, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳуқуқий ҳолатини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида конституциявий одил судловни такомиллаштиришни ҳам назарда тутди”. [7, 21-бет.]

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида конституциявий назорат Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштириш лозимлигини мақсадга мувофиқ деб билдик ва уни қуйидагича асослаймиз:

Сиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларга мувофиқ, конституциявий судга ҳокимият тармоқлари ўртасида юзага келган тенгликнинг, мувозанатнинг кафили сифатида, ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида низо келиб чиққан тақдирда уларни келиштириб қўювчи ҳакам ёки воситачи сифатида қаралади.

Кўплаб ривожланган демократик давлатларнинг конституциявий судлари (Қозоғистон, Австрия, Польша) давлат органларининг ваколатига доир низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Шу боис, гарчанд, ҳозирги кунга қадар ҳокимият тармоқлари ўртасида ихтилофлар юз бермаган бўлсада, Конституциявий судга давлат органлари ўртасида вужудга келадиган низоларни кўриб чиқиш ваколатини бериш лозим. Айрим мамлакатларда мансабдор шахсларнинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлигини амалга ошириш учун махсус органлар ташкил этилади. Масалан, 1982-йили Польшада Конституциявий трибунал ва Давлат трибунали таъсис этилган. “давлат трибунали давлатнинг олий мансабдор шахслари содир этган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқади. Мамлакат Президенти, Вазирлар Кенгаши раиси ва аъзолари, депутатлар ва сенаторлар шундай шахслар жумласига киради. [8, 47-бет.] Конституциявий жавобгарлик бир қатор давлатларда конституциявий суд томонидан амалга оширилади. Чехия Республикаси Конституциясининг 87-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд бевосита конституциявий жавобгарликка оид масалаларни кўради. [9, 128-бет.]

Иккинчидан, судларнинг ваколатлари доирасига давлат органлари ҳуқуқий актларининг конституция ва қонунларга мослиги устидан назорат қилиш ваколати кирар экан, бу масала билан ҳам конституциявий суд ҳам умумий юрисдикция судлари ҳам ҳўжалик судлари шуғулланмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси конституциявий суди томонидан амалга ошириладиган назоратнинг аниқ чегараларини белгилаш, унинг ҳуқуқий оқибатларини акс эттириш ва буни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мазмуни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган экан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га Ўзбекистон Республикаси конституциявий суди муҳокамасига масалалар киритиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай амалиёт Испания, Россия Федерацияси, Венгрия, Болгария, Украина ва бошқа давлатларда кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикаси

конституциявий судига фуқаролар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, аммо масалалар киритиш ҳуқуқига эга эмас. Шу ўринда Конституциявий судга мурожаат қилиш ва масала киритиш ҳуқуқи борасида тўхталиб ўтсак.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси ва Бош прокурори Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга. Масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига фуқаронинг мурожаати эса бевосита “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги низога мувофиқ, мурожаатларни (ариза, шикоят, таклифлар) кўриб чиқиш тартибини белгилайди. Агар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қуйидаги мазмундаги:

– ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари Конституцияга мос бўлмаган қонунлар ёки Олий Мажлис палаталари қабул қилган қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қабул қилинганлиги натижасида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалар билан олган ёки бошқа мажбуриятлари туфайли бузилганлиги ҳақидаги;

– Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ёки Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги;

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ бериш ҳақидаги мурожаатлари бевосита Конституциявий судга ўрганиб чиқилади. Агар мурожаатлар юқорида келтириб ўтилган масалалардан бирортасига тегишли бўлса, улар Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари топшириғига мувофиқ, масалани Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлаш мақсадида, Конституциявий суднинг судьялари томонидан ўрганиб чиқилади. Судьянинг мазкур ишга доир хулосаси, Конституциявий суднинг бошқа икки ёки ундан ортиқ судьялари томонидан маъқулланган тақдирда “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқиши учун киритилиши мумкин. Мазкур ҳолатда фуқаронинг Конституциявий судга бевосита эмас, билвосита (Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан) масала киритиши акс этган. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари

ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ория этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириши қонунчилигимизда акс этган. Албатта, ҳар қандай назоратнинг натижаси унинг мантикий яқуни бўлади. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили жисмоний ва юридик шахслардан келаётган мурожаатлар орқали ҳамда ўзи амалга ошираётган назорат орқали реал ҳаётнинг қаерида, қандай муаммолар борлигини ва қайси жабҳада қонунчиликни такомиллаштириш лозимлигини аниқлашда кўмаклашади.

Шу боис Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди муҳокамасига масалалар киритиш ҳуқуқини бериш фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Хорижий амалиётда конституциявий судларнинг инсон ҳуқуқларинини ҳимоя қилиш соҳасидаги функцияси тобора кучайиб бораётганлиги, конституциявий одил судловнинг таъсирчан ва самарадорлиги кенгаётганлиги кузатилмоқда, бу эса ўз навбатида суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишга ижобий таъсир ўтказди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, конституциявий одил судлов –демократик давлатчиликнинг муҳим сифат белгисидир. Конституциявий одил судлов конституциявий назоратнинг муҳим шакли, демократик давлатнинг зарурий институти бўлиб, Конституция ва қонунларнинг устунлигини кафолатловчи ишончли гаров сифатида намоён бўлмоқда.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Азаркин Н.М. Монтескье. – М.:Юридическая литература, 1988.- С.68
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. – Б.123.
3. Х.Т.Одилқориев. Конституциявий одил судлов – ҳуқуқий модернизациялашнинг муҳим омили. //Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси . 2008-йил. 16-сон. – Б. 31.
4. Richard.A.P. The History, Scope, and Form of Impeachment. Harvard University Press (June2012).P.95-132.
5. Исмаилов Б, Хорижий давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида конституциявий одил судловнинг асосий моделлари. //Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси. 2008-йил. 16-сон. – Б. 39.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. –Т.:Ўзбекистон. 2013. – Б. 450.
7. Мирбобоев Б. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги устидан суд назорати // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси.– 2006.–14 сон – Б.21.9.
8. Ҳуқуқ ва бурч. 2012-йил 6-сон – Б. 47.
9. Чехия Республикаси Конституцияси//– Масьул муҳаррир: –Саидов А.Х. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. 2012. – Б:128.

Х.А.Абдурахманов,  
ТДЮУ мустақил изланувчиси

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ТАКОМИЛЛАШИШ ДИНАМИКАСИ

**Аннотация:** мазкур мақола Ўзбекистон Республиканинг сайлов тизими ва қонунчилигининг шакллантирилиши, унинг босқичлари, сайлов жараёнининг такомиллаштирилиб бориши ёритилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва мамлакат қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар миллий сайлов тизимининг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар тизимли равишда таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** сайлов ҳуқуқи, сайлов қонунчилиги тизими, сайлов жараёнлари, фуқаролик жамияти институтлари, қонунчилик ҳужжатлари, сайлов қонунчилигини тизимлаштириш, кўппартиявийлик, миллий сайлов қонунчилиги босқичлари, Марказий сайлов комиссияси, сайловларни ташкил этиш, сиёсий партия, партиялар фаолиятини молиялаштириш, икки палатали парламент, Ўзбекистон экологик ҳаракати, партиялараро рақобат.

**Аннотация:** в статье речь идет о формировании избирательной системы законодательства Республики Узбекистан, его этапах, совершенствование выборного процесса. Освещены изменения и дополнения, внесенные в Конституцию Республики Узбекистан, а также в национальное законодательство, роль избирательной системы в построении демократического государства, и анализируются системные реформы, направленные на создание гражданского общества.

**Ключевые слова:** избирательное право, система избирательного законодательства, избирательный процесс, институты гражданского общества, законодательство, систематизация избирательного права, многопартийность, этапы развития, организация выборов, Центральная избирательная комиссия, финансирование политических партий, двухпалатный парламент, Экологическое движение Узбекистана, межпартийная конкуренция.

**Annotation:** in this article we are talking about the formation of the electoral system of the Republic of Uzbekistan, it's stages, reflected in the improvement of the dynamics of the election. It is lit modification and additions in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, and also in the national legislation of an electoral system of the country, in a way of creation of the democratic state and the analysis of the reforms which are carried out on a systematic basis to ways of creation of civil society are made.

**Key words:** right to vote, the system of electoral law, the electoral process, civil society, legislation, ordering the electoral law, multiparty system, the national stages of the electoral law, the organization of elections, The Central election commission, the funding of political parties, two-chamber parliament, the Ecological movement of Uzbekistan, party competition.

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлаш ҳуқуқини таъминлаш, сайлов тизими ҳамда сайлов қонунчилигининг аҳамияти беқиёсдир. Шу сабабли мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ демократик принципларга асосланган

сайлов тизимини барпо этиш учун дастлаб унинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги халқимизнинг бой миллий қадриятлари ва тарихий давлатчилик анъаналари асосида, шунингдек, сайловга оид халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда яратилган бўлиб, фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимиятини шакллантириш ҳамда давлат бошқарувидаги эркин иштирокини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилиги тизими нафақат бевосита сайлов тўғрисидаги қонунларни, балки сайловларга билвосита тааллуқли яна бир қатор қонунларни ҳам ўз ичига олади. Бугун юридик фанда сайлов жараёнига қуйидагича анъанавий қараш вужудга келди, яъни бу жараён: ижтимоий-оммавий ҳокимиятни шакллантиришнинг формал-ҳуқуқий тартиби (процедураси) ҳисобланиб, бунда сайлов жараёнига кенг ва тор ёндашувлар омухталаниб кетади [1].

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, “сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва халқ қилувчи аҳамиятга эга масаладир” [2, 35-бет]. Шунингдек, “...демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани” [3, 18-бет].

Сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилиги ҳужжатларида белгиланган бўлиб, аввало, сайлов жараёнларининг демократик тамойиллар асосида адолатли, холисона, очиқ ва ошкора ўтказилишига хизмат қилади, иккинчидан, сайлов жараёнларининг фаол иштирокчиси ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини кафолатлайди, қолаверса, сайлов жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг, жумладан, сиёсий партияларнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлайди.

Сайловга оид қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қиладиган бўлсак, биринчи ўринда, сайлов қонунчилиги тизимининг ўзагини, ядросини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, иккинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни; учинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуни; тўртинчидан, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни; бешинчидан, “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни; олтинчидан, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлари ташкил этади [4].

Сайлов қонунчилиги таҳлилида уларни тизимлаштириш, муайян босқичларга ажратиб ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай тадқиқотлар

сайлов қонунчилигининг тадрижий равишда такомиллашиб бориши хусусида хулосалар чиқаришга имкон яратлади.

Тадқиқотчилар сайлов ва сиёсий партиялар ҳақида фикр билдириш баробарида, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги шаклланишини асосий икки даврини, яъни (1995-2004) бир палатали парламент фаолият олиб борган ва (2005 ва ундан сўнг) мамлакатимизда икки палатали парламент фаолият юритаётган даврларни ажратиб кўрсатадилар [5, 15-бет].

Юқоридаги даврлаштиришда муаллифлар, биринчи босқични Конституциянинг қабул қилинишидан бошлаб ҳисоблайди. Бизнингча, мустақил давлатимизнинг сайлов қонунчилиги Конституция қабул қилингунга қадар шакллана бошлаган, яъни 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинишидан ҳисобланиш мантиқан тўғри бўларди. “Ўзбекистон Республикасининг президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизда сайловга оид қабул қилинган биринчи қонун бўлиб, унда кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳамда яширин овоз бериш йўли билан давлат раҳбарини сайлашнинг демократик асослари белгилаб берилди.

Бизнинг фикримизча, сайлов қонунчилигининг яратилиши, ривожланиши ва миллий сайлов амалиётини қуйидаги асосий босқичларга ажратишимиз мумкин:

1. *Сайлов тизими конституциявий-ҳуқуқий асосларининг яратилиши даври (1991-2000 йй.)* – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда бир палатали Олий Мажлисни кўппартиявийлик асосида шакллантириш билан боғлиқ даврини ўз ичига олади.

Бу даврда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991 йил 18 ноябрь), Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги [6] (1993 йил 28 декабрь), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994 йил 5 май) қонунларнинг қабул қилиниши билан умумэътироф этилган принциплар орқали кўппартиявийликка асосланган, муқобил сайловларни ташкил этишининг ҳуқуқий базаси яратилди. Айниқса, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан фуқароларга сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш механизми яратилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунни Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб қабул қилган.

Янги сайлов қонунчилиги 1994 йилда кўппартиявийлик асосида ўтказилган парламент сайловлари амалиётида синаб кўрилди. Унинг натижасида Биринчи чақириқ Олий Мажлис таркиби иккита сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган номзодлар асосида сайланган депутатлардан иборат тарзда шаклланди.

Ушбу даврда миллий сайлов қонунчилиги асосида ўтказилган парламент сайловларида тўпланган амалий тажрибага мувофиқ, уч босқичда сайлов тизимининг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш каби

тадбирларни ўз ичига олади. Жумладан, бу босқичда сайловларни ташкил этиш ва натижаларини аниқлашда ҳолисликни таъминлаш ҳамда турли эҳтиросларга йўл қўймаслик мақсадида мустақил орган – Марказий сайлов комиссияси тузиш борасида, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) қонун қабул қилинди ва мамлакатимиз тарихида илк бор демократик йўл билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилди. Бундан ташқари, депутатликка мустақил номзодларни илгари суришни кучайтириш, Ўзбекистонда кўппартиявийлик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини кучайтиришга кенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида сайлов қонунчилигида сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг бевосита номзод кўрсатиш ҳуқуқлари мустақамланди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасида муҳим ўзгартиш қилинди. Чунончи, аввал бу моддага кўра, номзод кўрсатган субъект исталган вақтда ўз қарорини бекор қилиши мумкин эди. Янги тахрирга мувофиқ, “сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин...” Шунингдек, номзод кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам МСК унинг номзодини мақомидан маҳрум этади.

Депутатликка номзодларни чақириб олишнинг энг кам муддати ҳам беш кун этиб белгиланди (Олий Мажлисга ва вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари сайловлари тўғрисидаги қонунларнинг тегишлича 28-ва 29-моддалари).

Сайлов жараёнининг муҳим субъектлари саналган сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунининг 1996 йилнинг декабрида қабул қилиниши билан 1999 йилда ўтказилган парламент сайловларига янги ҳуқуқий замин яратилди [7]. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлисида ўз сиёсатини уюшган ҳолда ўтказиш учун парламент фракцияларини ташкил этишнинг қонуний кафолатлари вужудга келди. Энг муҳими, сиёсий партияларнинг сайлов тартиб-қоидаларига риоя қилинишини назорат этиш бўйича ваколатлари кенгайди ва номзод кўрсатган сиёсий партия ҳар бир сайлов участкасига ўз кузатувчисини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди.

II. Сайлов тизими ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш, либераллаштириш ва сайлов амалиётини такомиллаштириш (2000-2010 йй.) – бу муддат мамлакатимизда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодий тартиб-барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнаган жараёнларга бой бўлди. Бу давр бевосита икки палатали парламаент тизимига ўтиш билан боғлиқ сайлов қонунчилигининг тадрижий тараққиётига асосланган босқичининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Ўзбекистон парламенти Сенати Раисининг ўринбосари С. Ортикова таъкидлаганидек,

Мамлакатимизда сайлов қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимли ва изчил амалга оширилмоқда. Жамиятдаги демократик ислохотлардан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг жамият ва давлатни бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтириш, шунингдек аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, унинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш асосида 2003, 2008, 2012 ва 2014 йилларда сайлов қонунчилигига қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди [8, 2-бет]

Давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилаш ҳамда эркинлаштириш шароитида 2003 йилнинг 29 августида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги [9] Қонун янги тахрирда қабул қилинди ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шундай қилиб, икки палатали парламентга сайловлар учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилди. Унда сайлов ҳуқуқига оид халқаро стандартлар ва сайлов тизимини ривожлантириш тажрибаси, шунингдек мамлакатда парламентаризм тараққиётининг миллий хусусиятлари эътиборга олинди. Масалан, 2004 йилги сайловларга қадар сайлов қонунчилигига жорий этилган энг муҳим янгиланишлар қаторида – маҳаллий Кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганида хотин-қизлар учун квота белгиланганлиги, шунингдек сайловолди ташвиқотини олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. 2004 йил 30 апрелда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун эса партияларга сайловолди курашини фаол ва мазмунли тарзда ўтказишларига қўшимча имкон яратди [10].

Олий Мажлисининг 2004 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига қуйидагилар эга бўлди: сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар. Бундан ташқари, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ва икки палатали парламентга ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар киритиш асосида амалга оширилган конституциявий ислохотлар, шунингдек асосий конституциявий қонунлар қабул қилиниши натижасида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилиб, у икки босқичдан иборат бўлди. Сайлов ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, сайлов участкаларига бўлинган 120 та сайлов округи ташкил этди. Сайловнинг биринчи босқичи 2004 йил 26 декабрь куни ўтказилиб, 62 нафар халқ ноиб, 2005 йил 9 январда бўлиб ўтган иккинчи босқичда Қонунчилик палатасига 58 нафар депутат сайланди. Сайловлар ҳам Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, ҳам сайловчиларнинг ташаббускор

гуруҳлари кўрсатган депутатликка номзодлар иштирокида бўлиб ўтди.

2007 йил 11 апрелдаги “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, сайлов жараёнида ва ҳокимият органларини шакллантиришда сиёсий партиялар фаоллигини оширишга хизмат қилди. У парламентдаги кўпчиликнинг ва муҳолифатнинг, шунингдек турли сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқларини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлади. Қонун сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро ҳокимият органлари фаолият устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишига ҳуқуқий шароит яратди [11]. Шунингдек, парламент қуйи палатасидаги ҳар бир партия фракцияси вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга бўлди. 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги [12] Қонун сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантирди. Ушбу қонунга мувофиқ, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага ўзгартирилди. Бунда 135 та ўринни сиёсий партиялардан кўппартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатлар эгаллайди. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан эса Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатларда сайланадиган бўлди. Шунингдек, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган реал жараёнларда сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганлиги инobatга олиниб, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди. Шунингдек, депутатликка номзодлар ишончли вакилларининг сони 5 нафардан 10 нафарга ўзгарди [13]. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссиялари фаолиятининг ошқоралигини янада кучайтиришни таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги тартиб-қоидалар жорий этилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси баён этилгач, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришнинг янги босқичи (2010 йил 12 ноябр) бошланди. – Концепцияда илгари сурилган ғоялар давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга хизмат қилди.

Ҳозирги давр кўппартиявийликка асосланган сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўймоқда. Сабаби, *биринчидан*, ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи, унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиклиги ва демократиклигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. *Иккинчидан*, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг изчил такомиллаштирилишини Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг муҳим бўғини сифатида баҳолаш

лозим. *Учинчидан*, демократик сайлов тизими Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларни том маънода халқ иродасига таянган ҳолда шакллантириш, вакиллик органларида партиялараро рақобатнинг кучайтириш, улар фаолиятига партиявий тортишувчанликни кўчириш, электорат фикри асосида мамлакат тараққиётига дахлдор янги дастурлар олиб чиқиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари Концепцияда партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани боис Ўзбекистон сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этди. Улар қонунчиликка киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ва маҳаллий Кенгашлар сайловининг жараёнларига оид муносабатлар “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида сайловолди ташвиқотини амалга ошириш билан боғлиқ нормалар келтирилган бўлиб, улар сайлов жараёнининг адолатли амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилмоқда [14].

Дарҳақиқат, сайловолди ташвиқоти сайлов жараёнининг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Сайловолди ташвиқотининг асосий мақсади сайлов жараёнини юқори даражада очиклигини таъминлаш ва номзодларга ўз дастурлари тўғрисида сайловчиларга тўлиқ ва ишончли маълумотларни етказиб беришлари учун кенг ва тенг шароитлар яратишдан иборат [15, 31-бет].

Сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари, унинг тушунчаси, олиб бориш шартлари, турлари, руҳсат этилган шакл ҳамда усулларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилди [16].

Парламентнинг 2012 йил 19 декабрдаги қонуни билан Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасида “қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин” деган қоида, бу тоифа сайловчиларининг рўйхати мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади ва у сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади (32 ва 33-моддалари) [17]. Бундай нормаларнинг киритилиши мамлакатда айбсизлик презумпцияси принциpigа изчил риоя этилаётганининг исботидир.

2013 йилда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунга Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партиявий гуруҳларнинг ваколатини кучайтиришга йўналтирилган норма киритилди. Унга кўра, партиявий гуруҳларга тегишли вакиллик органи, қўмита ёки комиссиялари раислари ва аъзолари номзодлари бўйича таклиф киритиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сайлов тизимига бағишланган XXIII махсус бобининг 117-моддасига қуйидаги муҳим ўзгартириш киритилди:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги [18] Қонунга биноан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги [19] Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонунда Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини амалга ошириш принциплари белгиланди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясини тузиш, аъзолик, Марказий сайлов комиссияси ва Раисининг ваколатлари, Марказий сайлов комиссияси мажлиснинг баённомаси каби моддаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва Марказий сайлов комиссияси аъзосининг гувоҳномаси деб номланган янги модда билан тўлдирилди.

Юқоридаги қонун билан сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар ва ташкилотларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиши ҳуқуқининг кафолатлари кучайтирилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига “Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун маъмурий жавобгарлик” деган <sup>1</sup> боб киритилди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар миллий сайлов тизимининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг равишда янада мустақамланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган нутқида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: “Бўлиб ўтган парламент сайловлари авваламбор жамоатчилигимиз, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, етуклик даражаси сезиларли равишда ошганини кўрсатди. Шу билан бирга, ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислохотларнинг амалий натижаларини намойиш этди” [20].

Шуни таъкидлаш лозимки, сайловга оид қонун ҳужжатларида белгиланган демократик тамойил ва талаблар доирасида миллий сайлов тизими

шаклланди ва ушбу жараён мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги ислохотлар асосида ривожланиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз сайлов тизими ва қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида-талаблари, ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва халқимизнинг миллий менталитетини инобатга олган ҳолда шакллантирилган бўлиб, фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиш учун тенг шароитларни кафолатлайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Веденеев Ю.А. Лысенко В.И. Избирательный процесс: понятие, структура и основные стадии// Избирательное право и избирательный процесс в Российской Федерации. // Изд-во «НОРМА», - М., 2003. – С. 276.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 35-бет.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. 18-бет.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. № 5. 125-модда; 1994. № 5. 127-модда; 1997. №2. 36-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2004. № 5. 78-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. 2005. №8-9.64-модда; 2007. №4. 161-модда.

5. И.Р.Беков, Ш.А.Аббосхўжаев. Сайлов ва сиёсий партиялар. –Т., 2004 й. 15-бет.

6. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – № 10. – 250-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 36-модда.

8. Артикова С. Основные направления совершенствования избирательного законодательства / Демократизация избирательной системы и законодательства: опыт Узбекистана и зарубежных стран (г. Ташкент, 23-24 ноября 2015 года) Т., - 2015. – С. 2.

9. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003. – № 9–10. – 132-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – № 5. – 86-модда.

11. Исмоилов Н.М. Сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида. – Халқ сўзи. 2008 й. 6 дек.

12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 510-модда.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1994. № 1. 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. № 9-10. 132-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. № 5. 125-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1994. № 5-6. 95-модда.

15. Каньязов Е., Зулфиқоров Ш., Турғунов О. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги. – Т.: “O`zbekiston”, 2014. – Б.31.

16. Ўзбекистон Республикаси 2012 й. 19 дек. 340-сон қонуни/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил 51-сон, 574-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси 2012 й. 19 дек. 340-сон қонуни/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил 51-сон, 574-модда.

18. Халқ сўзи 2014 йил 5 сентябрь.

19. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи, 2015 йил 24 январь.

**В.Эргашев,**

ТДЮУ кафедра мудири,  
юридик фанлари номзоди, доцент

### **КОРХОНА – МУЛКИЙ КОМПЛЕКС ВА КЎЧМАС МУЛКНИНГ АЛОҲИДА ТУРИ СИФАТИДА**

**Аннотация:** муаллиф фуқаролик ҳуқуқида мулкӣ комплекснинг ягона тури сифатида корхонанинг ҳуқуқий табиатини таҳлил қилган ҳолда, ашёларни ушбу тушунча доирасига киришининг асосий мезонларини ишлаб чиққан, шунингдек унинг ҳуқуқий режимини такомиллаштириш зарурлигини асослайди.

**Калит сўзлар:** мулкӣ комплекс, кўчмас мулк, корхона, фирма номи, шартнома.

**Аннотация:** автор статьи анализирует правовую природу предприятия как единого имущественного комплекса в гражданском праве, определяет основные критерии отнесения вещей к этому понятию и их взаимосвязь, а также обосновывает необходимость совершенствования его правового режима.

**Ключевые слова:** имущественный комплекс, недвижимость, предприятие, фирменное наименование, договор.

**Annotation:** the author analyzed the legal nature of the enterprise as a single property complex in civil law, defines the basic criteria for assigning items to this concept and their relationship and substantiates the necessity improving its legal status.

**Key words:** property complex, real estate, businesses, trade name, contract.

Мамлакатимиз иқтисодий тизимини бозор муносабатлари асосида шаклланиши фуқаролик ҳуқуқи объектлари сонининг ҳам мутаносиб равишда ортишига олиб келди. Шундай объект қаторига ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб фуқаролик муомаласида кенг қўлланиладиган корхонани киритиш мумкин.

ФК 85-моддасига кўра, бутун корхона мулкӣ комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Бутун корхона ёки унинг қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин.

Мулкӣ комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хомашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса киради.

Мазкур модданинг мазмунидан ҳам кўриниб турибдики фуқаролик ҳуқуқининг янги объекти сифатида корхона унинг одатдаги, аъъанавий объектларидан тубдан фарқ қилади. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулки таркибида моддада санаб ўтилган элементларнинг бири учраши мумкин. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: қандай ҳолларда мол-мулкларнинг йиғиндиси корхона сифатида тавсифланиши лозим, корхонанинг алоҳида ашёлар ва ҳуқуқлар йиғиндисидан фарқи нимада?

Фуқаролик ҳуқуқида мулкӣ комплексларга биринчи навбатда, яхлит бутун ҳолда фойдаланиладиган ўзаро боғлиқ бўлган кўчмас ва кўчар мулк комплекси киритилади. Бошқача қилиб айтганда, улар мол-мулклар алоҳида турларининг жамланмаси эмас, балки муайян тизимда мавжуд бўлган мол-мулклар йиғиндисидир.

Кўчмас мулк объекти сифатида бутун мулкӣ комплекс ҳисобланувчи корxonанинг ҳуқуқӣ режимига аниқлик киритишда “мураккаб ашё” ва “мулкӣ комплекс” тушунчаларининг ўзаро нисбатини аниқлаштириш лозим. Мулкӣ комплекслар ва мураккаб ашёларнинг ўзаро ўхшашлик жиҳати шунда намоён бўладики, мулкӣ комплекслар ва мураккаб ашёлар билан боғлиқ битимлар уларнинг барча қисмларига нисбатан амал қилади. Шу билан бирга, мулкӣ комплекс ва мураккаб ашёнинг ҳуқуқӣ режими айрим ҳолларда бир-бирининг фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, мураккаб ашёдан фойдаланишда уни ташкил этувчи элементлар ўзгартирилмас, мулкӣ комплекс (масалан, корхона)дан фойдаланишда унинг таркибий қисмлари ўзгариши табиий ҳол ҳисобланади. Шунингдек, мураккаб ашёлардан фарқи равишда мулкӣ мажмуалар ўз ичига нафақат ашёларни, балки мулкӣ ҳуқуқларни ҳам қамраб олади. Демак, ўзларининг табиий ва ҳуқуқӣ мазмунига кўра мураккаб ашё ва мулкӣ комплекс фуқаролик ҳуқуқининг турли объектлари ҳисобланишини кўриш мумкин. В.Витрянский ҳам шунга ўхшаш позицияни эгаллаган ҳолда “корхона ашёларни кўчар ва кўчмасга ажратиш таснифидан ҳам “тушиб қолади”, чунки у ҳатто ашё, ҳатто мураккаб ашё ҳам ҳисобланмайди” деб таъкидлайди.[1, 86-бет]

Мураккаб ашёдан фарқли равишда амалдаги фуқаролик қонунчилигида мулкӣ комплекснинг ҳуқуқӣ режими белгиланмаган. Бундан ташқари, мулкӣ комплекснинг асосий турларидан бири бўлган корхона ҳам ҳуқуқ объект сифатида баҳоланишига қарамадан, бирор бир нормада унинг ашёлар гуруҳига киритилишига доир кўрсатма мавжуд эмас. Бинобарин, корхона фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос объекти бўлиб, таркибига ашёлар билан бир қаторда ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳамда бошқа ашёлардан самарали фойдаланиш имкониятини тақдим этувчи алоҳида турдаги ашёларни қамраб олади (мисол учун, мақсадли иншоотлар) [2, 280-281-бетлар].

Шундай қилиб, фикримизча, ФК 81-моддасида мулкӣ комплекслар фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида объектлари сифатида назарда тутилиши лозим.

Мулкӣ комплексларнинг энг кўп тарқалган тури (лекин фақат ягонаси эмас) корхона ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, адабиётларда “корхона” тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувларни кузатиш мумкин. Масалан, Г.Ф.Шершеневич, корхона сифатида тегишли режа бўйича муайян хўжалик-савдо мақсадларига эришиш учун бирлаштирилган шахсий ва мулкӣ воситаларнинг йиғиндисини тушунган ва қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатган: мулкӣ воситаларнинг мавжудлиги, яъни корxonанинг моддий таркиби (савдо уйи, товарлар, пул маблағлари ва ҳ.к.); тадбиркорнинг ўзидан ва ёрдамчи персоналдан иборат бўлган шахсий воситалар; мулкӣ воситаларни тасарруф этилиши ва савдо вакилларининг муайян режа бўйича амалга оширилаётган фаолияти; корхона иш режасининг муайян мақсадга йўналтирилганлиги [3, 18-бет].

А.И.Каминканинг эътироф этишича, “айрим шахслар савдо корxonасини юридик шахс деб ҳисоблаган бир вақтда, қолганлар унга муайян мақсадлар учун мўлжалланган мулк деб қарашади, учинчилари бундай корxonаларга техник-бухгалтерлик характерини бериб, савдогар ва унинг савдо корxonасига шахсий мулк сифатида қарашларни инкор этишади” [4, 105-бет].

О.Н.Садиқов корxonанинг белгилари сифатида қуйидагиларни келтиради: муайян фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган барча мол-мулкларни ўз таркибига олган бутун мулкӣ комплекс; фақатгина тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиладиган мулкӣ комплекс бўлиб, у давлатга, хусусий мулкдорларга тегишли бўлиши мумкин; корхонага доир битимларнинг тузилиши учун фаолиятини тугатилишига олиб келмайди, яъни объект бўлиб, “иш ҳолатидаги” мулкӣ комплекс ҳисобланади; юридик шахсга тегишли мулкӣ комплекс билан боғлиқ битим тузилганда ушбу юридик шахс фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида ўз фаолиятини тугатмайди [5, 281-282-бетлар].

И.В. Елисеевнинг кўрсатишича “корхона – тадбиркорга тегишли бутун ва алоҳидалашган мулкӣ комплекс бўлиб, кўчмас мулк сифатида тан олинади ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фойдаланилади” [6, 102-бет].

Шу билан биргаликда айнан қайси омил мол-мулклар йиғиндисини корхонага айлантиришини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ю.К.Толстойнинг фикрича, бу борада асосий ролни корхона билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар уйнашади. Бутун мулкӣ комплекс сифатида корхона фақат ишлаб чиқариш курул ва воситаларидан иборат эмас, балки корхонага тегишли мутлақ ҳуқуқларни ҳам қамраб олади. [7, 379-бет] Иккинчи ёндашувга кўра, агар мол-мулкни йиғиндиси муайян ишлаб чиқариш технологик циклни ташкил этса корхона сифатида эътироф этилиши мумкин. [8, 46-50-бетлар]

Замонавий фуқаролик қонунчилигида “корхона” тушунчаси ҳам субъектларга, ҳам объектларга нисбатан ишлатилади. Жумладан, ФК юридик шахснинг турлари сифатида давлат ва унитар корxonаларни тан олади. Шунингдек, миллий қонунчилигимизда бошқа мамлакатлардан фарқли равишда тижоратчи юридик шахслар ҳисобланувчи “хусусий корхона” ва “оилавий корхона”ларни номлашда ҳам корхона атамасидан айнан шундай маънода фойдаланишган. Ушбу ҳолатларда «корхона – юридик шахснинг тегишли ташкилий-ҳуқуқӣ шакли элементлари номидан биридир»[9, 225-бет].

Шу билан бирга, мазкур атамадан муайян ҳуқуқ объектини белгилаш учун ҳам фойдаланилади. ФК 85-моддасида корхона айнан ушбу маънода, яъни кўчмас мулкнинг алоҳида бир тури (мулкӣ мажмуа) сифатида талқин этилган ҳамда алоҳида ҳуқуқӣ режими ўрнатилган (хусусан, корхона таркибини белгиланиши, уни топшириш тартиби, кредиторлар ҳуқуқларини таъминлаши ва ҳ.к.лар). Корхона таркибига унинг фаолиятида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари қиради, шу жумладан, ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиб олиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корxonани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлар (фирма номи, товар белгилари,

хизмат кўрсатиш белгилари) ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар қиради (ФК 85-моддаси).

Шундай қилиб, мулкый комплекс сифатида корхонани ташкил қилувчи объектларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Корхона фаолиятини амалга оширишга қаратилган кўчар ва кўчмас мулк. Бу – бинолар, иншоотлар, хом ашё, қайта ишлаш учун мўлжалланган хом ашё, қабул қилиб олиш учун мўлжалланган маҳсулотлар ва ҳ.к.

2. Корхонанинг мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари, нақдсиз пул маблағларига бўлган ҳуқуқ ҳам қиради.

3. Мутлақ ҳуқуқлар (интеллектуал мулк объектлари, фирма номи, товар белгисига бўлган ҳуқуқ).

Шу билан бирга, корхонанинг ҳуқуқ объекти ва ҳуқуқ субъекти сифатидаги фарқи хар доим ҳам кўзга ташланмайди. Масалан, Н.И.Клейн ва В.В.Чубаровларнинг Россия қонунчилига татбиқан қайд этишларича: “РФ ГК 132-моддасида, унинг номланишидан келиб чиқиб, корхонага фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида белгиланган. Бироқ, унда талаб қилиб олиш ҳуқуқи, қарз ва бошқа қатор мутлақ ҳуқуқларни назарда тутилганлиги корхонани фуқаролик ҳуқуқининг объекти эмас, балки субъекти сифатида тан олиниши зарурлигига ишора қилади. Бундай фикр юритишга ундовчи асосий омил бўлиб эса – талаб қилиб олиш ҳуқуқи, қарзлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар фақатгина ҳуқуқ субъектига тегишли эканлиги ҳисобланади” [10, 151-бет].

ФК 85-моддаси иккинчи қисмига кўра корхона юзасидан шартнома тузилганлиги натижасида унинг таркиби кенгайиши ёки қисқариши мумкин. Шундай қилиб, ФК 280-моддаси 3-қисмига кўра, ипотека предмети ҳисобланган корхона таркибига, юқорида келтирилган мулкдан ташқари, гаровга кўювчи ипотека шартномаси тузилганлигидан кейин олиши мумкин бўлган талаб қилиб олиш ҳуқуқи ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар ҳам қиради, ФК 489- ва 658-моддаларида назарда тутилишича, корхонани сотиш ва ижарага беришда сотувчи ёки ижарага берувчининг лицензия (яъни, муайян фаолият билан шуғулланишга бериладиган рухсатнома) асосида қабул қилинган ҳуқуқлари сотувчига ёки ижарага берувчига берилмайди.

Ривожланган давлатлар қонунчилигида корхона таркибига “клиентелла” (бизнес) тушунчаси ҳам киритилади. Бир сўз билан айтганда, “клиентелла” – юридик шахс-ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки хизматларнинг истеъмолчилари билан ўзаро барқарор ҳужалик алоқалари бўлиб, улар товарлар, хизматлар ва ишлар бозоридаги рақобат кучайган даврида жуда муҳим ўрин тутаяди. Шу боис, амалда фаолият юритаётган ҳуқуқ объекти сифатидаги корхонанинг нархи корхона таркибига қирадиган бошқа мол-мулкларнинг тегишли баланс қийматига нисбатан анча юқори бўлади. Бизнинг қонунчиликда эса ягона мулкый комплекс сифатидаги корхона таркибига клиентелла (бизнес) тушунчаси киритилмаган ва уни шакллантиришда асосий эътибор мол-мулкларга қаратилган. Фикримизча, ривожланиб бораётган бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда мазкур тушунчани ФК 85-моддасига киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидланганидек, корхона таркибига моддий мулк ва пул маблағларидан ташқари яна интеллектуал мулкка бўлган мутлақ ҳуқуқлар киритилиши мумкин. Хусусан, бундай ҳуқуқларга

патент билан ҳимояланган ихтиро, саноат намунаси, фойдали модель, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган адабиёт, фан, санъат асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ ва бошқалар кириши мумкин. Бу ҳуқуқлар пул кўринишида корхона балансида номоддий активлар сифатида ҳисобга олинади.

Корхона мол-мулки таркибига киритилган фирма номига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Фирма номи деганда одатда фуқаролик муомаласида фаолият юритаётган турли ташкилотларни бир-бирдан фарқлаб турувчи ва учунчи шахсларнинг бу ташкилотларни бир-бирдан ажратиб олишлари учун хизмат қиладиган муайян атама тушунилади [11, 160-бет]. Шу сабабли ҳам фирма номи субъект ҳуқуқига мос равишда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини (масалан, АЖ, МЧЖ), унинг типини (давлат, хусусий), фаолият турини (ишлаб чиқариш, савдо, илмий-тадқиқот), эгасининг шахсини (масалан, Форд, Ротшильд) ифодаламоғи лозим [12, 149-бет].

Ҳозирги кунда фирма номларини ҳуқуқий тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрда қабул қилинган «Фирма номлари тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади. Тузилмавий жиҳатдан фирма номи ўз ичига иккита компонентни қамраб олади: ташкилий-ҳуқуқий шаклни белгилаш ва юридик шахс фаолияти хусусиятини кўрсатиш. Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик адабиётларда фирма номи корхона мол-мулки таркибига кирмайди, сабаби у корхонани ўзини эмас, балки унинг эгаси бўлган юридик шахснинг индивидуаллаштиради, деган фикрлар билдирилади [13, 135-бет]. Бундай тарзда фикр юритиш учун ўзига хос асослар ҳам мавжуд. ФК 46-моддаси 6-қисмига асосан, тижоратчи ташкилот ҳисобланган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши шарт ва фирма номи тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлса, юридик шахс ундан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу фикр тарафдорлари ФК 85-моддасига тегишли ўзгартириш киритиш масаласини кўтаришади.

Таъкидлаш ўринлики, фирма номи ўз ҳолича, корхона томонидан ишлаб чиқиладиган товарлар, кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган ишлардан айро равишда муайян иқтисодий аҳамият касб этмайди. Қолаверса, фирма номининг асосий функцияларидан бири ҳам айнан муайян бир товарни ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган юридик шахсни ўзга муқобилларидан ажратиб олиш ҳисобланади. Ҳуқуқ объекти сифатида корхона олди-сотди предмети бўлганда сотиб олувчининг асосий мақсадларидан бири ҳам «иш ҳолида» бўлган корхона томонидан амалга оширилаётган фаолиятни давом эттириш ҳисобланади. Бунда албатта, бозорда ўз ўрнига эга бўлган ишлаб чиқарувчининг атрибутларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, фирма номининг одатдаги функциясидан ташқари, яна бир бошқа – товар, хизмат ва ишларни кенг маънода индивидуаллаштириш ҳисобланади. Шу туфайли, ФК 1101-моддасида ҳамда «Фирма номи тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига фақат юридик шахс қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун

корхона мулккий мажмуа сифатида сотилган ҳолларда йўл қўйилиши назарда тутилган.

Корхона мол-мулки таркиби динамик кўринишга эга бўлиб, ишлаб чиқариш суръатларига мос равишда ўзгариб боради (айрим турлари бегоналаштирилади, айримлари қабул қилинади) ва улар корхона балансида акс эттирилади. Шундай қилиб, хом ашё тайёр маҳсулот қилиб қайта ишлаб чиқарилади, маҳсулот сотилади ва пул маблағи шаклига айланттирилади, айрим мажбуриятлар тўхтатилади ва бошқалари вужудга келади. Кўчмас мулкнинг ҳолати нисбатан барқарор ҳисобланишига қарамасдан, у ҳам битимлар предмети бўлиши мумкин. Корхона мулкнинг ҳаракатланиши корхона тегишли бўлган юридик шахснинг бухгалтерлик ҳисоботларида акс эттирилади ва ушбу ҳисоботлар муайян вақт оралиғида умумлаштирилади (ойлик, чораклик ва ҳ.к.). Мулккий комплексга доир битимларни амалга оширишда корхона ўзининг илгари бошқа мулкдор томонидан олиб борилган ишлаб чиқариш ёки тадбиркорлик фаолиятини тўхтатмайди, яъни битимнинг объекти бўлиб «иш жараёнидаги» мулккий комплекс ҳисобланади.

Бинобарин, корхонага доир битимларни амалга оширишда битим предмети бўлиб корхона таркибига киритилган барча мол-мулклар ҳисобланади. Шу билан бирга, юқорида таъкидланганидек, корхонанинг айрим қисмларига нисбатан ҳам битимлар тузилиши мумкин (масалан, кўчмас мулкнинг алоҳида объектлари ёки ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан). Бироқ, М.Брагинский томонидан тўғри таъкидланганидек, “корхона мол-мулки таркибига кирувчи айрим предметларни бегоналаштирилиши корхонага нисбатан тегишли ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши заруратини бекор қилмайди. Шу билан бирга, корхона таркибидан қолган бошқа мол-мулклар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконини берадиган бутун мулккий комплекс хусусиятини сақлаб қолиши зарур” [14, 10-бет].

Таҳлил қилинаётган масала доирасида корхонанинг муайян қисми ва юридик шахс филиали ўртасидаги фарқни ҳам ажратиш лозим. Шуни инобатга олиш керакки, филиал ҳар доим корхонанинг (ҳуқуқ субъекти сифатидаги) бир қисми ҳисобланади, корхонанинг муайян қисми эса ўз навбатида, ҳар доим ҳам филиал ҳисобланавермайди. Жумладан, корхона жойлашган ҳудуддаги унинг таркибий қисмлари филиаллар ҳисобланмайди. Шу билан бирга, юридик шахснинг филиали мулки бутун мулккий комплекс сифатидаги корхонанинг қисми сифатида курилиши мумкин. Ушбу мулккий комплекс таркибига асосий юридик шахс номидан олинган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам киритилиши мумкин. Амалиётда юридик шахс филиалига тегишли бўлган мол-мулкни алоҳида корхона сифатида баҳолаш мумкинлигига доир масалалар пайдо бўлади. Шу билан бирга, ФК 47-моддаси 2-қисмига кўра, филиал юридик шахснинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини бажаради. Биринчи ҳолатда, филиал ягона технологик халқани ҳосил қилиб, юридик шахс ишлаб чиқарадиган маҳсулотни ишлаб чиқариши мумкин. Бироқ, юқорида айтиб ўтганимиздек, филиал ҳар доим корхонанинг бир қисми эканлигидан келиб чиқиб, у умумий корхона сифатида эмас, балки унинг қисми сифатида кўриб чиқилиши мумкин холос.

Мулккий комплекс сифатида корхоналарни фуқаролик ҳуқуқи объектлари таркибига киритилиши

бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Жумладан, мазкур муаммолар мулккий комплекс таркибига ҳам жисмий хусусиятларига кўра, ҳам ҳуқуқий табиатига кўра бир-бирдан жиддий тарзда фарқ қиладиган мол-мулк турларини киритилиши билан боғлиқ. Бундай махсус ҳуқуқий режим корхоналар билан амалга ошириладиган турли битимларга бағишланган кўплаб махсус нормаларда ифодаланади (олди-сотди, ижара ва ҳ.к.).

Юридик адабиётларда корхона шартли равишда кўчмас мулк деб тан олинганлиги тўғрисидаги фикрлар мавжуд. Масалан, О. Козырининг фикрича, қонун чиқарувчи корхонани ҳуқуқнинг махсус объекти сифатида баҳолайди, ушбу ҳолат биринчидан, расмий равишда корхона кўчмас мулк тушунчасини таърифлашда назарда тутилмайди (РФ ФК 130-модда – Э.В.), балки ФК 132-моддасига кўчмас мулк масаласига бағишланган қатор моддалар блокидан кейингина киритилишида кўзга ташланади. Иккинчидан, таркибини ҳосил қилувчи элементларига кўра мазкур объект шунчалик турли хилки, корхонани у ёки бу объектлар гуруҳига унинг таркибини ҳосил қилувчи элементларнинг ҳуқуқий табиатига асосланиб эмас (чунки уларнинг аксарияти кўчмас мулк ҳисобланмайди), балки фақатгина уни махсус мулккий комплекс сифатида таснифланишидан келиб чиққан ҳолда киритиш мумкин. Корхона ер участкаси билан узвий алоқаси мавжудлиги учун эмас, балки қонун чиқарувчининг мазкур ўзига хос объектга нисбатан кўчмас мулклар учун ўрнатиладиган ҳуқуқий режимни таъбиқ этиш тўғрисидаги қарори бўйича кўчмас мулк тоифасига киритилган [15, 280-бет]. А.М.Эрделевскийнинг фикрига кўра ҳам, корхона ер билан узвий боғлиқлиги учун эмас, балки қонун билан шундай объект сифатида тан олинганлиги туфайли кўчмас мулк ҳисобланади [16, 3-бет].

Бундай ҳолларларда қонун чиқарувчи қайси мақсадларни кўзлаган ҳолда корхонани кўчмас мулк қаторига киритганлиги масаласи вужудга келади. Шундай вазиятлар вужудга келиши мумкинки, корхона мол-мулки таркибидан кўчмас мулк жисмий равишда бўлмаслиги мумкин. Бу ўринда гап турли хизматлар кўрсатувчи ҳамда ижарага олинган биноларда жойлашган тадбиркорлик субъектлари ҳақида кетмоқда. Тегишли фаолиятни юритиши учун ҳамма вақт ҳам кўчмас мулкка эга бўлишлари шарт эмас. Шунга қарамасдан, бундай корхоналар ҳам кўчмас мулк ҳисобланади.

Ушбу масала юзасидан А. Куликованинг таъкидлашича, “корхона таркибига кўчмас мулк кириши ёки кирмаслигидан қатъи назар кўчмас мулк деб тан олиш фикрига қўшилиши мумкин, ушбу ҳолат корхона билан амалга ошириладиган битимларни кўчмас мулкнинг махсус ҳуқуқий режимига мослаштириш заруратидан келиб чиқади, мақсад ушбу битимларнинг тўғрилигини таъминлаш, шунингдек, иштирокчилар ҳамда учинчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат» [17, 19-бет]. Бироқ, «корхонани кўчмас мулк деб тан олиб, ФК келажакда уни автоматик равишда кўчмас мулк ҳақидаги барча қоидаларга бўйсундирмайди, балки корхоналар билан тузиладиган битимларга нисбатан формал ва қаттиқ режим ўрнатади» [18, 282-бет]. Тегишли тартибда, ФК 83- ва 85-моддалари орасида қарама-қаршиликлар мавжуд, сабаби кўчмас мулкнинг асосий хусусияти бўлган ер билан боғлиқлик хусусияти йўқолади.

Адабиётларда амалдаги қонунчиликнинг асосий камчилиги сифатида корхонанинг бошқа ўхшаш объектлардан фарқлаш имконини берувчи аниқ мезонларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатилади [19, 66-бет]. Ушбу фикрга қўшилиш мумкин. Масалан, бундай мезонларнинг ноаниқлиги корхонани тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилиши мумкин бўлган бошқа мулкый комплекслардан фарқлашда қийинчиликлар туғдиради. Барча корхоналар мулкый комплекс ҳисобланса-да, мулкый комплекслар фақат корхоналардан иборат эмас. Жумладан, спорт клубларини корхона сифатида тан олиш мумкинми ёки улар махсус мулкый комплекс ҳисобланадими, деган саволлар пайдо бўлади.

Корхона фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар объекти бўлиши мумкин. У республика ёки муниципал мулкда мавжуд бўлиши мумкин. Корхона, шунингдек, тижорат ёки нотижорат корхоналарнинг (агар ушбу ҳолат нотижорат корхоналарнинг устави билан рухсат этилган бўлса), якка тартибдаги тадбиркорларнинг хусусий мулкида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Битта субъект ўз мулкида бир қанча корхоналарни қамраб олиши мумкин. Мулкый комплекс сифатидаги корхонанинг эгаси бўлиб, назарий жиҳатдан, тадбиркор бўлмаган жисмоний шахс ҳам бўлиши мумкин (масалан, ворислик асосида қўлга киритилганда). Бироқ, ушбу ҳолатда корхонанинг фуқаролик муомаласида фаолият юритиши учун корхона эгаси якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Лекин, адабиётларда кўрсатилганидек, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мол-мулкни алоҳидалаштириш на ҳуқуқий, на амалий аҳамият касб этади, сабаби якка тартибдаги тадбиркор ўз мажбуриятлари юзасидан олиб қўйилиши мумкин бўлган барча мулк билан жавобгар бўлади [20, 185-бет]. Шу билан бирга, бундай якка тартибдаги тадбиркор ўз корхонаси базасида хўжалик жамияти ёки ширкат тузиши мумкин, алоҳида ҳолларда, у ягона таъсисчи сифатида ҳам ҳаракат қилиши мумкин. Бироқ, ушбу ҳолатда мулкый комплекс сифатидаги корхонанинг эгаси бўлиб, расмий равишда жисмоний шахс эмас, балки у ташкил этган хўжалик жамияти ҳисобланади. Тегишли тартибда, бундай юридик шахснинг жавобгарлиги шу юридик шахснинг мулки билан чегараланади, ушбу ҳолат эса жисмоний шахс учун иқтисодий нуқтаи назардан фойдалидир.

Ҳозирги кунда мулкый комплекс сифатидаги корхона билан тузиладиган битимлар кўпчиликни ташкил этмайди. Бундай ҳолатга давлат рўйхатидан ўтказишдаги мураккабликлар сабаб бўлмоқда. Амалиётда асосан акциялар, улуш, пай бадаллари билан боғлиқ битимлар тузилади. Бундай ҳолларда акция, пай бадаллари, улушларни қўлга киритган шахс фақатгина акция, пай бадаллари ва бошқаларнинг эгаси ҳисобланади, лекин ҳуқуқ объекти сифатидаги корхонага нисбатан эгаллик қила олмайди, бироқ бу ҳолат мулкый комплекс сифатидаги корхона устидан тўлиқ назоратни амалга оширишга тўсқинлик қилмайди.

Сўнгги вақтларда корхонани мулкнинг алоҳида тури ва фуқаролик ҳуқуқи ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг мустақил объекти сифатида тан олиш, лекин уни кўчмас мулк объекти сифатида тан олмаслик таклифи ҳам билдирилмоқда [21, 43-бет]. Бундай ҳолларда корхона фуқаролик ҳуқуқининг ўзига

хос алоҳида объекти сифатида кўрилади. Ушбу ҳолатда у кўчмас мулк объектларини қамраб олиши ҳам, қамраб олмаслиги ҳам мумкин. Бунинг натижаси ўлароқ, корхонага нисбатан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш шарт бўлмайди (бу қоида фақатгина корхона таркибидаги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуққа нисбатангина сақланиб қолади).

Ушбу ҳолатда, корхонанинг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатидаги махсус хусусияти бошқа йўл билан – корхона билан тузилган битимлар ҳақидаги маълумотларнинг мажбурий нашр этишни татбиқ этиш орқали таъминлаш мумкин. Корхонани бошқа шахсга бериш тўғрисидаги битим тузилгани тегишли мулкый комплексга бўлган ҳуқуқ уни бошқа шахсга берувчида қайд этилишини ва корхонага бўлган бу ҳуқуқ уни сотиб олувчига ўтишини англатиши лозим. Корхона таркибидаги кўчмас мулк объектларига нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг ўтиши ва вужудга келишигина давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Корхона таркибидаги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш эса соддалаштирилган тартибда амалга оширилиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомда мазкур масалага доир айнан шундай ёндашув қўлланилган. Ҳатто мазкур низомда ФҚдан фарқли равишда корхона алоҳида кўчмас мулк сифатида ҳам эътироф этилмаган ва

у билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш алоҳида назарда тутилмаган. Фақатгина низомнинг 42-бандида корхонани, топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан бирга нотариус томонидан тасдиқланган олдидан шартномаси бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келишини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида қайд этилган.

Таъкидлаш лозимки, корхона ҳуқуқий мақомини ўзгартириш хусусида ФҚга доир тегишли ўзгартиришларни амалга оширмасдан туриб мазкур тартибни белгилаш тўғри бўлармикан? Қолаверса, корхона сифатида эътироф этиш учун мулкый комплекс бўлиши талаб этилади. Комплекслик хусусияти мавжуд бўлмаса бино ва иншоотлардан иборат мол-мулк мажмуаси корхона сифатида эътироф этилмаслиги шарт.

Шунингдек, бундай ёндашувни қўлланилиши натижасида ҳуқуқ объекти сифатида мулкый комплекс сифатида корхонанинг алоҳида-алоҳида объектлардан иборат бўлган қисмларга бўлиниб кетиши юзага келади. Алоҳида объектнинг мавжуд эмаслиги эса ўз навбатида улар юзасидан битимларни ҳам тузиш имкониятини шубҳа остига қўяди. Бундай ҳолда корхонани сотиш ва ижарага беришга доир битимларни предмети сифатида нима эътироф этилиши лозим: бино ёки иншоотми ёхуд улардан ташқари бошқа объектларни ўзига жамлаган мулкый комплексми? Ушбу низомда корхона таркибидаги кирувчи бино ва иншоотга доир олдидан-сотидан шартномаси корхонани сотиш шартномасига тенглаштирилган кўринади. Аслида улар иккита бир-биридан алоҳида предметга эга бўлган мустақил шартномалар ҳисобланади.

Назаримизда, фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида мулкый комплекс бўлган корхонанинг амалдаги ҳуқуқий режими ФҚда сақланиб қолиши

зарур. Унинг ҳуқуқий режимига янада аниқлик киритиш мақсадида фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида мулкый комплекснинг ҳуқуқий режими ФҚда аниқ белгиланиши, хусусан мулкый комплекс сифатида тан олиш мезонлари, тартиби, турлари, рўйхатини юритиш ҳамда у билан боғлиқ битимларни тузишга доир умумий қоидалар ўз ифодасини топиши зарур.

Жумладан, амалдаги қонун ҳужжатларида корхона билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий битимлар, хусусан, олди-сотди, ижара, ишончли бошқарув, ипотека тартибга солинган. Аммо корхона таркибини, шартнома шаклини белгилаш ва унинг таркибига киритилган мажбуриятлар бўйича кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйичамазкур битимларни ҳуқуқий тартибга солишда ягона ёндашув кузатилмайди. Шу боис, ФҚда 85-моддасида ёки алоҳида янги моддада корхоналар билан боғлиқ барча битимлар (сотил, ижара, ишончли бошқарув, ипотека, ҳада қилиш)га тегишли бўлган умумий қоидалар акс эттирилиши лозим. Хусусан, корхона мол-мулки (шу жумладан талаб қилиш ҳуқуқи ва қарзлар)нинг таркиби ва қийматини белгилаш тартиби тўғрисида; кредиторларга хабар бериш ва уларнинг ҳуқуқлари тўғрисида; корхонани топшириш тартиби тўғрисида; корхонага бўлган ҳуқуқларнинг ўтишини (уларга мажбурият юкланишини) давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ва ҳ.к. Айни ҳолда ФҚнинг шартнома мажбуриятларининг айрим турларига бағишланган параграфлари ва бобларида, бошқа қонунларда тегишли мажбуриятлар моҳиятидан келиб чиқадиган махсус қоидаларгина сақлаб қолиниши лозим.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Витрянский в. Договор продажи недвижимости. / Вестник ВАС РФ. – 1999. – №11. – С. 86.
2. Козырь О.М. Недвижимость в новом Гражданском кодексе России //В кн.: Гражданский кодекс России. Проблемы. Теория. Практика. / Отв. ред. А.Л.Маковский. – М.: Статут, 1998. – С. 280–281.
3. Шершеневич Г.Ф. Учебник торгового права. – М.:Статут, 1994. – С. 18.
4. Каминка А.И. Очерки торгового права. СПб., 1911. – С.105.
5. Комментарий к ГК РФ части первой (постатейный)./ Под ред. О.Н.Садикова. – М.: ИНФРА-М, 1997. – С. 281–282.
6. Гражданское право. Учебник. Ч.2. / Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. – М.: Проспект, 2006. – С. 102.
7. Гражданское право. Учебник. Ч.2. / Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. – М.: Проспект, 2006. – С. 379.
8. Романов О. Государственная регистрация прав на недвижимость и сделок с недвижимым имуществом: некоторые вопросы правоприменения. // Хозяйство и право. – 1999. – №8. – С. 46-50.
9. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. – М.:Статут, 2000. – С. 225.
10. Гражданское право России. Часть вторая. Обязательственное право. Курс лекций / Отв. ред. О.Н. Садиков. - М., 1997. – С.151.
11. Н. Имомов, Б.Ахмаджонов. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ, 2010. – Б. 160.
12. О.Оқюлов. Интеллектуал мулк мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент, ТДЮИ, 2004. – Б.149.

13. Комментарий к ГК РФ, части второй (постатейный) / Под ред. О.Н.Садикова. – М.: ИНФРА-М, 1997. – С.135.

14. Брагинский М.И. Комментарий к Закону Российской Федерации “О государственной регистрации прав на недвижимое имущество и сделок с ним”. – М.: Норма, 1998. – С.10.

15. Козырь О.М. Недвижимость в новом Гражданском кодексе России. – С. 280.

16. Эрделевский А.М. Комментарий к Федеральному закону о государственной регистрации прав на недвижимое имущество и сделок с ним. – М.: БЕК, 1999. – С.3.

17. Куликов А. Ипотека предприятия как имуществомного комплекса. – М., ЮНИТИ-ДАНА, 2000 – С. 19.

18. Козырь О.М. Недвижимость в новом Гражданском кодексе. – С.282.

19. Грибанов А. Понятие предприятия в российском гражданском праве. / Хозяйство и право. – 2005. – № 6. – С. 66.

20. Жариков Ю.Г., Масевич М.Г. Недвижимое имущество: правовое регулирование – М., Норма, 1997. – С.185.

21. Концепция гражданского законодательства о недвижимом имуществе. / Под ред. В.В. Витрянского, О.М. Козырь, А.А. Маковской. – М., 2004. – С.43.

**А. Гавва,**

кандидат юридических наук, доцент, докторант Института государственной службы и управления Российской академии народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации.

## О ПРАВЕ СОБСТВЕННОСТИ И ОГРАНИЧЕННЫХ ВЕЩНЫХ ПРАВАХ НА НЕДВИЖИМОЕ ИМУЩЕСТВО

**Аннотация:** статья посвящена вопросам правового регулирования института собственности и иных вещных прав на недвижимое имущество в современном гражданском праве. Особое внимание уделяется опыту правового регулирования вещных правоотношений в германском законодательстве, а также проблемам развития институтов вещного права в Российской Федерации.

**Ключевые слова:** право собственности, ограниченные вещные права, земельный участок, недвижимое имущество, конкуренция вещных прав.

**Аннотация:** мақола замонавий фуқаролик ҳуқуқида кўчмас мулкка нисбаттан ашёвий ҳуқуқлар ва мулк ҳуқуқи институтини ҳуқуқи тартибга солиш масалаларига бағишланган. Унда Германия қонунчилигида ашёвий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси, шунингдек Россия Федерациясида ашёвий ҳуқуқ институтини ривожлантириш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** мулк ҳуқуқи, ашёвий ҳуқуқларни чеклаш, ер участкаси, кўчмас мулк, ашёвий ҳуқуқларни рақобати.

**Annotation:** the article is devoted to legal regulation of the Institute of ownership and real rights of immovable property in the modern civil law. Special attention is paid to the experience of legal regulation of law in rem in German law, as well as the development of institutions of property law in the Russian Federation.

**Key words:** ownership, limited real rights, land plot, immovable property, concurrence of ownership and limited property rights.

Вопросы совершенствования институтов вещного права не утрачивают своей актуальности на всех этапах развития гражданского законодательства. Традиционно возникновение категории вещных прав связывается с римским частным правом, где ограниченные по своему содержанию вещные права на чужие вещи противопоставлялись наиболее широкому по содержанию праву собственности. Однако следует признать тот факт, что дошедшие до нас источники римского частного права в действительности не содержат и не могли содержать такого обобщенного, абстрактного понятия, как «вещное право» или «ограниченные вещные права», поскольку римской юриспруденции было «чуждо распределение материала на основании общих понятий и принципов, составляющее характеристическое свойство догматической классификации» [1, 222-стр.]. Более того, древнее римское право вообще «не знало противоположения между правом собственности и ограниченными вещными и личными правами на чужие вещи. Всякое отношение к вещи мыслилось как разновидность единого права – права собственности» [2, 189-стр.].

В римском праве отсутствовало четкое разделение имущественных прав на вещные и обязательственные, основанное на каких-то определенных, общепризнанных признаках вещного и обязательственного права, а такие категории, как суперфиций (*superficies*) и эмфитевзис (*emphyteusis*), обычно рассматриваемые в качестве классических разновидностей известных римскому праву вещных прав, появились в этом качестве на базе долгосрочной аренды земли, т.е. чисто обязательственных отношений [3, 34-стр.].

Современное понимание категории вещных прав появилось в континентальном праве на основе пандектного учения, разработанного немецкими юристами в начале XIX века [4]. Перед ними стояла сложная задача разработки новой категории вещных прав, которая могла бы удовлетворить социально-экономические потребности общества. Дело в том, что в период устранения феодальных правопорядков и отношений вассальной зависимости была исключена возможность существования двух прав на одну и ту же вещь (конструкция разделенной собственности), в частности, на земельный участок, а право собственности было признано наиболее полным правом. Однако в силу ограниченности земли возникла экономическая необходимость предоставить юридически наиболее прочную, т.е. вещно-правовую, а не обязательно-правовую возможность одним лицам пользоваться земельными участками, принадлежащим другим лицам.

Важно подчеркнуть, что данная проблема касалась исключительно земли, а не других движимых вещей, следовательно, именно земля была объявлена главным (а в германском праве – единственным) видом недвижимых вещей. Не случайно все иные, чем право собственности, классические вещные права (кроме залогового права) имеют своим объектом только недвижимые вещи, главным образом земельные участки [5, 302-стр.]. Очевидно, что земельные участки являются объектом наиболее сложного правового регулирования, и, в сущности, воплощают в себе представления о собственности [6, 414-стр.].

В немецком праве в качестве основного признака вещного права выступает абсолютность, которая подразумевает абсолютную защиту и право следования [7]. Абсолютный характер защиты предполагает, что вещные права действуют в отношении всех третьих лиц и должны соблюдаться ими, последние, в свою очередь, должны быть ясно осведомлены о содержании и видах указанных прав. Следовательно, вещные права могут создаваться только законом, а не соглашением сторон, причем закон должен исчерпывающим образом определить и содержание каждого конкретного вещного права. Иначе говоря, в отличие от принципа свободы договоров, одним из проявлений которого является возможность создания любых, в том числе прямо не предусмотренных законом, договоров и вытекающих из них обязательственных прав, в области вещного права действует иной основополагающий принцип – закрытый перечень (*numerus clausus*) ограниченных вещных прав, составляющий их важнейшую характеристику [3, 46-стр.]. Указанный принцип предписывает сторонам использовать только предусмотренные законом институты вещного права и запрещает им менять их содержание.

Следует согласиться с тем, что абсолютность субъективного права собственности не уничтожается в случае сужения правомочий собственника, вызванное

возникновением ограниченного вещного права либо обременением обязательственными правами третьих лиц (например, передача земельного участка в аренду), но, безусловно, влияет на объем правомочий собственника [8, 52-стр.]. Другими словами, содержание права собственности на недвижимое имущество в данном случае остается прежним – меняются его объем и пределы осуществления, что никак не влияет на абсолютную природу данного субъективного гражданского права.

При наличии ограниченных вещных прав право собственности уменьшается в своем объеме, причем иногда весьма существенно. Например, в русском дореволюционном законодательстве было известно право полной и неполной собственности. Полным право собственности признавалось, если владение, пользование и распоряжение соединялись в одном лице, и неполным, если от него отделялось одно из указанных правомочий. По мнению Г.Ф.Шершеневича, в данном случае проявляется свойство упругости права собственности – под давлением законных и договорных ограничений оно сжимается, но принимает снова прежнюю форму, как только устраняется препятствие [9].

В советской литературе указанное свойство получило название «эластичность» права собственности, под которым понималась возможность восстановления права собственности в полном объеме при прекращении лишения собственника правомочий [10, 19-стр.]. Современные авторы также применяют термин «эластичность», считая эластичность одним из бесспорных признаков права собственности. В частности, по верному замечанию Д.В.Дождева, собственник остается собственником и в отсутствии любого из правомочий (например, если в отношении земельного участка будет установлен суперфиций или эмпфитевзис, собственник лишается возможности распоряжаться им), тем более что право собственности способно восстанавливаться в полном объеме сразу же по прекращении конкуренции других вещных прав (или снятия законодательных ограничений) [11, 378-стр.].

В немецкой юридической литературе результат конкуренции права собственности и иных ограниченных вещных прав известен как консолидация [12, 261-стр.]. По сути, это один из фундаментальных вопросов вещного права, поскольку затрагивает интересы как собственника недвижимого имущества, так и тех лиц, в чью пользу эти права устанавливаются.

Необходимость защиты интересов не только собственников земельных участков, но и иных лиц делает актуальной проблему правовой регламентации т. н. «соседских прав». В европейском законодательстве накоплен значительный опыт ограничения прав собственника земельного участка в интересах соседей (третьих лиц), где указанная концепция получила закрепление на рубеже XIX и XX веков [13, 92-стр.].

В Гражданском уложении Германии (далее – ГГУ) закреплено положение о том, что собственник не может воспрепятствовать проникновению на его участок газа, пара, запаха, дыма, копоти, тепла, шума, сотрясения и иных подобных воздействий с другого участка, если это не стесняет его или незначительно влияет на использование им своего участка, либо обуславливается обычной по местным условиям и по положению другого участка его эксплуатацией (§ 906 ГГУ) [14, 258-стр.]. Если существует угроза причинения вреда земельному участку в результате разрушения здания или иного сооружения, находящихся на соседнем зе-

мельном участке, или в результате падения частей здания или сооружения, собственник вправе потребовать от лица, которое будет отвечать за причинение вреда, принять соответствующие меры, чтобы избежать этой опасности (§ 908 ГГУ) [14, 259-стр.].

Введение института соседских прав в российское законодательство предполагается проектом изменений Гражданского кодекса РФ [15]. При этом закрепляется, что соседями могут признаваться не только собственники (владельцы) прилегающих земельных участков, но и лица, чьи земельные участки испытывают влияние от использования земельного участка. Однако соседские права не защищаются абсолютно и по своей природе не являются вещными правами, выступая лишь в качестве ограничения права собственности на недвижимое имущество в пользу других лиц.

Говоря о специфике ограниченных вещных прав, следует отметить, что они также предоставляют лицу возможность осуществлять непосредственное, хотя и строго ограниченное господство над чужой вещью. Их содержание действительно всегда является более узким, ограниченным в сравнении с правом собственности, которое они обременяют. По существу, они представляют собой ограничения правомочий собственника в том или ином отношении, лишая его возможности самостоятельно и свободно пользоваться своей вещью. При этом ограниченные вещные права не могут существовать самостоятельно при отсутствии права собственности на вещь [3, 57-стр.].

Что же касается права следования, то именно сохранение ограниченных вещных прав при переходе права собственности на имущество к другому лицу и составляет, как отмечает В.Е.Эргашев, его сущность [16, 377-стр.]. В германском законодательстве эта норма сформулирована в § 889 ГГУ следующим образом: «Право на чужой земельный участок не прекращается вследствие того, что собственник земельного участка приобретает это право либо управомоченное лицо приобретает право собственности на этот земельный участок» [14, 255-стр.].

Аналогичное положение, но уже применительно ко всем видам имущества, а не только к земельным участкам, содержится как в российском, так и в узбекском гражданском законодательстве: «Переход права собственности на имущество к другому лицу не является основанием для прекращения иных вещных прав на это имущество» (п. 3 ст. 216 Гражданского кодекса РФ, ч. 2 ст. 165 Гражданского кодекса РУз).

С правом следования связывается и такой важный принцип, как единство судьбы земельного участка и расположенного на нем объекта недвижимости. По сути это римский принцип *superficies solo cedit* (все, что на поверхности, земле принадлежит), который действует в законодательстве Германии, Австрии, Швейцарии и, как отмечает Л.А.Кассо, «безусловно содействуют охранению строений как таковых: временный обладатель или пользователь может быть склонен, когда он покидает участок, разобрать все им построенное, тогда как, наоборот, хозяин земли будет дорожить приращением» [17].

В России с началом реформ 90-х годов прошлого века сформировалась особая модель гражданско-правового регулирования, для которой были характерны три направления: во-первых, приоритет отдавался правам на здание над правами на земельный участок, во-вторых, недвижимость и права на нее не связывались с правами на земельный участок, в-третьих,

а) қонун йўли билан тартибга солишдан воз кечиш ва ўзини ўзи тартибга солишга умид қилиш. Ҳозирги вақтда бу йўлдан боришнинг иложи бўлмаса керак, чунки амалдаги норматив ҳужжатлар “тармоқдаги” муносабатларга ўхшашлик бўйича бўлса ҳам татбиқ этилади;

б) кўриб чиқилаётган муносабатларни алоҳида (махсус) ҳуқуқий тартибга солиш. Бу йўл самарали бўлмаса керак, чунки амалдаги (масалан, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасидаги) қонун ҳужжатларининг кўп сонли нормаларини такрорлаш зарурати билан боғлиқ;

в) амалдаги қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва “тармоқдаги” ижтимоий муносабатлар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда янги норматив ҳужжатлар қабул қилиш. Умуман олганда, бу йўлдан бориш мумкин, аммо у қонун ҳужжатлари тегишли нормаларининг тарқоқлигига олиб келиши мумкин;

г) кўриб чиқилаётган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асосларини мустаҳкамлайдиган “ҳадли” норматив ҳужжат (қонун) қабул қилиш ва сўнг “в” бандини ҳаётга татбиқ этиш. Бизнингча, айнан шу йўлни танлаш мақсадга мувофиқ, шу сабабли унга батафсилроқ тўхталамиз.

Интернет тўғрисидаги “ҳадли” қонун кенг кўламли (турли ҳуқуқ соҳалари нормаларидан иборат) бўлиши ва қуйидагиларни белгилайдиган қоидаларни ўз ичига олиши лозим:

– қонун ҳужжатлари тузилмасини ва Интернет тармоғига доир давлат сиёсати асосларини;

– “тармоқдаги” муносабатларга қонун ҳужжатларини, биринчи навбатда – фуқаролик қонунчилигини қўллаш принципларини;

– “тармоқдаги” ижтимоий муносабатларни уларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тартибга солишнинг айрим фундаментал принципларини, шу жумладан: сайтларга кирувчилар сонини мажбурий ҳисобга олиш тизими асосларини; домен номлари ва тармоқдаги бошқа объектларнинг юридик табиати ҳамда уларни қонун йўли билан тартибга солишга нисбатан ёндашувлар тўғрисидаги масаланинг принциплал ечимини; муҳокама қилиш ва аниқлик киритишни талаб этадиган бошқа масалаларни.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилган ҳадли қонун билан бир қаторда, фақат “тармоқдаги” муносабатларни тартибга солишга бағишланган бошқа норматив ҳужжатлар ҳам қабул қилиниши мумкин (масалан, Интернет воситаларидан фойдаланган ҳолда савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги қонун).

Натижада тўлалигича “тармоқдаги” муносабатларни тартибга солишга бағишланган норматив ҳужжатлар кичик тизими пайдо бўлиши лозим. Мазкур кичик тизим бошида юқорида зикр этилган “ҳадли” қонун, шунингдек кўрсатилган муносабатларга амалдаги қонун ҳужжатларини ўхшашлик бўйича самарали қўллаш имконини берадиган нормалар туради.

Амалга оширилган таҳлил Интернет тармоғида юзага келувчи муносабатларга қўллаш мумкин бўлган нормалар турли қонун ҳужжатларидан ўрин олганини кўрсатади. Мазкур муносабатлар ўз терминологияси, хусусиятига эга ва кўпгина ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқага киришади. Аммо, шунга қарамай, Интернет-

муносабатлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани боис, мавжуд ҳуқуқ соҳаларининг бирортаси ҳам уларни тўлиқ тартибга солишга қодир эмас. Шу сабабли, кўрсатилган муносабатлар алоҳида, кенг кўламли ҳуқуқ соҳаси ёрдамида тартибга солиниши лозим, чунки Интернетдаги муносабатлар бошқа ҳуқуқ соҳалари, чунончи: фуқаролик, жиноят, меҳнат, солиқ, ахборот, муаллиф ҳуқуқи ва ҳоказолар билан тартибга солинадиган турли масалаларга дахлдордир.

Бинобарин, Интернет тармоғидаги муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқ тизимининг ўз алоҳида предметлари ва усулларига эга бўлган мавжуд барча соҳалари ёрдамида амалга оширилади. Мазкур муносабатлар гетероген хусусиятга эга бўлгани боис, улар предмети сифатида бир нечта ҳуқуқ соҳасининг бир турдаги муносабатлари амал қиладиган кенг кўламли институти ўзида ифодалаш учун “турдош соҳалар”нинг ҳуқуқий тартибга солиш объекти бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, Интернет тармоғида юзага келадиган муносабатлар миллий ҳуқуқнинг кўп сонли соҳалари нормаларининг ҳуқуқий тартибга солиш объекти ҳисобланади. Бу ерда Интернет тармоғида юзага келувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ва халқаро хусусиятга эга бўлган хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солинадиган фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ биринчи даражали аҳамият касб этади.

Интернет-муносабатлар – бу иштирокчилари Интернетда субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг эгалари сифатида амал қиладиган виртуал макондаги ижтимоий (шу жумладан ахлоқий, маънавий ва бошқа) муносабатлардир. Бу соҳа ҳаракатчан бўлиши лозим, чунки Интернет жадал суръатларда ривожланмоқда ва мавжуд нормалар Интернет-муносабатлар соҳасини етарли даражада тартибга солишга қодир эмас.

Мазкур муносабатлар ўзига хос хусусиятга эга бўлгани туфайли ва уларни тартибга солишнинг самарадорлигини янада ошириш учун улар давлат билан бир қаторда, мазкур муносабатларнинг иштирокчилари томонидан ҳам тартибга солиниши лозим. Аммо уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши керак. Бундан ташқари, Интернет-муносабатлар тармоқда шаклланаётган муайян ҳуқуқ-атвор қоидалари (одатлар)ни аста-секин норматив-ҳуқуқий мустаҳкамлашдан иборат бўлган ўзини ўзи тартибга солиш усули ёрдамида тартибга солиниши лозим.

Интернет тармоғини тартибга солишда ахборот-ҳуқуқий фаолият вазифаларини амалда бажариш муносабати билан юзага келадиган муносабатларнинг турлари диққат марказида туриши лозим. Интернет ҳуқуқи турли-туман субъектлар тармоқда ўз вазифаларини бажаришлари натижасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиши лозим.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ва сўнг уларни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш Интернет тармоғини ва Интернет-муносабатларни тартибга солишни ривожлантиришнинг айниқса перспектив йўналишига айланиши лозим. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда Интернет билан боғлиқ асосий муаммолар ўз ечимини топиши лозим.

Интернет-муносабатлар соҳасидаги халқаро норматив ҳужжатларда мазкур муносабатларга нисбатан қўлланиладиган асосий тушунчалар турли давлатларнинг қонун ҳужжатларида улар ҳар хил

талқин қилинишининг олдини олиш учун белгилаб қўйилиши; давлатлар юрисдикцияси, провайдерларнинг жавобгарлиги сингари муҳим масалалар ҳал этилиши; Интернет тармоғида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши халқаро даражада курашиш, шунингдек тармоқ хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари белгиланиши лозим. Бундан ташқари, кўрсатилган ҳужжатларда Интернетдан эркин фойдаланиш ҳамда Интернет тармоғи хизматлари операторларининг фаолиятини асосиз равишда чеклашга, шу жумладан ахборот ресурсларидан фойдаланиш дискриминацион тартибини ўрнатишга йўл қўймаслик шартлари, шунингдек халқаро ахборот айирбошлашдан фойдаланиш тартиби; Интернетда хизматлар эркин бозорини ривожлантириш шартлари, монополиялашув ва инсофсиз рақобатга йўл қўйилмаслиги белгиланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида Интернет-муносабатларни алоҳида ҳуқуқ соҳасига ажратишдан ташқари, Интернет соҳасида ҳаракатлар доираси ва фаолият принципларини, бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, Интернетдаги фаолиятнинг айрим йўналишларини (масалан, Интернет-банкларни) лицензиялаш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги умумий қоидаларни мустаҳкамлайдиган алоҳида қонун ишлаб чиқилиши лозим. Мазкур норматив ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатилиши чекланган ёки тақиқланган маълумотларни Интернет каналлари орқали узатиш учун Интернетдан фойдаланувчилар ва алоқа операторларининг жавобгарлиги назарда тутилиши лозим.

Бизнингча, кўрсатилган муносабатлар “Интернет тармоғидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида” ва “Интернет тармоғининг миллий сегменти тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солиниши лозим.

Мазкур қонунлар қабул қилиниши натижасида Интернет тармоғида у ёки бу муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш, қайси вақтдан бошлаб бундай мажбуриятлар бажарилган деб ҳисобланишини белгилаш ва улар бажарилганини ҳужжатлар билан тасдиқлаш масалалари ўз ечимини топади. Бундан ташқари, алоқа операторининг маълумотларни ҳужжатлаштириш мuddатлари ва тартибини бузганлик учун жавобгарлиги назарда тутилади.

Аммо шуни ҳисобга олиш лозимки, мазкур қонунлар қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган асосий қоидаларни такрорламаслиги, балки Интернет-муносабатлар соҳасида мавжуд ва яратиладиган қонун ҳужжатларини янада яхши қўллаш учун уларга аниқлик киритиши зарур. Кўрсатилган қонунлар кенг кўламли (турли ҳуқуқ соҳаларининг нормаларидан иборат) бўлиши ва қонун ҳужжатлари тузилмасини ва Интернет тармоғига доир давлат сиёсати асосларини белгилайдиган қоидаларни ўз ичига олиши лозим.

Интернет-муносабатлар соҳасида янги норматив ҳужжатлар қабул қилишдан ташқари, мазкур муносабатларни тартибга солиш манбаларига Интернет соҳаси субъектлари томонидан ишлаб чиқиладиган одоб кодекслари ва стандартларни тенглаштириш зарур. Бу таклиф шунга асосланадики, аксарият Интернет-муносабатлар айнан шундай лозим

хулқ-атвор ёзилмаган қоидалари билан тартибга солинади, аммо мазкур ҳужжатлар ҳали-ҳануз юридик кучга эга эмас. Ваҳоланки, улар юзага келадиган масалаларнинг аксариятини давлатнинг аралашувисиз ҳал этишга қодир.

Буларнинг барчаси жамулжам ҳолда Интернет тармоғини ва мазкур тармоқда юзага келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини маълум даражада тартибга солиш имконини беради.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Абдужалилов А. Интернет как объект научно-правового исследования. Информационное право. ЕврАзЮж. – № 6 (37). 2011

2. Анализ законодательств по правовому регулированию Интернет стран СНГ (2007 год) // <http://www.medialawca.org/document/-2463>

3. АҚШнинг Алоқа воситаларида одобга риоя этиш тўғрисидаги 1996 йил 1 февраль Қонуни (Communications Decency Act).

4. Бачило И.П. Интернет как явление для системы права // Проблемы информатизации. – М., 2000. Вып. 3. – С.4.

5. Венгеров А.Б. Право и информация в условиях автоматизации управления (Теоретические вопросы). – М., 1978. – С.47.

6. Горшкова Л.В. Правовые проблемы регулирования частноправовых отношений международного характера в сети Интернет : Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005.

7. Грязин И.Н. Информационно-компьютерное право: отрасль права или отрасль законодательства / Ученые записки Тартуского государственного университета. Вып. 864. 1989 г. – С.20.

8. Копылов В.А. Информационное право. – М., 2002. – С.234.

9. Копылов В.А. Информационное право. – М., 1997. – С.34.

10. Леанович Е.Б. Проблемы правового регулирования Интернет-отношений с иностранным элементом //

[http://evolutio.info/index.php?option=com\\_content&task=view&id=385Itemid=51](http://evolutio.info/index.php?option=com_content&task=view&id=385Itemid=51)

11. Малахов С.В. Гражданско-правовое регулирование отношений в глобальной компьютерной сети Интернет: дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001.

12. Просвирнин Ю.Г. Информационное законодательство. – Воронеж, 2000. – С.64.

13. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 октября 2006 года № 214 «О дальнейшем совершенствовании порядка государственной регистрации средств массовой информации Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2006 г., № 41, ст. 415; 2007 г., № 14, ст. 141; 2009 г., № 10-11, ст. 115; 2012 г., № 44, ст. 507; 2013 г., № 34, ст. 458; 2015 г., № 1, ст. 9, № 26, ст. 338.

14. Предполагаемый закон «Об Интернете» для стран СНГ 22 апреля 2008. Автор: Евгений Складневский <http://infocom.uz/2008/04/22/predpolagaemyiy-zakon-ob-internete-dlya-stran-sng>

15. Рассолов М.М. Информационное право: Учебное пособие. – М., 1999. – С.55.

16. Соглашение об обмене экономической информацией. – Минск, 26 июня 1992 г. // <http://pravo.levonevsky.org/bazaby/mdogov/megd4475.htm>

17. Соглашение о межгосударственном обмене научно-технической информацией. – Минск. 26 июня 1992 г. // <http://pravo.levonevsky.org/bazaby/mdogov/megd4472.htm>

18. Соглашение об обмене правовой информацией. – Москва, 21 октября 1994 г. // [http://www.conventions.ru/view\\_base.php?id=790](http://www.conventions.ru/view_base.php?id=790)

19. Тедеев А.А. Электронная коммерция. – М., 2002. – С.9.

20. Тихомиров Ю.А. Публичное право. Учебник. – М., 1995. – С.339.

21. Чибинев В.М., Глушков А.В. Проблемы правового регулирования интернет-отношений // Юрист. – М., 2005. – №7.

22. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда.

23. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг «Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 01 октябрдаги 1417-сон Буйруғи.

24. Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги 1992 йил 13 январь Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 3-сон, 159-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 3-сон, 38-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 222-модда.

25. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги УРҚ-78-сон Қонуни (янги тахрирда) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда.

М.Зиядуллаев,  
ТДЮУ мустақил изланувчиси

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек, уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида.

**Калит сўзлар:** ижтимоий таъминот, давлат пенсия таъминоти, пенсия тизими, пенсия жамғармаси, суғурта бадаллари, иш стаж.

**Аннотация:** в данной статье говорится о порядке уплаты страховых взносов во внебюджетный Пенсионный фонд при Министерстве финансов Республики Узбекистан гражданами Республики Узбекистан, работающими за границей, и отдельными категориями лиц, рабочее время которых не поддается учету, а также порядке учета их трудового стажа и размера заработка, принимаемого для исчисления пенсии.

**Ключевые слова:** социальное обеспечение, государственное пенсионное обеспечение, пенсионная система, пенсионный фонд, страховые взносы, трудовой стаж.

**Annotation:** the article is about an order of payment of insurance contribution of the citizens of the Republic of Uzbekistan to the off-budget Pension fund at the Ministry of finance of The Republic of Uzbekistan and special category of people whose working time is not accounted, also it explores about an order their time record accounting and earning accounting, that used in pension calculation.

**Key words:** social security, state social security, pension system, Pension fund, payment of insurance contribution, time record.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг мисоли сифатида муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг республикани иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий ривожлантиришнинг 5 та тамойилидан бири - “Кучли ижтимоий ҳимоя” этиб белгиланганлиги бежиз эмас.

Фуқаролар ижтимоий ҳимоясининг узвий бўлаги сифатида давлат пенсия таъминоти тизимини кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти, 1993 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни асосида тартибга солинмоқда.

Давлат пенсия таъминотини янада такомиллаштириш мақсадида республикаимизда босқичма – босқич ижобий ўзгаришлар амалга ошириб келинмоқда.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 1994 йил 1 июлдан кучга киритилган бўлса, 2002 йилдан бошлаб, давлат пенсияларини тайинлашда ҳисобга олинadиган иш стажининг юқори чегаралари бекор қилинди. 2008 йилдан эса пенсия ҳисоблашда инobatга олинadиган иш ҳақи миқдори 8 каррагача оширилди. Шу билан

бирга, 2010 йилга келиб ўз аҳамиятини йўқотган айрим имтиёзлар такомиллаштирилди.

Маълумки, давлат пенсия тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2010 йилнинг 1 январидан Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси шакллантирилди.

Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари этиб, давлат пенсия ва нафақаларини тайинлаш, молиялаштириш, маблағлар устидан мониторингини ташкил этиш ҳамда тиббий-меҳнат экспертиза фаолиятини шакллантириш белгиланди.

Ўтган қисқа давр мобайнида пенсия таъминотини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 га яқин норматив - ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди.

Амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2016 йил 22 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 46-сон қарори билан тасдиқланган “Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек, уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида Низом”ни қайд этиш мумкин.

Ушбу қарор давлат пенсия таъминотида қабул қилинган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлиб, чет элда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш, шунингдек, уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартибини белгилаб берди.

Маълумки, пенсия таъминотини шакллантиришда демография, миграция ва бандлик каби масалалари ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда барқарор иқтисодий мувафақиятларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларда савдо уйлари, ваколатхоналари ҳамда ташкилотлари мавжуд. Шунингдек, иқтидорли ёшлар малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида чет элларда меҳнат фаолияти билан ҳам шуғулланиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 36, 40-моддаларига асосан пенсия тайинлашда чет элларда ишлаган иш стажларини ҳисобга олиш тартиблари айнан шу қарор билан белгилаб берилди.

Ушбу қарорга асосан чет элларда меҳнат фаолияти билан шуғуллаган фуқароларнинг иш стажларини пенсия тайинлашда қуйидаги тартиблар асосида инobatга олинadиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет элга ёлланиб ишлашга кетишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тасарруфидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ёки фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича ҳужалик ҳисобидаги минтақавий Бюролардан тегишли рухсатномалар олишлари ва ўзлари доимий яшаш жойларидаги солиқ идораларидан рўйхатдан ўтиб,

ИНН ҳисоб рақамларини оладилар. Ушбу ҳужжатларга асосан чет элда ёлланиб ишловчилар ихтиёрий равишда ҳар ойда ёки ҳар чорақда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда суғурта бадалларини Пенсия жамғармасининг ҳисоб рақамига тўлайдилар. Ушбу тоифадаги фуқароларга, суғурта бадалларини тўлашда чет элдан келгандан кейин бир йўла тўлаб бериш, шунингдек, чет эл валютасида ҳам (Марказий банкнинг миллий валютага нисбатан белгиланган курси бўйича) тўлашлари мумкин.

Демак, чет элда ишловчи фуқароларнинг келажақдаги ижтимоий ҳимояси тўлиқ таъминланиши кафолатлари яратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги савдо уйлари, ваколатхоналари ва ташкилотларида ишловчиларга ҳам ўзларининг келажақдаги ижтимоий таъминоти бўйича ихтиёрий равишда Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартиблари ҳам белгилаб берилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тоифадаги шахсларнинг меҳнат дафтарчалари, уларнинг доимий яшаш жойлари бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларида юритилади.

Ушбу қарорда, солиқ агенти ҳисобланмаган республикамиз ҳудудида жойлашган чет эл элчихоналари, консуллик ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг муассасаларида ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, доимий пропискага эга бўлган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам ижтимоий таъминот бўйича ҳуқуқлари кенг ёритиб берилди.

Мисол учун, республикамизда жойлашган чет эл элчихоналарида ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (ходимлар, техник ходимлар) ушбу қарорга асосан ўзларининг истакларига кўра солиқ идораларидан даромадларини декларация қилдириб, Пенсия жамғармасига йиллик даромадларидан суғурта бадаллари тўлашлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори билан якка тартибдаги тадбиркорларнинг, жумладан, оилавий тадбиркорлик ёки оилавий тадбиркорликнинг субъекти оиласи аъзолари, тадбиркорларга ёлланиб ишловчилар, деҳқон хўжалиги аъзолари ва қорамол етиштирувчи шахсларнинг ҳам суғурта бадалларини тўлаш тартиблари белгиланди.

Хусусан; Пенсия жамғармасига **мажбурий** равишда:

– **якка тартибдаги тадбиркорлар** – ҳар ойда Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан кам бўлмаган миқдорида;

– **оилавий тадбиркорлар** – ҳар ойда Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан кам бўлмаган миқдорида;

– **тадбиркорга ёлланиб ишловчи ходим** – ҳар ойда Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;

– **оилавий тадбиркорнинг субъекти оила аъзосига** - ҳар ойда Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;

– **деҳқон хўжалиги бошлиғи** – бир йилда, 9 ойга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи жами 4,5 минимал иш ҳақи миқдорида тўланиши белгилаб қўйилди.

Пенсия жамғармасига қуйидаги фаолият билан шуғулланувчи шахслар ихтиёрий равишда суғурта бадаллари тўлайдилар:

– **деҳқон хўжалиги аъзоси** – бир йилда, 9 ойга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи жами 4,5 минимал иш ҳақи миқдорида;

– **қорамол етиштирувчи шахслар** – бир йилда, 9 ойга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи жами 4,5 минимал иш ҳақи миқдорида суғурта бадаллари тўласалар, бир йилга иш стажи ҳисобланади.

Юқоридаги фаолият билан шуғулланувчи шахслар ўзлари доимий яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига тегишли ҳужжатлар билан мурожаат қиладилар.

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан уларни ҳисобга олиш карточкаси, ҳисобга олиш китоблари ҳамда меҳнат дафтарчалари очилади ва юритилади, ушбу фаолият тури билан шуғулланиш даври мобайнида сақланади.

Ушбу қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, юқорида кўрсатиб ўтилган тоифалардаги шахсларга пенсия тайинлашда ҳисобга олинмаган бир ойлик иш ҳақларини ҳисоблаб чиқишда қуйидаги имтиёз берилди.

**Мисол учун:** якка тартибдаги тадбиркор 2016 йил феврал ойи учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида (бугунги кунда республикада энг кам иш ҳақи миқдори - 130 240 сўм ташкил этади) бадал тўлаган бўлса, бир ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш учун тўланган суғурта бадаллари суммасини республикада микрофирма ва фермерлар учун белгиланган **ягона ижтимоий тўлов** (15 фоиз) суммаси ҳамда **суғурта бадаллари** (7,5 фоиз) жамланмасига бўлинади ва 100га кўпайтириш йўли билан пенсия ҳисоблашда инobatга олинмаган бир ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади. Натижада, якка тартибдаги тадбиркор томонидан бир ой учун тўлаган бир минимал иш ҳақи миқдоридаги бадаллари (130 240 сўм  $(15\% + 7,5\% = 22,5\%) * 100 = 578\ 844$  сўм 44 тийинни ) пенсия тайинлашда **578 844,44** тийин ҳисобида бир ойлик иш ҳақи сифатида қабул қилинади.

Агар тадбиркор ҳар ой Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг икки баробарида суғурта бадаллари тўласа, унда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган бир ойлик иш ҳақи миқдори 1 157 688 сўм 89 тийин ташкил этади. Бундан кўриниб туридики, республикамизда тадбиркорларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояланган.

Ушбу қарорнинг туб моҳияти ва имкониятлари қуйидагича деб ҳисоблаймиз:

**биринчидан** келажақда юқоридаги тоифа фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини тўлиқ таъминланади;

**иккинчидан** Пенсия жамғармасига суғурта бадал тўловчилар кўламини янада кенгайтиришга имконият яратилди;

**учинчидан** айрим норасмий иш билан банд бўлган фуқароларни расмий секторга жалб қилинади;

**тўртинчидан** аҳолини бандлигини оширишга яна бир йўналиш ҳисобланади;

**бешинчидан;** Пенсия жамғармаси даромад ва харажатларини янада мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор билан иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг ижтимоий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланади десак, муболаға бўлмайд.

**Х. Палуаниязов,**  
старший научный сотрудник - соискатель ТГЮУ,  
к.ю.н., доцент

### ИСТОРИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОХРАНЫ ЛИЧНОЙ КОНФИДЕНЦИАЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИИ

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются некоторые исторические проблемы и пути развития решения данных проблем в области неприкосновенности частной жизни, приватности, а также охраны личной конфиденциальной информации.

**Ключевые слова:** личная жизнь, неприкосновенность, частная жизнь, тайна, обеспечение приватности, охрана, личная конфиденциальная информация.

**Аннотация:** мақолада шахсий ҳаёт, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш ва шахсий махфий ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги айрим тарихий муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари масаласи таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** шахсий ҳаёт, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, сир, шахсий дахлсизликни таъминлаш, шахсий махфий ахборотни муҳофаза қилиш.

**Annotation:** this article examines some of the historical problems and ways of solving these problems, in the field of privacy, privacy and protection of personal confidential information.

**Key words:** personal life, privacy, secrecy, privacy, protection of personal sensitive information.

С приходом компьютерной эры неизмеримо возросло значение охраны личной конфиденциальной информации и права на неприкосновенность частной жизни в информационной сфере. С одной стороны, при современном развитии цивилизации и повсеместном внедрении информационных технологий расширяется доступ людей к информации, что способствует осуществлению права граждан на свободу информации. С другой стороны, доступ физических лиц к базам личной конфиденциальной информации усиливает риск вторжения в сферу частной жизни и нарушения права на ее неприкосновенность. Таким образом, информационные и телекоммуникационные технологии предельно обострили правовые проблемы, связанные с дилеммой "раскрытие информации - охрана личной конфиденциальной информации".

Неприкосновенность частной жизни впервые обрела правовую регламентацию на международном уровне в 1948 г. в ст. 12 Всеобщей декларации прав человека: "Никто не может подвергаться произвольному вмешательству в его личную и семейную жизнь, произвольным посягательствам на неприкосновенность его жилища, тайну его корреспонденции или на его честь и репутацию. Каждый человек имеет право на защиту закона от такого вмешательства или таких посягательств" [1]. В дальнейшем это право получило воплощение в Международном пакте о гражданских и политических правах (ст. 17), Европейской конвенции о защите прав человека и основных свобод (ст. 8), а также в статье 27 Конституции Республики Узбекистан гарантируется неприкосновенность личной жизни: каждый имеет право на защиту от незаконного вмешательства в его личную жизнь, в том числе от посяга-

тельства на тайну его корреспонденции, телефонных и иных сообщений, на его честь и достоинство.

Право на неприкосновенность частной жизни необходимо рассматривать в трех аспектах: **во-первых**, как право индивида на собственную жизнь, на действия в отношении самого себя (такой подход автора исходит из содержания норм действующего законодательства стран англоязычных и континентальных). Данное право тесно связано с индивидуальностью конкретного человека, следовательно, и с защитой от вмешательства со стороны всех субъектов права; **во-вторых**, право на неприкосновенность частной жизни как самостоятельное право, предполагающее недопустимость вмешательства в частную жизнь лица со стороны государства, организаций, юридических и физических лиц, и, наконец, как право, смежное с другими правами, к ним относится с право на неприкосновенность семейной тайны, личная конфиденциальная информация, (жилища, корреспонденции). Перечисленные права можно рассматривать и как примыкающие к праву на неприкосновенность частной жизни элементы, и как самостоятельные права. Неприкосновенность частной жизни лица означает запрет государству, его органам и должностным лицам незаконно и произвольно вмешиваться в частную жизнь граждан.

Это право не относится к так называемым традиционным естественным правам, сформулированным в XVIII века. Например, в Конституции США, классической конституции конца XVIII века, нельзя найти его под своим именем, хотя гарантии, установленные отдельными поправками к Конституции и Биллем о правах, защищали хотя бы некоторые стороны частной жизни от постороннего несанкционированного вторжения. Только около двадцати лет назад Верховный суд США путем толкования норм Конституции признал право на неприкосновенность частной жизни фундаментальным конституционным правом [2].

Теоретическое обоснование конституционного права, не как одного из фундаментальных, конституционных прав, а как личного неимущественного права, защищаемого средствами гражданского права, т.е. путем предоставления лицу возможности предъявить в суде иск к нарушителю и добиться запрещения такого нарушения или возмещения причиненного морального или эмоционального вреда, почти одновременно появляется в юридической литературе разных стран на рубеже XIX и XX веков [3]. Американские адвокаты Л.Брандейс и С.Уоррен, посвятившие этому вопросу специальную статью, писали в 1890 году: "Напряженность и сложность жизни, присущие развивающейся цивилизации, приводят к необходимости иметь убежище от внешнего мира, так что уединение и приватность становятся для человека более значимыми; однако современное предпринимательство и технические нововведения, вторгаясь в его частную жизнь, причиняют ему душевную боль и страдания, гораздо более серьезные, нежели те, которые могут быть причинены простым физическим насилием" [4].

Со временем возникли трудности с определением содержания права, как уже говорилось, категория "частная жизнь" лишена юридического содержания. Судебная практика столкнулась с тем, что под общей крышей "приватности" (охраны личной конфиденциальной информации) собран целый ряд разнородных интересов, которые потребовалось определить и классифицировать. Кроме того, право на охрану личной конфиденциальной информации не может не подвер-

гаться ограничениям, объективно необходимым, чтобы сбалансировать интересы отдельной личности с интересами других лиц, групп и государства, которое по определению выражает "публичный интерес". Наиболее последовательно суды усматривали нарушение приватности при коммерческом использовании имени и изображения лица (например, в рекламе). Гораздо более осторожную позицию они занимали в тех случаях, когда нарушитель мог сослаться на законную защиту права собственности, например, когда владелец гостиницы, магазина или предприятия устраивал слежку за поведением постояльцев или наемных работников. Еще проблематичнее было добиться защиты права на приватность тогда, когда речь шла о делах, связанных с опубликованием в печати сведений о личной жизни лица, то есть личной конфиденциальной информации. Именно здесь разворачивался конфликт индивидуального интереса охраны личной конфиденциальной информации с общественным интересом, принцип которого "знать все обо всем", а средства массовой информации воплощают этот принцип. И уж совсем бесперспективной долгое время была судьба иска, предъявляемого к государству или к государственному органу. Так, в двадцатые годы XX века Верховный суд США отказался признать нарушением приватности телефонное прослушивание, поскольку оно не может рассматриваться как физическое вторжение в жилище. Через сорок лет суд пересмотрел свое решение, когда психологический климат в обществе в корне изменился [3].

Во второй половине XX века ситуация резко изменилась. Право на приватность, то есть охрану личной конфиденциальной информации, вышло на авансцену общественного внимания: оно включено в каталог прав человека и закреплено многими конституциями развитых стран. Идея правовой охраны личной конфиденциальной информации приобрела новый, более глубокий смысл. Это объясняется двумя причинами, определившими осознание ценности указанного права и широкое общественное движение за его признание и реальную защиту.

**Первая причина** - это исторический опыт, давший толчок массовому сознанию. За годы нацистского господства стран Европы, в первую очередь, сама Германия, на себе испытали, к каким трагическим последствиям приводит тотальный контроль. Рядовому американцу, для которого фашизм оставался "по ту сторону океана", понадобилась дополнительная встряска, чтобы убедиться в том, что приватность - нечто более серьезное, нежели "патрицианское требование", как американцы были склонны относиться к ней в начале века.

**Вторая причина** - усиление "деприватизации" человеческой жизни, вызванное тем, что личная конфиденциальная информация начинает рассматриваться, по выражению американского исследователя А.Миллера, "как экономически выгодный товар и как источник власти" [3], а современные научно-технические достижения предоставляют невиданные ранее возможности для накопления и использования такой информации и превращения ее, таким образом, в орудие социального контроля и манипулирования человеческим поведением.

Разнообразные устройства для телефонного и электронного подслушивания, оптические приборы ночного видения, скрытые телеобъективы позволяют контролировать и запечатлеть каждый жест, выражение лица, каждое слово в конфиденциальном разго-

воре, расширяя возможности человеческого зрения и слуха, и создают большой соблазн для использования их вместо традиционных способов наблюдения. Многие из них миниатюрны и имеются в открытой продаже, так что ими могут воспользоваться не только спецслужбы, но и любое заинтересованное в этом частное лицо или организация.

И, наконец, наиболее массивная и наиболее повседневная угроза - создание компьютерных систем личной конфиденциальной информации. Компьютеризация - это не просто новая, техническая форма накопления информации об отдельных лицах. Современные компьютерные технологии позволяют мгновенно обмениваться сведениями, сопоставлять и сводить воедино личные конфиденциальные информации, накапливаемые в разных информационных системах, так что любой более или менее подготовленный человек, имеющий доступ к нужной базе личной конфиденциальной информации, может проследить за жизнью других людей, даже ни разу не увидев их. Медицинская информация попадает в руки работодателя, сведения о доходах - в руки торговцев и производителей товаров, сведения об аресте или осуждении - в руки социальных служб. Человек теряет контроль над своим "информационным портретом", т.е. суммой личной конфиденциальной информации, определяющей его лицо в глазах общества.

На фоне данной правовой картины, традиционные способы защиты приватности, ориентированные, главным образом, на отношения между частными субъектами, становятся недостаточными. Они дополняются прямым законодательным регулированием. Принимаются законы, запрещающие частное наблюдение и подслушивание, устанавливающие довольно четкие рамки в виде условий и обязательных процедур для подслушивания со стороны правоохранительных органов. Наконец, принимаются законодательные и подзаконные акты, подробно регламентирующие обращение с личной конфиденциальной информацией, как в системе государственного управления, так и в частном секторе.

Представляется необходимым сказать хотя бы несколько слов о тех принципах, на которых строится правовая охрана личной конфиденциальной информации в современном мире.

Эти принципы закреплены на международном уровне Конвенцией 1981 года о защите физических лиц при автоматизированной обработке персональных данных [7] (это пока единственная Международная конвенция по вопросам, связанным с охраной личной конфиденциальной информации), и законодательство разных стран независимо от того, являются ли они участниками этой Конвенции, более или менее последовательно отвечает этим принципам.

Прежде всего, Конвенция устанавливает требования, предъявляемые к самим данным: личная информация должна быть получена добросовестным и законным путем; она должна собираться и использоваться для точно определенных и не противоречащих закону целей и не использоваться для целей, несовместимых с теми, для которых была собрана; она должна относиться к делу, быть полной, но не избыточной с точки зрения тех целей, для которых она накапливается; она должна храниться в такой форме, которая позволяет идентифицировать субъектов данных не больше, чем этого требует цель, для которой она собрана. Еще один принцип гласит, что личная информация о национальной принадлежности, поли-

тических взглядах либо религиозных или иных убеждениях, а также касающиеся здоровья или сексуальной жизни, могут подвергаться компьютерной обработке только в тех случаях, когда правопорядок гарантирует их конфиденциальность. Наконец, Конвенция предусматривает гарантии для субъектов данных. Эти гарантии состоят в предоставлении любому лицу права быть осведомленным о существовании базы личной конфиденциальной информации, ее главных целях и юридическом адресе. Периодически и без лишних затрат времени или средств каждый должен иметь возможность обратиться с запросом о том, накапливаются ли в базе данных его личная информация, и получить информацию о таких данных в доступной форме; требовать изменения или уничтожения данных, которые не соответствуют требованиям, перечисленным выше (точности, отнесенности к определенной цели и др.); прибегнуть к судебной защите нарушенного права, если его запрос либо требование доступа к его личной информации, уточнения или уничтожения данных не были удовлетворены. Изъятие из этих положений допускается только в том случае, если оно предусмотрено законом и представляет собой необходимую в демократическом обществе меру, установленную для охраны государственной и общественной безопасности, финансовых интересов государства или для пресечения преступлений.

Правовой статус личности представляет собой систему прав, свобод и обязанностей. В этой системе можно выделить подсистемы - меньшие по объему группы прав, свобод и обязанностей личности. Каждая такая подсистема определяет положение человека в той или иной сфере жизни: социальной, политической, экономической и т.д. Одной из таких сфер является информационная. Следовательно, человеку присущ комплекс специфических прав, свобод и обязанностей, определяющий сферу его информационной свободы.

Ключевым для понимания информационной свободы личности является понятие информации как объекта прав и обязанностей личности. Такое определение дает Закон "О принципах и гарантиях свободы информации". Часть 2 ст. 3 данного Закона гласит: "...информация - сведения о лицах, предметах, фактах, событиях, явлениях и процессах независимо от источников от формы их представления" [6].

Неприкосновенность частной жизни означает, что человек вправе строить свою жизнь в семье, в неформальном общении с друзьями и другими лицами таким образом, как он сам того желает. В то же время это право может подвергаться определенным ограничениям в отношении следующих лиц: несовершеннолетних и лиц с психическими отклонениями; по запросу органов дознания и следствия, прокуратуры и суда в связи с проведением расследования или судебным разбирательством; при наличии оснований, позволяющих полагать, что вред здоровью гражданина причинен в результате противоправных действий либо несчастного случая; лиц, страдающих тяжкими инфекционными заболеваниями (ВИЧ-инфекция, сифилис, туберкулез и др.); содержащихся под стражей, отбывающих наказание в местах лишения свободы или находящихся после освобождения из ИТУ под административным надзором; в отношении этих лиц могут быть установлены специальные правила, касающиеся использования ими своего свободного времени, свиданий с родственниками и другими лицами, переписки, ношения определенного вида одежды и т.д. [7].

Понятия личной и семейной тайны тесно связаны между собой и во многом совпадают. Различия же между ними усматриваются в одном: если личная тайна касается интересов лишь конкретного индивидуума, то семейная тайна затрагивает интересы нескольких лиц, находящихся друг с другом в отношениях, регулируемых Семейным кодексом Республики Узбекистан. Согласно Гражданскому кодексу Республики Узбекистан предметом личной и семейной тайны могут быть следующие сведения: факты биографии лица; состояние его здоровья; имущественное положение; род занятий и совершенные поступки; взгляды, оценка, убеждения; отношения в семье или отношения человека с другими людьми.

Таким образом, право на охрану личной конфиденциальной информации может подвергаться определенным ограничениям, и такие ограничения объективно необходимы, чтобы сбалансировать интересы отдельной личности с интересами других лиц, групп и государства, которое по определению выражает "публичный интерес".

Личная конфиденциальная информация: должна быть получена добросовестным и законным путем; собираться и использоваться для точно определенных и не противоречащих закону целей и не использоваться для целей, несовместимых с теми, для которых она была собрана; должна относиться к делу, быть полной, но не избыточной с точки зрения тех целей, для которых она собирается; должна храниться в такой форме, которая позволяет идентифицировать субъектов данных не больше, чем этого требует цель, для которой она собрана. Кроме того, личная конфиденциальная информация должна подвергаться компьютерной обработке только в тех случаях, когда правопорядок предусматривает твердые гарантии их конфиденциальности.

#### Список литературы:

1. Права человека. Сборник универсальных и региональных международных документов. -М.: Изд-во МГУ, 1990. -С. 320.
2. Конституция США: Текст и постатейный комментарий. -М.: Юр-лит., 1984. -С. 165.
3. С.Молчанов. Необходимость защиты персональных данных в электронных источниках информации. ([www.prpc.ru](http://www.prpc.ru)).
4. Марченко Г.В. Общая теория государства и права. -М.: Юрист, 1995. -С. 153.
5. Европейская конвенция о защите физических лиц при автоматизированной обработке персональных данных от 28 января 1981 года. Страсбург//электронная библиотека международных документов по правам человека. [www.hri.ru](http://www.hri.ru)
6. Закон Республики Узбекистан "О принципах и гарантиях свободы информации" // Народное слово. - № 32-33 (3124-3125). 7 февраля 2003 г.
7. Закон Республики Узбекистан "Об охране здоровья граждан" // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. -№9. 1996. -С.128.;
8. Закон Республики Узбекистан "О защите населения от туберкулеза" //Собрание законодательств Республики Узбекистан. -№10.2001.
9. Закон Республики Узбекистан "О профилактике заболевания, вызываемого вирусом иммунодефицита человека (ВИЧ-инфекции)" // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. -№9. 1999. -С. 213.

У.Холикулов,

ТДЮУ катта илмий ходим изланувчиси,  
юридик фанлар номзоди, доцент**ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ  
ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ**

**Аннотация:** содир этилган жиноят учун жазо белгилаш мезонлари доим олимларнинг фикрини ўзига тортиб келган. Мазкур масала, санкцияларда белгиланган жазолар доираси, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган принциплар талабига жавоб бериши лозимлиги билан ҳам мураккаблашади. Шу боис ушбу мақолада санкцияда белгиланган жазоларнинг муайян жиноятга мувофиқлигини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

**Калит сўзлар:** санкция, жазо, одиллик, мувофиқлик.

**Аннотация:** критерии установления санкций за совершённое преступление всегда притягивали внимание учёных. Данный вопрос усложняется и тем, что в уголовном законодательстве Узбекистана существуют принципы, требования которых должны отвечать за пределы наказаний, установленных в санкциях. В данной статье мы попытаемся рассмотреть соблюдение соразмерности предусмотренных в санкциях наказаний, за совершённое преступление.

**Ключевые слова:** санкции, наказание, справедливость, соразмерность

**Annotation:** the criteria for imposing sanctions for the crime has always attracted the attention of scientists. This issue is complicated by the fact that the criminal legislation of Uzbekistan, there are principles that must be respected in determining sanctions. In this article we will try to examine the observance of the proportionality of penalties provided for in the sanctions of the crime.

**Key words:** sanctions, punishment, justice, proportionality

Жиноят учун жазо тайинлашда одиллик мезонига қатъий амал қилиш жазо мақсадига эришишга имкон беради ҳамда пировардида жазо самарадорлиги ошишига салмоқли ҳисса кўшади. Жазо турларини одилона белгилаш, табиийки, маълум шарт ва омилларга таянади.

Шарт – “тақозо этувчи нарса, талаб” [14, 550-бет] каби маъноларни англатишидан келиб чиқиб, жиноятлар учун жазоларнинг турлари ва миқдорларини одилона белгилаш шартлари деганда санкциянинг одиллигини белгиловчи ҳолатларни тушунамиз.

Ушбу масала хусусида А.С.Якубов ва У.А.Абдуғаниевлар ҳам “жिनот содир этган муайян шахсга нисбатан қилинган айбни баҳолаш унга мувофиқ келадиган жазони ёки бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини аниқлашда ифодалангани. Бу муносабатлар қонунни қўллаш даражасида, яъни қонунга кўра ваколатли бўлган идоралар ва шахслар даражасида жорий этилади. Айни ана шу даражада жиноят-ҳуқуқий муносабат пайдо бўлади. Шундан келиб чиқиб, ушбу моддада содир этилган жиноятга қонунни қўлловчи томонидан одил жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш учун ҳам мезонлар мавжуд” [16., 16-бет], деган хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарориди ҳам судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши зарурлиги қайд этилган. Шунингдек, ушбу қарорда мустаҳкамланишича, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” [15,241-242-бетлар].

ЎЗР ЖК Махсус қисми моддалари санкцияларида жазонинг бир тури (нисбий муайян санкциялар) ёки бир неча турдаги жазолар (муқобил санкциялар) белгиланган. Санкцияларда ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазолар мавжуд бўлиши ҳам мумкин (кумулятив санкциялар). Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш каби қўшимча жазо турлари ЎЗР ЖК санкцияларида учрамайди, лекин шахсни оғир ёки ўта оғир жиноят содир этгани учун ҳукм қилиш чоғида айбдорнинг шахсини ҳисобга олиб, ЎЗР ЖКнинг 52-моддасига мувофиқ суд томонидан тайинланиши мумкин.

Санкцияларнинг муқобиллиги унинг турини танлаш жараёнида жазони янада индивидуаллаштириш имконини беради. Шунингдек, қонуний асослар мавжуд бўлган ҳолда асосий жазо билан бир қаторда қўшимча жазони қўллаш суд ҳукмининг самарадорлигини ошириши қайд этилади[11, 53-бет].

Тўғри, санкцияларда ҳар хил турдаги жазоларнинг мавжудлигига давлат молияси омиллигини таъсирини Н.Д.Сергеевский ХХ аср бошидаёқ қайд этган эди: “Жазо чораларини, яъни жазо турларини танлашда бой давлатларгина эркиндирлар; улкан маблағларга эга бўлмаган давлатлар эса, аксинча, энг арзон жазоларни танлаш билангина кифояланадилар”[12, 90-бет].

Жиноят қонунининг одиллигини таъминлаш учун муҳим бўлган жазони дифференциация қилишни ривожлантиришга иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларгина қодир эканлигини ҳозирги мутахассислар ҳам қайд этадилар[2,63-бет]. Бугунги кунда жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш миллий жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида тан олинган. Бироқ табиийки, фақатгина тан олиш ушбу принципни Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи ислохотлари кўламини тўла қамраб олиш учун етарли эмас. Жиноят қонунида жавобгарликни дифференциация қилишнинг барқарор тизимини жорий этишда унинг усул ва воситаларига оид назарий замин муфассал ишлаб чиқилиши талаб этилади [1, 32-бет]. Жумладан, жазони дифференциация қилиш давлатдаги сиёсий шарт-шароитлар ҳамда жамият, маданият ва ҳуқуқий оннинг ривожланиши каби ижтимоий омиллар, шунингдек юридик фанининг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Жиноят-ҳуқуқий санкцияларнинг муқобиллиги жараёни жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси билан узвий боғлиқ. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси пасайиши билан санкциялар муқобиллигининг миқдор кўрсаткичи ортади. Табиийки,

қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси ошиши билан санкцияларнинг муқобиллик даражаси ҳам пасаяди.

Хўш, жиноятлар учун жазоларнинг турларини одилона белгилашнинг умумий шартлари қандай?

Адолатли жазо тури суд томонидан нисбатан осон аниқланиши муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Шу туфайли ҳам муқобил санкциядаги типик жазо, яъни модданинг санкциясида оғирлик даражасига кўра ўртача хусусиятга эга бўлган жазо тўғрисида сўз юритиш мумкин.

А.П.Козлов санкциянинг типик жазосини ўрганар экан, унда типик турнигина эмас, балки типик миқдорни ҳам фарқлайди ва шу тариқа санкциянинг "...жиноят турининг ижтимоий хавфлилик хусусиятига айниқса мос келадиган" типик жазосини аниқлайди [7. 49-50-бетлар].

ЎзР ЖКда санкциядаги энг энгил ва энг оғир жазо ўртасида белгиланган жазонинг одатий тури (ва ҳатто турлари) тўғрисида сўз юритиш мумкин. Масалан, ахлоқ тузатиш ишлари ЎзР ЖК 109-моддаси (қасддан баданга энгил шикаст етказиш) биринчи қисмининг санкциясидаги жазонинг одатий тури ҳисобланади, чунки бу жиноятни содир этиш учун жарима ва қамоқ жазolari оралиғидан ўрин олган.

Шуни тан олиш лозимки, муқобил санкцияда ҳаддан ташқари кўп (ЎзР ЖКда бештагача) жазо турлари белгиланганлиги судни қонуннинг муқобил таърифидан назарда тутилган жазо турлари орасидан биттасини танлаш ва асослашдек мушкул аҳволга солиб қўяди [3. 101-бет].

Бу муаммонинг тадқиқотчилари муқобил санкцияларда икки жазо турининг белгиланиши жазони одилона индивидуаллаштириш учун кифоя қилади ва судьянинг ўз ихтиёрига кўра иш кўриш имкониятини асоссиз равишда кенгайтмаслик имконини беради, деган мутлақо ўринли фикрни илгари сурганлар [6, 19-бет; 8, 81-бет].

Бизнингча, муқобил жазоли санкцияларда жазонинг уч асосий тури белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда оғирлик даражасига кўра ўртача жазо типик жазо, яъни мазкур жиноятни содир этганлик учун жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда тайинланадиган жазо ҳисобланиши лозим. Аммо айрим оғир ва аксарият ўта оғир жиноятлар учун санкцияларда фақат битта жазо (маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш) тайинланиши ҳам мумкин.

Санкциянинг типик жазосини тан олиш адолатли ҳукм чиқариш учунгина эмас, балки ЎзР ЖК Махсус қисми нормаларининг санкцияларини одилона тизимга солиш учун ҳам зарур. Бунда типик жазога қонунда таъриф бериш (муаммо илмий жиҳатдан лозим даражада ишлаб чиқилганда) анча фойдали бўлиши мумкин.

Фараз қилайлик, санкцияда оғирлик даражасига кўра ўртача жазо тури типик деб, санкцияда белгиланган типик жазо турининг ўтача миқдори эса – типик миқдор деб эълон қилинган. Бу ҳолда жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларгагина эмас, балки содир этилган жиноятнинг барча оқибатлари ва ҳолатларига ҳамда айбдорнинг шахсига жазо тури ва миқдорини (муддатини) индивидуаллаштириш чоғида баҳо бериш талаб этилади. Суд, агар у лозим деб топса, жазонинг типик тури ва (ёки) миқдори чегарасидан ташқарида жазонинг ё оғирроқ, ё энгилроқ тури ва миқдорини танлашга мажбур бўлади. Бунда судья нима учун айти

шу жазо тури ва миқдорини танлагани ҳукмда ҳам ўз аксини топиши лозим.

Жиноят қонунда муқобил санкцияларни одилона белгилашда шуни ёдда тутиш муҳимки, жиноят ишида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини сезиларли даражада пасайтирувчи алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлса, суд ЎзР ЖКнинг 57-моддасини қўллаб энгилроқ жазо тайинлаши мумкинки, бу ҳаддан ташқари кенг (бир санкцияда уч жазо туридан ортиқ) муқобиллар мақсадга мувофиқ эмаслигини яна бир марта тасдиқлайди.

Жиноятнинг қонунда назарда тутилган асосий ва жавобгарликни оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатларида содир этилган таркиби учун айтилган бир турдаги жазо белгиланган бўлса, бу жазо тури жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган таркиб учун ҳам назарда тутилиши лозим. Акс ҳолда одиллик принципи бузилади.

ЎзР ЖК Махсус қисми нормаларининг санкцияларини таҳлил этиб, уларда белгиланган жазо турлари улуши ҳозирги вақтда қуйидагича кўринишга эгаллигининг гувоҳи бўлди:

- 1) жарима жазоси – 214 та;
- 2) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш – 71 та;
- 3) ахлоқ тузатиш ишлари – 204 та;
- 4) хизмат бўйича чеклаш – 16 та;
- 5) қамоқ – 120 та;
- 6) интизомий қисмга жўнатиш – 13 та;
- 7) озодликдан маҳрум қилиш – 373 та;
- 8) умрбод озодликдан маҳрум қилиш – 2 та.

ЎзР ЖК Махсус қисмида 481 та санкция мавжуд бўлиб, улардан 278 та (57,7 %) муқобил ва 203 та (43,3 %) нисбий муайян санкция ўрин олган. Нисбий муайян санкция, асосан, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун, шунингдек, жиноятларнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо сифатида берилган. Шундай қилиб, ЎзР ЖК санкцияларининг қарийб ярми нисбий муайян ҳисобланади. Бундай санкцияларда озодликдан маҳрум қилиш ягонажазо сифатида белгиланган.

Шунингдек, ЎзР ЖК Махсус қисмининг 8 та моддасида бевосита жавобгарликдан озод этиш ҳамда 16 тасида эса у ёки бу шартлар асосида жазодан озод этиш ёхуд озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони қўлламаслик тўғрисидаги қоидалар ўз ифодасини топган.

ЎзР ЖКда белгиланган жазо тизими замирида ЖКнинг 43-моддасида унча оғир бўлмаган жазолардан оғирроқ жазоларга қараб муайян кетма-кетликда жойлаштирилган жазо турларининг рўйхати ётади.

П.П.Осипов: "Оғирлик даражасига кўра таснифланган жиноятларнинг тизимлари ва жазо тизимлари мавжудлигининг ўзиёқ аксиологик нуқтаи назардан қайси жиноятлар учун оғирроқ жазолар тайинланиши лозимлигини оддий қўшиш усули билан аниқлаш имконини беради" [10, 119-бет], – деб қайд этади. Бунда "унча оғир бўлмаган жазо турлари унча оғир бўлмаган ва ўртача оғир жиноятлар учун ва аксинча, оғирроқ жиноятлар – оғир ва ўта оғир жиноятлар учун тайинланиши лозимлиги табиий бир ҳол ҳисобланади" [9. 26]. Умуман олганда, бундай ҳолатга ЎзР ЖКда ҳам дуч келиш мумкин.

Аммо санкцияларни синчиклаб ўрганиш оғир жиноятлар учун асосий жазоларнинг фақат икки муқобил тури – жарима ва озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган санкциялар анчагина эканлигини кўрсатади. Санкцияларда оғирлик даражасига кўра

оралиқ хусусиятга эга бўлган жазоларнинг йўқлиги, бизнинг назаримизда, адолатли жазо тайинлаш учун лозим даражада имконият яратмайди.

Масалан, жуда кўп миқдорда содир этган фирибгарлик учун ЎзР ЖК 168-моддасининг учинчи қисмида энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо белгиланган.

Ҳозирги илмий-амалий адабиётларда жазоларни унча оғир бўлмаган, ўрта оғир, оғир ва ўта оғир тоифаларга ажратиш таклиф қилинади [9,26-бет; 13, 39-40-бетлар]. Бу жинойтларни оғирлик даражасига кўра тоифаларга ажратишнинг тўрт даражали тизимига мувофиқ бўлган одилона ёндашувдир. Аммо бу фикр алоҳида синчиклаб ўрганишни талаб этади. Амалдаги қонунчилигимиз (ЎзР ЖК 15-моддаси) ҳам жинойтларни таснифлашнинг тўрт даражали тизимига асосланган [17,73-107-бетлар; 5, 107-110-бетлар].

Жазонинг оғирлик даражасига унинг туригина эмас, балки миқдори (муддати) ҳам таъсир кўрсатади. Шу туфайли ҳам, масалан, жаримани унинг миқдоридан қатъи назар унча оғир бўлмаган жазо деб ҳисоблаш, бизнингча, ўринли бўлмайди.

Фикримизча, жинойтларни одилона пеналлаштириш учун турли жазолар ўртасидаги шартли нисбатни муайян миқдорда белгилаш мумкин (масалан, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари озодликдан маҳрум этишнинг бир ойига мос келади ва ҳ.к.). Зеро, ЎзР ЖКнинг 61-моддасида жазоларни қўшиш йўли билан уларнинг муддатларини аниқлаш учун айрим турдаги жазо муддатларининг озодликдан маҳрум қилиш билан шартли нисбати белгиланган. Қуйида бу таклифни оғирлик даражаси бир хил бўлган жинойтлар учун турли жазо миқдорлари назарда тутилган ва аксинча, оғирлик даражаси турлича бўлган жинойтлар учун деярли бир хил жазо миқдорлари назарда тутилган муқобил санкцияларда одиллик принципига риоя этмаслик ҳолларидан мисоллар келтириш йўли билан асослашга ҳаракат қиламиз.

Жазо турларини одилона белгилашга нисбатан бошқа бир умумий ёндашув қуйидаги қоидадан иборат бўлиши мумкин: санкцияда муқобил жазолар белгиланган ҳолда, оғирлик даражасига кўра оралиқ хусусиятга эга бўлган жазо турлари белгиланиши лозим. Масалан, муайян жинойтни содир этганлик учун қонунчиқарувчи ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилишни белгилашни лозим деб топса, у, мазкур қоидага мувофиқ, қамоқ жазосини ҳам назарда тутишига тўғри келади. Санкцияда жарима ва озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган ҳолда барча оралиқ жазо турларини белгилаш керак бўлади. Бунда муайян жинойт-ҳуқуқий санкция одилона қўлланилишига эришиш учун унда кўпи билан учта муқобил жазо турлари белгиланса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунда қўшимча жазо турлари асосан махсус субъектлар томонидан содир этилган жинойтларнинг санкцияларида белгиланиши мумкин. Ҳарбий жинойтлар учун назарда тутилган жазолар бир-бирини истисно этади, шу боис улар алоҳида ўрганилгани йўқ.

Жинойт-ҳуқуқий санкцияларда ва тегишли равишда жинойтлар учун жазоларни тайинлашда жазонинг қилмишга ярашалигини янада тўлароқ рўёбга чиқариш учун қонун чиқарувчи муқобил жазоларнинг чет элда қўлланиладиган бошқа турлари (масалан, пробация,

электрон назорат, уй қамоғи ва б.к.)га ҳам ўз эътиборини қаратса, бизнингча, айни муддао бўлар эди [4]. Зеро, ушбу жазо турлари шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш, тарбиялаш имкониятини беради. Бу ҳам инсонпарварлик, ҳам одиллик тамойилларини бирдек қаноатлантиради.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Базарбаева Г. Дифференциация ответственности в уголовном праве // *Ҳуқуқ – Право – Law*. 2005. – 3 (31).
2. Бриллиантов А.В. Справедливость и уголовное наказание / *Ученые записки Ульяновского государственного университета*. Вып. 1 (11). - Ульяновск, 2000.
3. Грачева Ю.В. Судейское усмотрение в уголовном праве. Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2002.
4. Дворянков И.В. и др. Применение альтернативных видов наказания в Западной Европе, США и России. – М., 2004.
5. Жинойят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.
6. Зубкова В. Проблемы построения и взаимообусловленности санкций и категорий преступлений в УК РФ // *Уголовное право*. – 2002. – №4.
7. Козлов А.П. Механизм построения уголовно-правовых санкций. – Красноярск, 1998.
8. Лазуткина А.И. Реализация принципа справедливости при назначении наказания в виде лишения свободы. Дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2004.
9. Михаль О. Принципы классификации наказаний по характеру и степени их строгости // *Уголовное право*. – 2001. – №1.
10. Осипов П.П. Теоретические основы построения и применения уголовно-правовых санкций. - Л., 1976.
11. Рясов А.И. Принцип справедливости в назначении наказания при множественности преступлений. Дис. ... канд. юрид. наук. – Ставрополь, 2004.
12. Сергеевский Н.Д. Русское уголовное право. Посobie к лекциям. Часть общая. – СПб., 1908.
13. Сыч К.А. Уголовное наказание и его состав: теоретико-методологические аспекты исследования. Автореф. дис. ... док. юрид. наук. – Рязань, 2001.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.
15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 2-жилд. 1991-2006. – Тошкент: Адолат, 2006.
16. Ўзбекистон Республикасининг Жинойят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 1997.
17. Усмоналиев М. Жинойят ҳуқуқи (Умумий қисм). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.

**Б.Б. Муродов**

Ученый секретарь Академии МВД,  
к.ю.н., доцент

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОСНОВАНИЯ ПРЕКРАЩЕНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА В СВЯЗИ С ИСТЕЧЕНИЕМ СРОКА ДАВНОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К ОТВЕТСТВЕННОСТИ

**Аннотация:** В статье анализируются факторы, препятствующие эффективному применению основания прекращения уголовного дела в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности, даются рекомендации по их устранению и дальнейшему совершенствованию процессуального порядка применения данного основания.

**Ключевые слова:** истечение срока давности привлечения к ответственности; прекращение уголовного дела; освобождение от уголовной ответственности; лицо привлеченное к уголовной ответственности; подозреваемый, обвиняемый.

**Аннотация:** Ушбу мақолада жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги муносабати билан жиноят ишине тугатиш асосинининг самарали қўлланилишига тўсқинлик қилаётган омиллар чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш ва мазкур асоснинг қўллаш процессуал тартибини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Ключевые слова:** жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги; жиноят ишине тугатиш; жавобгарликдан озод қилиш; жиноий жавобгарликка тортилган шахс; гумон қилинувчи; айбланувчи.

**Annotation:** The paper analyzes the factors impeding the effective application of grounds for termination of the criminal case in connection with the expiration of the statute of limitations, provides recommendations to address them and further improvement of the procedural modalities of application of foundation.

**Key words:** expiration of statute of limitations; termination of criminal proceedings; exemption from criminal liability; face criminal prosecution; suspect; accused.

Согласно пункту 1 части первой статьи 84 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее по тексту – УПК), при истечении сроков давности привлечения лица к ответственности уголовное дело подлежит прекращению. По мнению Ш.Г. Ниёзовой, установление сроков давности привлечения к уголовной ответственности и исполнения наказания служит предупреждению нарушения прав человека, пресекая возможность жить в постоянном страхе уголовной ответственности<sup>1</sup>.

На сегодняшний день уголовные дела, прекращаемые в Узбекистане на основании истечения срока давности привлечения к ответственности составляют около 22% от всех прекращаемых дел в следственной практике<sup>2</sup>. Это же, свидетельствует о

<sup>1</sup> См.: Ниёзова Ш. Г. Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2010. – Б.10.

<sup>2</sup> Примечание: большинство дел, прекращаемых по данному основанию, составляют дела по кражам.

широком распространении практики прекращения дел без установления лиц, совершивших преступления. На наш взгляд, отсутствие полного урегулирования подобного вида уголовных и уголовно-процессуальных отношений выступает в качестве отдельного фактора. Неурегулированность положений, связанных с применением основания пункта 1 части первой статьи 84 УПК Республики Узбекистан «истекли сроки давности привлечения лица к ответственности» отражается в следующем.

**Во-первых**, хоть в статье 373 УПК закреплено положение о прекращении уголовного дела при наличии оснований, предусмотренных в статьях 83 и 84 настоящего Кодекса, на сегодняшний день все же встречаются случаи выхода за пределы данной нормы при применении основания «истекли сроки давности привлечения лица к ответственности». Это мы можем наблюдать в тех случаях, когда при установлении положения «истечения сроков давности привлечения лица к ответственности» за основание берется часть третья статьи 367 УПК (Приостановление предварительного следствия в случаях неустановления лица, подлежащего привлечению к участию в уголовном деле в качестве обвиняемого).

На первый взгляд, данный путь можно считать процессуальной ошибкой. Однако, если всмотреться в сущность основания «истекли сроки давности» можно увидеть, что оно состоит из двух аспектов, а именно «истечения предусмотренного законом срока давности привлечения к ответственности лица, привлеченного к участию в деле в качестве обвиняемого» и «неустановления лица, подлежащего привлечению к участию в деле в качестве обвиняемого». Так, в следственной практике при установлении «истечения предусмотренного законом срока давности привлечения к ответственности лица, привлеченного к участию в деле в качестве обвиняемого» применяется пункт 1 части первой статьи 84 УПК Республики Узбекистан, а при «неустановлении лица, подлежащего привлечению к участию в деле в качестве обвиняемого» – часть третья статьи 367. Если сравнивать данные положения друг с другом, то в большинстве случаев при прекращении уголовных дел по основанию истечения сроков давности привлечения к ответственности применяется норма статьи 367 УПК.

Рассмотренный фактор свидетельствует о целесообразности разделения основания прекращения уголовных дел, предусмотренного пунктом 1 части первой статьи 84 УПК Республики Узбекистан, на два самостоятельных основания. В этом случае, на наш взгляд, пункт 1 части первой этой статьи необходимо изложить в следующей редакции:

1) *истекли предусмотренные законом сроки давности привлечения к ответственности лица, привлеченного к участию в деле в качестве обвиняемого*;

2) *в предусмотренные законом сроки не установлено лицо, подлежащее привлечению к участию в деле в качестве обвиняемого*\*.

Полагаем, что отражение в действующем законодательстве данного предложения послужит решению имеющихся коллизионных положений и недопониманий, возникающих в следственной деятельности.

\* Основание по пункту 2 настоящей статьи («совершенное преступление или лицо подпадает под действие акта амнистии») в свою очередь переходит в следующий пункт.

**Во-вторых**, освобождение от ответственности лица, совершившего преступление, только по причине того, что истекли сроки давности выглядит не совсем правильно. Ведь данное лицо, не признав свою вину за совершенное преступление, не возмещает причиненный ущерб и самое главное – не раскаивается за содеянное. В связи с этим, в теории уголовного и уголовно-процессуального права до сих пор не сформировано единое мнение относительно такого основания прекращения уголовного дела как «истечение сроков давности привлечения лица к ответственности».

Ряд ученых придерживается позиции о том, что истечение длительных сроков привлечения к уголовной ответственности и осуждение лица, совершившего преступление, по прошествии определенного времени, неисполнение приговора нередко не оказывает должного воспитательного и общепредупредительного воздействия и поэтому являются нецелесообразными<sup>1</sup>. Вместе с этим, Ш. Г. Ниёзова отмечает, что лицо, совершившее преступление по истечению указанных в законе сроков давности теряет свою общественную опасность, а это служит основанием для освобождения его от ответственности<sup>2</sup>.

По нашему мнению, для применения рассматриваемого основания своего подтверждения должны найти следующие положения: совершение деяния лицом, привлеченным к участию в уголовном деле в качестве подозреваемого, обвиняемого или подсудимого; истечение сроков давности привлечения к ответственности, закрепленных в статье 64 Уголовного кодекса Республики Узбекистан (далее по тексту – УК); утрата лицом, совершившим преступление, своей общественной опасности; несовершенство подозреваемым, обвиняемым или подсудимым тяжкого либо особо тяжкого преступления, что является причиной прерывания ответственности, предусмотренной статье 64 УК.

Именно эти положения, на наш взгляд, являются важными условиями применения такого основания прекращения уголовного дела, как истечение сроков давности привлечения к ответственности. Однако, вместе с этим, в ходе прекращения дела по данному основанию особое внимание необходимо уделять утрате лицом своей общественной опасности. При неполной утрате степени общественной опасности лица, освобождение от ответственности по анализируемому основанию будет логически неправильным.

Действительно, нецелесообразность привлечения лица к ответственности по истечению значительного срока можно объяснить тем, что утрачиваются свойства вещественных доказательств, свидетелями и другими участниками с течением времени существенные обстоятельства, в результате чего становится трудным принять правильное решение по делу. Кроме того, истечение определенного срока изменяет поведение каждого человека, его природу и отношение к жизни. Если объявленным в розыск лицом на протяжении 25 лет (в течении которых оно скрывалось) не совершено другое преступление, то

это свидетельствует об утрате степени его общественной опасности и ненадобности перевоспитания путем привлечения к ответственности. То есть, на наш взгляд, нет необходимости применять к этому лицу наказания, которое предусматривает, согласно статье 42 УК Республики Узбекистан, цель его исправления, воспрепятствования продолжению преступной деятельности, а также предупреждения совершения другими лицами новых преступлений.

Однако, вышесказанным фактором нельзя обосновать прекращение уголовного дела по истечению предусмотренных уголовным законодательством трех, пяти, десяти или пятнадцати лет, исходя при этом из степени тяжести совершенного преступления, тогда как само лицо, подлежащее привлечению к ответственности, не установлено. По мнению Ф.М. Мухитдинова, принятие подобного решения дознавателем, следователем или прокурором может привести к неполному установлению истины по делу. В этом случае нельзя считать, что уголовный процесс достиг своих целей<sup>3</sup>.

Полагаем, что в данном положении законодатель действовал исходя из цели обеспечения эффективности непосредственной деятельности органов дознания и предварительного следствия. Так, учитывая отсутствие возможности установить совершившее общественно опасное деяние лицо и привлечь его к ответственности в течение трех лет, необходимость акцентирования основного внимания органов следствия на противодействие вновь совершаемым преступлениям, целесообразность снижения количества нераскрытых преступлений<sup>4</sup>, уклонение лица, совершившего преступление, от органов предварительного следствия (в отношении него не объявлен розыск) законодатель решил освободить его от ответственности.

Но следует отметить, что в этой норме учитывается только степень тяжести совершенного общественного опасного деяния, а не степень общественной опасности лица, его совершившего. Так, если преступное деяние совершено повторно или опасным рецидивистом степень его общественной опасности отягчается, в результате чего должны изменяться и сроки давности привлечения к ответственности. Из-за отсутствия подобного положения в статье 64 УК Республики Узбекистан множество уголовных дел прекращается безосновательно, не утратившие своей общественной опасности лица освобождаются от ответственности. Для устранения данного аспекта, на наш взгляд, в статью 64 УК необходимо внести соответствующие изменения и дополнения.

**В-третьих**, согласно части третьей статьи 64 УК Республики Узбекистан, течение давности приостанавливается, если лицо, совершившее преступление и привлеченное к уголовной ответственности, скрывается от следствия или суда. Течение давности возобновляется с момента задержания лица или явки с повинной. По нашему мнению, законодатель в данной норме не уместно употребляет термины «приостанавливает»

<sup>1</sup> Уголовное право. Общая часть: учебник / А. С. Якубов, Р. Кабулов и др. – Ташкент, 2004. – С.428.

<sup>2</sup> См.: Ниёзова Ш. Г. Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2010. – Б.7.

<sup>3</sup> См.: Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар: Юрид. фан. док. ... дис. – Ташкент, 2005. – Б.97.

<sup>4</sup> Примечание: В некоторых случаях следственной практики дела, прекращенные по рассматриваемому основанию, приравниваются к раскрытым делам.

ся» и «возобновляется». Термин «приостановление» означает также смысл временного перерыва<sup>1</sup>. Это же может привести к сохранению и продолжению сроков давности привлечения к ответственности лица до момента привлечения его к участию в деле в качестве обвиняемого. В данном случае, по мнению М. Усмоналиева, не имеет значения, сколько времени прошло до уклонения от следствия и суда, то есть сроки, предусмотренные частью первой статьи 64 УК, возобновляются<sup>2</sup>. С позиции Ш.Г. Ниёзовой, если лицо в целях уклонения от следствия и суда совершает побег из-под стражи, то сроки давности не приостанавливаются, а прерываются, и должны исчисляться заново с момента совершения преступления, заключающегося в побеге из-под стражи или из-под охраны<sup>3</sup>.

На наш взгляд, учитывая вышеизложенные положения, в рассмотренной норме статьи 64 УК целесообразным представляется вместо термина «приостанавливается» использовать «прекращается», а вместо «возобновляется» – «исчисляются заново».

**В-четвертых**, согласно части четвертой статьи 64 УК Республики Узбекистан, «течение давности прерывается, если до истечения указанных в настоящей статье сроков лицо, совершившее тяжкое или особо тяжкое преступление, совершит новое умышленное преступление. В таких случаях исчисление давности начинается заново со дня совершения нового преступления. В остальных случаях, если до истечения срока давности лицо совершит новое преступление, этот срок по каждому преступлению исчисляется самостоятельно». Так, в соответствии с данной нормой, за преступления, не представляющие большой общественной опасности, и менее тяжкие преступления (если в них нет признака повторности), вне зависимости от количества их совершения, сроки давности привлечения к ответственности за каждое из них исчисляется самостоятельно. Эта норма также исключает такое основное условие освобождения лица от ответственности в связи с истечением сроков давности, как требование утраты лицом своей общественной опасности. Ведь совершение лицом одного преступления за другим говорит о наличии степени его общественной опасности.

На наш взгляд, логика института освобождения от уголовной ответственности, то есть его основная сущность – это прощение лица, совершившего преступление. Здесь правомерно возникает вопрос: Кто подлежит прощению? Несомненно, в первую очередь, лица, утратившие свою общественную опасность, раскаявшись в содеянном. Это же требует внесения изменений в законодательные нормы, регулирующие исчисление сроков давности привлечения к ответственности лиц, совершивших одно преступление за другим.

В части второй статьи 46 УК бывшей Узбекской ССР рассматриваемое положение было связано с совершением нового преступления, за которое возможно

назначение наказания в виде лишения свободы свыше двух лет. Форме вины (умышленной или по неосторожности) в данном случае значения не придавалось. Однако это, как отмечается выше, не свидетельствует об утрате лицом своей общественной опасности, раскаявшись в содеянном.

Вместе с этим, обратим внимание и на опыт зарубежных стран. В частности, в части второй статьи 78 УК Российской Федерации закреплено, что «В случае совершения лицом нового преступления сроки давности по каждому преступлению исчисляются самостоятельно», в части третьей статьи 83 УК Республики Беларусь – «Течение сроков давности прерывается, если до истечения указанных в части первой настоящей статьи сроков лицо совершит новое умышленное преступление. Исчисление сроков давности в этом случае начинается со дня совершения нового преступления по каждому преступлению отдельно», в части третьей статьи 49 УК Украины – «Течение давности прерывается, если до истечения сроков лицо совершило новое преступление средней тяжести, тяжкое или особо тяжкое преступление. Исчисление давности в этом случае начинается со дня совершения нового преступления. При этом сроки давности исчисляются отдельно за каждое преступление», в части четвертой статьи 60 УК Республики Молдова – «Течение давности прерывается, если до истечения сроков лицо совершит преступление, за которое согласно настоящему кодексу может быть назначено наказание в виде лишения свободы на срок свыше 2 лет. Исчисление срока давности в этом случае начинается с момента совершения нового преступления». В части же четвертой статьи 64 УК Республики Узбекистан отмечается, что течение давности прерывается, если до истечения указанных в настоящей статье сроков лицо, совершившее тяжкое или особо тяжкое преступление, совершит новое умышленное преступление. В таких случаях исчисление давности начинается заново со дня совершения нового преступления. В остальных случаях, если до истечения срока давности лицо совершит новое преступление, этот срок по каждому преступлению исчисляется самостоятельно.

Исходя из сказанного выше, полагаем, что часть четвертую статьи 64 УК Республики Узбекистан целесообразно изложить в следующей редакции:

*«Течение давности прерывается, если до истечения указанных в настоящей статье сроков лицо, совершившее преступление, совершит новое умышленное преступление. В таких случаях исчисление давности начинается заново со дня совершения нового преступления».*

**В-пятых**, общеизвестно, что в нормах действующих уголовного и уголовно-процессуального законодательства сформирован ряд преимуществ относительно несовершеннолетних<sup>4</sup>. Они проявляются в ходе следственных действий, использования адвоката, назначения наказания и других положений. Однако, по статье 64 УК и пункту 1 части первой статьи 84 УПК Республики Узбекистан отдельного порядка в отношении несовершеннолетних не предусмотрено. А между тем, в уголовном

<sup>1</sup> См.: Уголовный процесс Республики Узбекистан: Учебник / Б. А. Миренский, Б.Т. Акрамходжаев, Д.М. Миразов, А. Х. Рахманкулов, В. В. Кадырова, Д. Камалходжаев – Ташкент, 2014. – С. 357.

<sup>2</sup> См.: Усмоналиев М. Жинойат хуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент, 2005. – Б. 546–547.

<sup>3</sup> См.: Ниёзова Ш. Г. Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари: юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2010. – Б. 3.

<sup>4</sup> См.: Саидов Б. А. Даствлабқи терговда вояга етмаганларнинг хуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш муаммолари // Ёшлар хуқуқларини ҳимоя қилиш – хуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Халқаро илмий-амалий конференция материалилари. – Тошкент, 2008. – Б. 98.

законодательстве многих развитых стран для этой категории лиц в рассматриваемой сфере определен ряд преимуществ. Так, в уголовных кодексах Российской Федерации и Республики Казахстан сроки давности привлечения к ответственности несовершеннолетних определены в два раза меньше чем для взрослых.

В общем, исходя из международного в этой сфере опыта и национального менталитета Узбекистана, а также учитывая, что формирование и развитие несовершеннолетних ещё не окончено, а в ходе воспитания их природа вполне может измениться в положительную сторону и относительную кратковременность общественной опасности данной категории лиц<sup>1</sup>, на наш взгляд, важно уделить отдельное внимание преимуществу несовершеннолетних и при исчислении сроков давности привлечения к ответственности. Рассматривая освобождение несовершеннолетних от уголовной ответственности Ш. Бердиев также давал научно обоснованные рекомендации по сокращению вдвое сроков давности привлечения к ответственности, предусмотренных статьей 64 УК Республики Узбекистан<sup>2</sup>. Будучи солидарными с мнением ученого мы поддерживаем данную позицию, в связи с чем считаем целесообразным в УК Республики Узбекистан внести новую норму в следующей редакции:

*«Статья 87<sup>1</sup>. Срок давности привлечения к ответственности или исполнения наказания*

*При освобождении несовершеннолетнего от ответственности или наказания сроки давности привлечения к ответственности, предусмотренные в статьях 64 и 69 настоящего Кодекса, сокращаются наполовину».*

#### Список литературы:

1. Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2011.
2. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш // Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: илмий-назарий конференция материаллари. Т., 2008.
3. Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар: Юрид. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2005.
4. Ниёзова Ш. Г. Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2010.
5. Саидов Б.А. Дастлабки терговда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш муаммолари // Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш –

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2008.

6. Саҳаддинов С. М. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари: Монография. – Т., 2012.

7. Уголовное право. Общая часть: учебник / А. С. Якубов, Р. Кабулов и др. – Ташкент, 2004.

8. Уголовный процесс Республики Узбекистан: Учебник / Б. А. Миренский, Б.Т.Акрамходжаев, Д.М.Миразов, А. Х.Рахманкулов, В. В.Кадырова, Д. Камалходжаев – Ташкент, 2014.

9. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент, 2005.

<sup>1</sup> См.: Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш // Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: илмий-назарий конференция материаллари. Т., 2008. – Б.46; Саҳаддинов С. М. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари: Монография. – Т., 2012. – Б.49.

<sup>2</sup> См.: Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2011. – Б.193-194.

Ш. Умидуллаев,  
СамДУмустақил тадқиқотчи, ю.ф.н.

### ЖАЗОНИ ЎТАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада жазони ўташдан бўйин товлашнинг жазодан озод қилишда таъсирига доир масалалар илмий ва назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, тегишли хулосалар берилган.

**Калит сўзлари:** жиноий жазони ижро этиш, жиноят ҳуқуқи, жазо, жиноят-процессуал ҳуқуқи, жазодан озод қилиш, бўйин товлаш, муддат, айбдор, жарима.

**Аннотация:** в данной статье с научной и теоретической точки зрения были проанализированы вопросы касательно влияния уклонения от отбывания наказания на освобождение от наказания, разработаны соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** исполнение уголовных наказаний, уголовное право, наказание, уголовно-процессуальное право, освобождение от наказания, уклонение, срок, виновный, штраф.

**Annotation:** in this article from the scientific and theoretical point of view questions concerning influence of evasion from serving sentence on release from punishment have been analysed, the corresponding conclusions are developed.

**Key words:** execution of criminal punishments, criminal law, punishment, criminal procedure law, release from punishment, evasion, term, guilty person, penalty.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар барча тармоқ қонунларининг фаол янгиланишига олиб келди. Жамият ривожланишининг устувор йўналишларида юз берган, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлатнинг олий қадриятлари сифатида тан олиниши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар барча даражадаги норматив ҳужжатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-ижроия кодексларида ўз аксини топди. Жиноят кодекси кўпгина қоидаларининг тартибга солиниши, шу жумладан жазодан ва уни ўташни давом эттиришдан озод қилиш институтларида илгари амалда бўлган қонунчилик билан таққослаганда улкан ўзгаришлар юз берди.

Шуни қайд этиш лозимки, айбдорларга адолатли жазо тайинлаш масаласи бир қанча тортишувларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Чунки, жазо тайинлашнинг ўзи билан қайси мақсадда ёки нималарни кўзлаб ёхуд субъектив томондан ўзи истамаган ва хоҳламаган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган шахсларнинг турмуш тарзи, ҳаёти биз хоҳлаймизми-йўқми қанча муддатга бўлишдан қатъи назар салбий томонга ўзгаради[1]. Мана шу салбий томонга ўзгаришни мумкин қадар ижобийлаштиришга ҳаракат қилишда энг асосийси тайинланадиган жазо чораларини либераллаштириш ва адолатлилик тамойилларига эътиборни қаратган ҳолда жиноят қонунида белгиланган асосларни инобатга олиб жазодан озод қилишга эътиборни қаратиш лозим.

Маҳкумни жазодан озод қилиш суд тайинлаган муддат ўталганидан (ёки жазо ижро этилганидан) кейин, жиноят қонуни ўзгарганида, шахс реабилитация қилинганда ёки жазодан ёки уни ўташдан муддатидан илгари озод қилишнинг муайян турлари қўлланганида

юз беради. Мазкур тадқиқот вояга етган маҳкумларни жазодан муддатидан илгари озод қилиш билан боғлиқ масалаларни ўрганишга бағишланган. “Жазодан озод қилиш” тушунчаси ишда жазодан ва уни ўташдан озод қилишни ифодалаш учун умумлаштирувчи тушунча сифатида қўлланилади. Ушбу ҳуқуқий ҳодисаларни бир-биридан ажратиш зарур бўлган айрим ҳолларда у фақат жазодан озод қилишнинг ўзини англатади.

Жазодан озод қилиш муаммоси жиноий жавобгарликнинг моҳияти ва ундан озод қилиш турлари, жиноят учун жазонинг мақсадлари ва унинг самарадорлиги тўғрисидаги масалалар билан узвий боғлиқ. Муддатидан илгари озод қилинганлар такрорий жиноятчилиги даражасининг пастлиги жазодан озод қилишнинг самарадорлик даражасини акс эттирувчи асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Бизга маълумки, жазодан озод қилишда жазони ўташдан бўйин товлаш масалалари жиддий салбий таъсирини ўтказди. Амалдаги жиноят қонунига мувофиқ, маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, жазони ижро этиш муддати икки баравар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товлаган кундан бошлаб ҳисобланади. Жазони ўташдан бўйин товлаш тушунчасига ЖКда таъриф берилмаган. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларига у ёки бу турдаги жазони ўташдан ашаддий бўйин товлаш тўғрисидаги қоидалар киритилган. Бироқ жазони ўташдан бўйин товлаш жиноят-ҳуқуқий тушунчасини жиноят-ижроия ҳуқуқининг жазони ўташдан ашаддий бўйин товлаш тушунчаси билан айниёлаштириш тўғри бўлмайди. Бўйин товлашнинг ушбу турлари қонун ҳужжатларида фарқланади, чунки уларнинг содир этилиши турли хил ҳуқуқий оқибатлар юз беришига сабаб бўлади. Шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан бўйин товлаганлик учун эса жиноий жавобгарлик ҳам назарда тутилади. Маҳкумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг аксариятини ўташдан бўйин товлаганлик учун тайинланган жазо бошқа оғирроқ жазо билан алмаштирилади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 44-моддасининг учинчи қисми, 46-модданинг учинчи қисми). Қамоқ ва озодликдан маҳрум қилишни ўташдан бўйин товлаш тушунчалари тегишли моддаларда мавжуд эмас.

Бизнингча, жиноят-ҳуқуқий маънода жазони ўташдан бўйин товлаш деганда, маҳкумнинг у жазони ўташни амалда тўхтатганидан далолат берувчи хулқ-атворини тушуниш ўринли бўлади. Айни пайтда, шахсни Ўзбекистон Республикаси ЖИК нуқтаи назаридан ашаддий бўйин товловчи сифатида тавсифловчи белгиларнинг айримлари уни Ўзбекистон Республикаси ЖКга мувофиқ бўйин товловчи деб топиш имкониятини ҳам беради. Бундай белгиларга маҳкум қочиб яширинган ва унинг қаердалиги аниқланмаган ёки жазони ўташдан бўйин товлаш учун бошқа чораларни кўрган (масалан, мансабдор шахсга пора берган) ҳолларни киритиш мумкин. Ушбу ҳолатлар маҳкумнинг хулқ-атворига Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган жазоларнинг аксариятини ўташдан бўйин товлаш сифатида ёндашиш имкониятини беради. Айни пайтда жазони ўташдан бўйин товлашнинг маҳкумга тайинланган жазо турига боғлиқ бўлган алоҳида усуллари ҳам мавжуд.

Масалан, жарима тўлашдан бўйин товлашга маҳкум қурби етишига қарамай ҳукмда кўрсатилган пулни тўламаган ҳолларни киритиш мумкин. Жаримани тайинлашда суд судланувчининг моддий аҳолини инобатга

олиши лозим. Бу ўринда судланувчининг моддий аҳволини баҳолашда эътиборга олиниши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан Қ.П.Пайзуллаев билдирган фикрга қўшилишимиз: 1) қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай манбадан оладиган даромадлари (бундай даромадларга иш ҳақи, мулкӣ даромадлар, тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадлар); 2) судланувчига мулк ҳуқуқи асосида, ҳужалик юритув асосида, оператив бошқарув асосида, шунингдек, ижарага олиш асосида тегишли бўлган мол-мулк; 3) унинг қарамоядаги шахслар, масалан, вояга етмаган фарзандларининг мавжудлиги; 4) судланувчининг мулкӣ бўйича учинчи шахслар олдидаги мажбурияти (масалан, судланувчининг алимент тўлаши, зарарни қоплаши, солиқ тўлаши ва бошқа ҳолатлар); 5) юқорида кўрсатилган ҳолатлар қатъий бўлмай, суд жарима жазосини тайинлашда бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши мумкин [2].

Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қароридан шундай дейилади: “Жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамояда вояга етмаганлар фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инobatта олиниши лозим” [3]. И.В.Смоляникова эса, бу ҳақда шундай ёзади: “Жариманинг роли шахснинг салбий ҳулқ-атворини, қарашларини ўзгартириш мақсадида унинг онгига иқтисодий таъсир кўрсатишдан иборат. Жазо сифатида жарима асосан қўриқувчи таъсир кўрсатади” [4].

Ушбу масала ҳусусида Қ.Р.Абдурасулова “Агар жарима доимий иш жойи ва яши иш ҳақиға эга бўлган, иш жойидан ижобий таърифланувчи шахсга нисбатан қўлланса, унинг жиноий жазо чораси сифатидаги самарадорлиги янада ошади” [5], деб эътироф этади.

Аксинча, жарима жазоси тайинланганда, унинг миқдори юқори бўлиши мумкин бўлиб, у судланувчининг моддий аҳволини инobatта олган ҳолда тайинланган бўлсада, уни ижро этиш судланувчининг молиявий ҳолатига жиддий таъсир этиши мумкин. Жарима ҳам жиноий жазо сифатида ўз табиатиға кўра маҳкумға таъсир этиши учун етарли миқдорда бўлиши лозим. Унинг миқдорининг кам ҳолда тайинланиши жиноий жавобгарликдан озод бўлиш воситасига айланишиға сабаб бўлиши мумкин.

Жаримани тўлашдан қасддан бўйин товланганда у ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилиши мумкин, бироқ ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товланганда ахлоқ тузатиш ишларининг уч кун озодликдан маҳрум этишнинг бир кунига тенглаштирилиб алмаштирилади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 61-м.).

Судланувчи таъсир этишнинг ўхшаш воситаларидан фойдаланиши назарда тутувчи жазо чораларини ўзаро алмаштириш мантиққа зид. Хусусан, жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари маҳкумнинг моддий манфаатларига таъсир этиш орқали ўз мақсадиға эришишни кўзлайди. Бизнингча, жаримани тўлашдан қасддан бўйин товланганда кўпчилик хорижий мамлакатлар қонунчилиғида белгилангани каби уни озодликдан маҳрум этишға алмаштиришни кўзда тутиш мақсадға мувофиқ.

Кўпгина мамлакатларда (Англия, АҚШ, Франция, Германия) жарима озодликдан маҳрум этишға муқобил жазо сифатида кўрилади [6]. Қ.Р.Абдурасулова ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунида мулкӣ хусусиятға эга бўлган жазо: жарима назарда тутилган бўлиб, у келажакда озодликдан маҳрум қилишнинг муқобилидир” [7].

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган шахс суднинг ҳукмини бузиши ва ўзи учун тақиқланган мансабни, айтайлик, бошқа фамилияға расмийлаштирилган

(берилган) меҳнат дафтарчаси ёки бошқа хил ҳужжат асосида эгаллаши ёнки ўзи учун тақиқланган фаолият билан шунга ўхшаш ҳужжатлар ёрдамида шуғулланиши ёки бўлмаса, тақиққа қарамай, транспорт воситасини бошқаришни давом эттириши мумкин.

Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазолар (қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш)ға ҳукм қилинган шахснинг жазони ижро этиш жойидан қочиши ҳам тайинланган жазони ўташдан бўйин товлаш ҳисобланади. Бироқ қамоқда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахснинг қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 222-моддасида назарда тутилган жиноят ҳисобланади.

М.Усмоналиев фикриға кўра, жазони ўташдан бўйин товлашда шахснинг очикда бўлганлиги ёки ҳибсда сақланган вақтда қилинганлигининг аҳамияти йўқ. Агар шахс ҳибсда сақланган жойидан қочса, у қасддан янги жиноят содир қилган ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 222-моддаси билан ҳам жавобгар қилиниб, муддатнинг ўтиши ҳибсдан қочган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКК нинг 237-моддасида назарда тутилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров тариқасидаги эҳтиёт чораларидан бири қўлланиб, шахс жазони ўташдан бўйин товлаган бўлса, ЖК 69-моддаси иккинчи қисмида белгиланганиға кўра, жазони ижро этишмуддати икки баравар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товлаган кундан бошлаб ҳисобланади. Жазони ўташдан бўйин товлаш, суд томонидан жазонинг ўташ учун белгиланган жойға келмаслик, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган бўлса, ишға келмаслик ва жазони ўташдан бўйин товлаш деб топилиши мумкин. Ҳарбий хизматчиларға нисбатан эҳтиёт чораси сифатида, ҳарбий қисм қўмондонлигининг кузатуви ўрнатилган бўлиши ҳам мумкин, ана шу кузатувдан бўйин товлаш ҳам жазонинг жросимуддатларининг икки баровар кўпайишиға сабаб бўлади ва бўйин товлаган вақтдан бошлаб ҳисобланади [8].

Амалда қўшимча жазолардан бўйин товлаш имкониятлари ҳам мавжуд. Бироқ ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилишни ўташдан бўйин товлаш амалда мумкин эмас, чунки суд ҳукмининг кўрсатмалари тегишли органлар ва мансабдор шахслар томонидан ижро этилади. Бизнингча, маҳкум тегишли ҳарбий ёки маҳсус унвон олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнигина улар йўқолганини ва ж қилиб кўрсатиб сақлаб қолиши ва кейинчалик улар берувчи имтиёзлардан фойдаланиши мумкин, лекин бу жазони ўташдан бўйин товлаш сифатида қаралиши мумкин эмас.

Хулоса қиладиган бўлсак, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган жазо турларига мувофиқ биринчи гуруҳ фақат битта жазо – ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилишдан таркиб топади. Бошқа турдаги жазоларни ижро этиш ёки ўташдан эса маҳкум бўйин товлаши мумкин.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Розимова Қ. Жазо тайинлашнинг назарий ва амалий масалалари. // Тошкент давлат юридик институтининг Ахборотномаси. 2010 йил 5-сон. –Б.136.
2. Пайзуллаев Қ.П. Жарима жазосини ижро этиш муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 5.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 2006 й., 1-сон.

4. Смолькова И.В. Штраф как мера наказания по советскому уголовному праву. – Иркутск, 1999.–С. 6.

5. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминалогик муаммолари. Юрид.фан.докт.илм. дар.олишучундисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 250.

6. Крылове Н.Е., Серебряникова А.В. Уголовное право зарубежных стран (Англии, США, Франции,Германии): Учебное пособие. – М.: Зерцало, 1998. – С. 141.; КлякановаТ.М. Уголовное право зарубежных стран:Германия, Франция, Финляндия. Общая часть. – СПб.: СПб ун-та, 1996. – С. 23.; Уголовное право.Общая часть: Курс лекций. Лекция 15.; Уголовное право зарубежных государств. Разработка и реализация программ борьбы с преступностью за рубежом./ Отв. ред.: Игнатов Л.Н., Красиков Ю.А. – М.: ИНФРА М-НОРМА, 1997. – С. 35.

7. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминалогик муаммолари. Юрид.фан.докт.илм. дар.олишучундисс... –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 185.

8. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2005. – 572-б.

Ш.А. Ганиев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
мустақил изланувчиси

### ФОҲИШАЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ТУШУНЧАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** ушбу мақолада чуқур илмий таҳлиллар асосида ижтимоий ахлоқ ва фоҳишалик билан шуғулланиш тушунчаларининг таърифлари ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий ахлоқ, фоҳишалик билан шуғулланиш.

**Аннотация:** в этой статье на основе научного анализа дана характеристика понятиям «социальная нравственность» и «занятие проституцией».

**Ключевые слова:** общественная нравственность, занятие проституцией, поведения, анализ.

**Annotation:** in this article is based on a scientific analysis of the characteristic of the concepts of «social morality» and «prostitution».

**Key words:** public morality, prostitution.

Фоҳишалик билан шуғулланиш ҳуқуқбузарлиги – шаҳвоний муносабатлар соҳасидаги ижтимоий ҳаёт маънавий асосларининг меъёридаги ҳолатига зарар етказди. Шу билан бирга, фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг ахлоқан бузилишига сабаб бўлади ҳамда ғайриижтимоий ҳолатларнинг ривожланишига кўмаклашади.

Бир сўз билан айтганда, фоҳишалик билан шуғулланиш ҳуқуқбузарлиги натижасида ижтимоий ахлоқнинг дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга зарар етказилади.

Шу ўринда ижтимоий ахлоқ тушунчасининг мазмунини ёритиш зарурати юзага келади. М.В. Гусарованинг фикрига кўра, ижтимоий ахлоқ жамиятда шаклланган ҳамда унинг аксарият аъзолари томонидан маъқулланган эзгулик, ёвузлик, адолат, шон ва шараф тўғрисидаги тасаввурлар тизимидан иборат бўлиб, у келажакда ижтимоий ҳаёт уйғун ривожланиши учун зарур бўлган ахлоқий фаолиятни, кишиларнинг ахлоқий муносабатлари ҳамда ахлоқий онгини шакллантиради ва белгилаб беради [1, 24-бет].

А.М. Нурмухаметованинг таъкидлашича, фоҳишабозлик билан боғлиқ жиноятлар соҳасидаги ижтимоий ахлоқ жамиятда шаклланган ҳамда унинг аксарият аъзолари томонидан қўллаб-қувватланган тамойиллар, меъёрлар, хатти-ҳаракат қоидаларини бирлаштирувчи, жинсларнинг ўзаро муносабати ҳамда жинсий тарбияни йўлга солувчи жамият фаолият кўрсатиши шакли, шунингдек, ижтимоий ҳаёт уйғун фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган эркак ва аёл муносабатларига нисбатан ғоялар, қарашлар, анъаналар мажмуидан иборатдир [2, 34-бет].

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай қарашлар, одатлар ва ҳулқ-атвор қоидаларини ижтимоий ахлоқ сифатида баҳолаб бўлмайди. Биз ўтказган ёзма сўров натижалари таҳлилининг далолат беришича, қарашлар, одатлар ва ҳулқ-атвор қоидалари ижтимоий ахлоқ сифатида эътироф этилиши учун қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1) тарихан шаклланиши;

2) кишилар томонидан кўнгилли тарзда қабул қилиниши;

3) жамиятнинг маданий ва маънавий анъаналарида акс этиши;

4) жамиятнинг аксарият аъзолари онгида ҳукмрон бўлиши;

5) яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, шаън, қадр-қиммат, жинсий ахлоқ ва шу каби бошқа масалаларга доир бўлиши.

Ижтимоий ахлоқнинг зарурий аломатлари сифатида эътироф этилган ушбу ҳолатларни умумлаштириш асосида қуйидагича хулосага келиш мумкин: ижтимоий ахлоқ деганда, тарихан шаклланган, кишилар томонидан кўнгилли тарзда қабул қилинган, жамиятнинг маданий ва маънавий анъаналарида акс этган, жамиятнинг аксарият аъзолари онгида ҳукмрон бўлган (умум эътироф этилган), яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, шаън, қадр-қиммат, жинсий ахлоқ ва шу каби бошқа масалалар ҳақидаги қарашлар, одатлар ва хулқ-атвор қоидалари мажмуи тушунилади.

Қайд этиш лозимки, фоҳишалик билан шуғулланиш ҳуқуқбузарлигининг объектив томони фоҳишалик билан шуғулланиш ҳаракатларида ифодаланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [3, 364-бет] ва Ўзбекистон миллий энциклопедиясида [4, 309-бет] фоҳишалик тушунчасининг луғавий маъноси «танини сотишдек ахлоқсиз, бузуқ иш билан шуғулланиш» эканлиги таъкидланган.

Юридик адабиётда фоҳишалик билан шуғулланиш тушунчасининг мазмуни турли маънода талқин этилмоқда. Жумладан, муаллифлар томонидан фоҳишалик билан шуғулланиш деганда:

1) аёлнинг эркаклар билан жинсий алоқалар орқали моддий манфаат кўришга йўналтирилган мунтазам (йил давомида икки мартадан кўп) хатти-ҳаракатлари (Л. Соловьёва) [5, 321-бет];

2) шахсий ҳуш кўриш, ёқишга асосланмаган ва ҳақ эвазига бажариладиган тасодифий, никоҳдан ташқари шахвоний муносабатлар (Ю.М. Антонян) [6, 67-бет];

3) танланган турмуш тарзи учун асосий ёки муҳим қўшимча маблағ манбаи бўлиб хизмат қиладиган ҳақ эвазига мунтазам равишда жинсий алоқага киришиш (Я.И. Гилинский) [7, 28-бет];

4) ҳақ эвазига касб тарикасида шахвоний эҳтиёжларни қондириш (А.П. Дяченко) [8, 117-бет];

5) мунтазам даромад олиш мақсадида келишилган нарх асосида бевосита жисмоний шахватпараст хизматлардан фойдаланувчи бўлган иккала жинсдаги барча шахсларга онгли тарзда кўп маротаба хизмат кўрсатиш (Е.В. Шибанова) [9, 30-бет];

6) нафақат ижтимоий келиб чиқувчи, балки айни вақтда нисбатан мустақил ҳодиса (ижтимоий ва индивидуал психология соҳасидаги салбий оқибатлар вужудга келиши сабаби) (Н.А. Аверина) [10, 20-бет];

7) кўриниши ва тақдим этиш усулидан қатъий назар мукофот учун мижозларнинг жинсий эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўлган, шахвоний хизматларни тақдим этишга йўналтирилган фаолият кўриниши (Е.Н. Федик) [11, 27-бет];

8) турли шахслар томонидан олдиндан келишилган мукофот учун содир этилган жинсий алоқалардан моддий манфаат чиқариш билан боғлиқ ахлоққа зид маъмурий ва жиноий жазоланадиган кўринишлар мажмуини ўз ичига олувчи ижтимоий салбий ҳодиса, шунингдек, ушбу ҳаракатларни таъминлашга йўналтирилган фаолият (А.Е. Шпаков) [12, 24-бет];

9) шахвоний хусусиятга эга ҳар қандай ҳаракатларни содир этиш учун фойдаланишга танани

тақдим этиш йўли билан мижоз (мижозлар) шахвоний эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган шахсларнинг тизимли пуллик фаолияти (О.А. Петрянина) [13, 30-бет];

10) шахсий танловсиз шахвоний хизматлар кўрсатишга йўналтирилган, шахсий қизиқиш ва мойилликка асосланмаган, тизимлилик ҳамда бетартиблик билан хусусиятланувчи мукофот учун мижознинг жинсий эҳтиёжини қондиришдан иборат бўлган онгли фаолият (А.М. Нурмухаметова) [14, 34-бет];

11) жинсий мансублигидан қатъи назар, бу каби фаолият асосий ёки қўшимча даромад манбаи бўлган шахслар томонидан мукофот эвазига нисбатан мунтазам равишда, турли истеъмолчиларга ўз танасини сотиш ёки жинсий хизматларни кўрсатиш (профессионал даражада) (А.А. Станская) [15, 19-бет];

12) эркак ва аёлларни мукофот эвазига ўзларининг ёки қарама қарши жинс вакиллари билан мутассил жинсий алоқага киришиши (одат бўйича жинсий алоқаларнинг муттасиллиги билан; турли мижозларнинг мавжудлиги билан; доимий фойда манбаи сифатида муайян мукофотларнинг қабул қилиниши билан тавсифланади) (А.И. Чучаев) [16, 425-бет];

13) мукофот эвазига турли шахслар билан никоҳсиз шахвоний муносабатларга кириш ёки турли шахслар билан бундай муносабатларни такрорлаш мақсадида, бундай муносабатга кириш учун ўзини таклиф этиш (Н.В. Герасимов) [17, 18-бет] тушунилиши таъкидланган.

Уйлашимизча, фоҳишалик билан шуғулланиш тушунчасига таъриф беришдан олдин унинг белгиларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги таърифларни қуйидаги саволлар ёрдамида таҳлил қилиш асосида фоҳишалик билан шуғулланишнинг асосий белгиларини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

1) фоҳиша ким?

а) аёл; б) эркак; в) иккала жинсдаги шахс.

2) мижоз ким?

а) эркак; б) аёл; в) қарама-қарши жинсдаги шахс;

г) ўз жинсидаги шахс; д) иккала жинсдаги шахс.

3) фоҳиша мижозга қандай хизматни кўрсатади?

а) мижоз билан жинсий алоқа қилади;

б) мижознинг шахвоний (жинсий) эҳтиёжини қондиради;

в) шахвоний (жинсий) хизматларни кўрсатиш;

4) фоҳиша нима учун ушбу фаолият билан шуғулланади?

а) моддий манфаат кўриш учун;

б) танлаган турмуш тарзи учун (асосий ёки қўшимча) даромад манбаи бўлган (миқдори келишилган) ҳақ учун.

Кўриниб турибдики, фоҳишалик билан шуғулланишнинг асосий белгилари борасида ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу боис ушбу ёндашувларнинг қайси бири тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида амалиёт мутахассислари ўртасида биз ўтказган анкета-сўровнинг натижаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган қуйидаги хулосаларга мурожаат қиламиз:

1) нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам, яъни иккала жинсдаги шахслар ҳам фоҳиша бўлиши мумкин;

2) фоҳишанинг жинсига қарама-қарши жинсдаги шахслар мижоз бўлиши мумкин;

3) фоҳиша мижозларнинг жинсий эҳтиёжларини исталган шаклда қаноатлантиради (жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш орқали);

4) шаҳвоний хизмат (миқдори келишилган) ҳақ эвазига кўрсатилади ва бу ҳақ фоҳишанинг турмуш тарзи учун (асосий ёки қўшимча) даромад манбаи бўлиб хизмат қилади;

5) фоҳиша ва мижоз ўртасидаги муносабатлар никоҳсиз (никоҳдан ташқари) доирада амалга оширилади.

Фоҳишалик билан шуғулланишнинг қўшимча белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) мижозларнинг жинсий эҳтиёжларини профессионал даражада қондириш;

2) шаҳвоний хусусиятга эга хизматлар билан мунтазам равишда (хунар сифатида, касб тариқасида) шуғулланиш;

3) фоҳиша ва мижоз ўртасида шахсий қизиқиш ва мойилликнинг мавжуд эмаслиги.

Шунингдек, фоҳишалик билан шуғулланишга хос бўлган хусусиятларга А.С. Турсунов ва Ш.А. Ганиевлар ошқоралик (фоҳишанинг хунари ҳақида аниқ маълум бўлиши)ни [18, 82-бет]; С.С. Ниёзова ва И.Ю. Фазиловлар фоҳишанинг ўзига хос турмуш тарзини [19, 56-бет]; Е.В. Шибанова ушбу ҳуқуқбузарликнинг яширинлиги (латентлиги)ни [20, 30-бет]; С.А. Цыркун фоҳишалик билан шуғулланувчи шахслар кўчиб юришининг ўта юқорилигини [21, 25-бет] ҳам киритишган.

Юқорида таъкидланган хулосалардан келиб чиқиб, таҳлил қилинаётган тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин: фоҳишалик билан шуғулланиш деганда, турмуш тарзи учун даромад манбаи бўлиб хизмат қиладиган ҳақ эвазига, никоҳида бўлмаган ўзга жинсдаги шахсларнинг жинсий эҳтиёжларини исталган шаклда (жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш орқали) қаноатлантириш билан шуғулланиш тушунилади.

Ўйлаймизки, юқорида таъкидланган хулосаларимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўз ифодасини топиши фоҳишалик билан шуғулланиш тушунчасининг мазмунини тўғри тушунилишига ва бир хил қўлланилишига хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Гусарова М.В. Незаконный оборот порнографических материалов или предметов: уголовно-правовые и криминологические аспекты: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Нижний Новгород, 2010.–24 с.

2. Нурмухаметова А.М.- Уголовная ответственность за преступления, связанные с проституцией, и их предупреждение: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Н. Новгород, 2012. – 34 с.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 364.

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. IX. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 309.

5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Адолат, 2000. – Б. 321.

6. Антонян Ю. М. Преступность среди женщин. Учебное пособие. – Москва: «Юрист», 1992. – С. 67.

7. Шпаков А. Е. Проституция как объект криминологического исследования: Дис... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2003. – С. 28.

8. Дяченко А. П. Вопросы, которые ждут решения // Проституция и преступность. — Москва: «Юридическая литература», 1993. – С. 117.

9. Шибанова Е. В. Выявление и расследование преступлений, связанных с проституцией: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Саратов, 2005. – 30 с.

10. Аверина Н.А. Криминологическое изучение и предупреждение органами внутренних дел проституции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –М., 1994. –20 с.

11. Федик Е.Н. Ответственность за действия, связанные с проституцией: Уголовно-правовой и криминологический аспект: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Екатеринбург, 2003. – 27 с.

12. Шпаков А.Е. Проституция как объект криминологического исследования: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ростов-на-Дону, 2003. – 24 с.

13. Петрянина О.А. Проституция как сфера теневой экономики: уголовно- правовой анализ, квалификация, причины и предупреждение: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Нижний Новгород, 2013. – 30 с.

14. Нурмухаметова А.М.- Уголовная ответственность за преступления, связанные с проституцией, и их предупреждение: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Н. Новгород, 2012. – 34 с.

15. Станская А.А. Проституция несовершеннолетних – социальная и правовая проблема. / Науч. ред. С.Ф. Милуков. - СПб.: Издательство Р.Асланова Юридический центр пресс, 2005. – С. 19.

16. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. А.И. Рарог. – М., 2005. – С. 425.

17. Герасимов Н.В. Уголовно-правовой анализ организации занятия проституцией: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Самара, 2011. – 18 с.

18. Турсунов А.С., Ганиев Ш.А. Ижтимоий-салбий хулқ тури сифатида фоҳишаликнинг тушунчаси ва белгилари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2010. – 3-сон. – Б. 82.

19. Ниёзова С.С., Фазилов И.Ю. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилишга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чоралари: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б. 56.

20. Шибанова Е.В. Выявление и расследование преступлений, связанных с проституцией: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Саратов, 2005. – 30 с.

21. Цыркун С.А. Выявление и расследование преступлений, связанных с содержанием притонов для занятия проституцией: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2004. – 25 с.

Ф.Думаев,

Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

### АМНИСТИЯ АКТИНИ ҚўЛЛАШ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА

**Аннотация:** мақолада амнистия акти қўллашнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ва жиноят ишини интенсификация қилишдаги ўрни ва бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни баён қилинган.

**Калит сўзлар:** амнистия интенсификация, илтимоснома, суд мажлиси, суд ажрими.

**Аннотация:** в статье анализируется роль амнистии в защите прав личности и в интенсификации уголовных дел.

**Ключевые слова:** амнистия интенсификация ходатайства, судебное заседание, судебное решение.

**Annotation:** this article describes the application of the amnesty act to protect human rights, and to intensification of criminal cases.

**Key words:** amnesty, the intensification, petition, the court hearing, the court ruling.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида жамиятнинг барча жаҳаларини ислоҳ қилиш жараёни изчил амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бу хусусда сўз юритар экан, жумладан, шундай деди: "...бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари изчил давом этмоқда. Жумладан, прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг бутун бир тизими фаолиятини ташкил этишни талаб қиладиган янгича ёндашувлар асосида муҳим ҳужжатлар – қонунлар, жинойи жазолар тизимини, судларнинг иш юритувини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни либераллаштириш тўғрисидаги фармонлар қабул қилинмоқда" [1,103-бет].

Мазкур йўналишдаги самарали қадамлардан бири Амнистия актининг жорий қилиниши ва унинг Жиноят процессуал кодексига алоҳида 63-боб сифатида киритилиши бўлди. Ушбу жараён жиноят ишини кўришни интенсификация қилиш яъни осонлаштиришга ва шу орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш сари қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Англо-саксон давлатлар қонунчилигида ва бир қатор роман - герман ҳуқуқий оилаларидан бўлган Германия, Испания, Нидерландия, Норвегия, Швеция, Эстония каби энг илғор давлатлар қонунчилигида амнистия институти мавжуд эмас [2, 401-402-бет]. Ушбу ҳолат эса, миллий қонунчилигимизнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини кўриқлашни олий кадрият даражасига кўтарганлигини билдиради.

Амнистия ва авф этиш комплекс соҳалараро институт бўлиб, жиноят, жиноят - процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади [3, 12-бет].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 63 боби 5 та бир-бирини мазмунан

тўлдирувчи моддалар шакллантирилган бўлиб, унда терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга юбориш тартиби, Амнистия акти қўллаш тўғрисидаги ариза, суд мажлиси, суднинг ажрими каби масалалар ёритилган.

**Амнистия** (юнонча "amnestia" – "унутиш, эсдан чиқариш", "кечирим, авф, гуноҳини кечириб") – жиноят содир этган шахснинг амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши [4].

Унда жазодан, жазонинг ўтилмай қолган қисмидан, шунингдек, қўшимча жазолардан озод қилиш ҳам тушунилади. Амнистия акти орқали суд ҳукми билан тайинланган жазо муддати қисқартирилиши ёки жазонинг қолган қисми қисқартилиши ёхуд судланганлиги олиб ташланиши мумкин. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

Умумий қоида тариқасида амнистия актига асосан, жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, худудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилишини белгилайди. Амнистия акти асосида иш юритишнинг ўзига хос хусусияти сифатида унинг яқка тартибда кўриб чиқилишини келтириб ўтиш мумкин.

Башарти, мазкур судларнинг судьяси бўлмаса ёхуд илтимосномани кўриб чиқишда уларнинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, амнистия актига асосан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси томонидан белгиланадиган бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Судьяларнинг илтимосномани кўриб чиқишда уларнинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар умумий қоидадан келиб чиқади ҳамда жиноят процессининг процесс иштирокчиларини рад этишга оид қоидаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Илтимоснома жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги материал жиноят иши билан судга келиб тушган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай ўтказилиши белгиланган. Бу ушбу норманин жиноят-процессуал қонунчилигининг умумий асосларига мос келишини англатади.

ЎЗР ЖПКнинг 590-моддасига асосан бундай илтимосномани судда кўриш жараёнида прокурор иштирок этиши шарт. Бундай тартибнинг белгиланишидан кўзланган асосий мақсад ушбу жараёнда ҳам фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳам давлат манфаатларига путур етказилмаслигини таъминлашдир. Боз устига, илтимосноманин айнан прокурор томонидан киритилиши ишни кўриш жараёнида турли масалалар юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган ноаниқликларни изоҳлаши, амнистия акти қўллаш асослари ва заруриятини кўрсатиб бериши нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, судда прокурор билан бир қаторда амнистия акти қўлланилиши масаласи қўйилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва ҳимоячиси иштирок этади. Бу Жиноят-

процессуал кодексининг 23-24-моддалари белгиланган айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш каби принципларининг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида лозим даражада хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги унинг ўтказилишига монелик қилмайди, деб белгиланган. Мазкур шахсларнинг келмаслиги ишни мазмунан ҳал этилишига таъсир этмайди, шу муносабат билан уларнинг келмаганлиги боис ишни кўришни кейинга қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Шунини инобатга олган ҳолда қонун чиқарувчи юқоридаги каби тартибни ўрнатган.

Худди шунингдек, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гумон қилинувчи, айбланувчининг суд мажлисида иштирок эши зарурлиги масаласини айнан суд иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади. Бунда башарти, суд бундай шахсларнинг суд мажлисидаги иштироки зарур эмас, деб топса, бундай шахслар суд мажлисида иштирок этмаслиги мумкин [5, 948- бет].

Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судда кўришнинг хусусиятларидан яна бири бундай ишларни кўришнинг ўзига хос тартиби белгиланиши билан изоҳланади. Бинобарин, ЎзР ЖПК 51-бобида кўзда тутилган суд мажлисини юритишнинг умумий тартиби мазкур ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Яъни, оддий жиноят иши юритувида суд мажлиси, раислик қилувчи жиноят ишини очиши ва қандай жиноят иши кўрилишини эълон қилиши билан бошланса, амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриш бўйича суд мажлисида прокурор маърузаси билан бошланади, у амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш заруратини асослаб беради. Сўнгра амнистия актини қўллаш масаласи қўйилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, қонуний вакил эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради. Судьянинг мазкур ҳолат бўйича ажрим чиқариши ЎзР ЖПКнинг 453-моддаларида белгиланган умумий қоидалар асосида амалга оширилади.

Амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномани кўриш бўйича суд мажлисида ЎзР ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритилади. Бунда далилларни баённомада қайд этиш (ЎзР ЖПК 90-моддаси), далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар, баённомага усуллар (ЎзР ЖПК 91-моддаси), далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш (ЎзР ЖПК 92-моддаси) борасидаги умумий қоидаларга таянади.

Суд мажлиси натижалари бўйича судья қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради. Хусусан, ЎзР ЖПКнинг 423-моддасида суд мажлисида ажрим чиқариш тартиби белгиланган бўлиб, мазкур масала бўйича иш юритишда судья ушбу нормада белгиланган қоидаларга асосланади ва унда белгиланган тартибга риоя этади.

Амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома бўйича бўлиб ўтган суд мажлиси натижалари бўйича судья чиқарган ажримнинг гумон

қилинувчи, айбланувчини қамоқдан озод қилиш қисми дарҳол ижро қилиниши лозим.

Амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш асосида қабул қилинган ажрим ижро учун прокурорга, маълумот учун эса амнистия актини қўллаш масаласи қўйилган шахсга, гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига, қонуний вакилга юборилади.

Амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган суд ажрими таҳлилига бағишланган. Ушбу ҳолат бўйича судья ажрим чиқаришда ЎзР ЖПКнинг 423-моддаси (суд мажлисида ажрим чиқариш тартиби) ҳамда шарҳланаётган 591-моддаси (судьянинг ажрими) талабларидан келиб чиқади.

Кези келганда қайд этиш зарурки, судьянинг ажрими процессуал акт бўлиб, жиноят ишлари бўйича, шунингдек, кассация ёки назорат босқичида чиқариладиган, ишнинг моҳиятини ҳал қилмайдиган, яъни ҳукм ёки қарорни ўзгартиришсиз қолдириш, унга ўзгартишлар киритиш, бекор қилиш бўйича қарорни ифодалайди.

Амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқариладиган суд ажрими ЎзР ЖПКнинг умумий қоида ва талаблари мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳамда анъанавий тарзда уч муҳим таркибий қисмлардан иборат:

Ажримнинг кириш қисми у тўғрисидаги ташкилий ҳамда таништирув характеридаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Хусусан, унда ажрим чиқарилган жой ва вақти, уни чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг ҳамда ишда қатнашувчи бошқа иштирокчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек, амнистия актини қўллаш масаласи қўйилаётган шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг шахсига оид маълумотлар ўз аксини топади.

Ажримнинг ушбу қисми моҳиятан икки муҳим ҳолатлар мажмуини қамраб олади. Биринчиси тавсифловчи ва иккинчиси асослантирувчи маълумотлар. Тавсифловчи маълумотлар ишни, айбдор шахсини, амнистия қўллашни тақозо этувчи умумий ҳолатларнинг баённи ифодалайди. Асослантирувчи маълумотлар эса, ушбу ҳолатларни асосли дейилади ҳамда уларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини, хусусан, ЎзР ЖПКнинг кўрилаётган ишга тааллуқли бўлган моддаларини қўллашни кўзда тутди. Судья ажримнинг ушбу қисмида илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлган ҳолатлар баён қилинади.

Ажримнинг қарор қисми моҳият эътибори билан унинг энг муҳим ва асосий қисми ҳисобланади. Зеро, унда ажрим юзасидан чиқарилган қатъий хулоса ҳамда процесс иштирокчилари зиммасига юклатиладиган, бажарилиши мажбурий тусга эга бўлган ҳаракатлар ифодаланган бўлади. Хусусан, ажримнинг қарор қисмида амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш ва умумий қоидалар бўйича терговолди текширув ёки дастлабки тергов юритилиши учун тегишлича материал ёки жиноят ишини прокурорга юбориш

тўғрисида, эҳтиёт чоралари тўғрисида, ашёвий далиллар тўғрисида, фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари тўғрисидаги аниқ вазибалар кўзда тутилиши мумкин.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакат тараққиётининг қонунчилик асосини мустақамлаш – фаолиятимизнинг бош мезони // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент, 2006. - Б. 103.
2. Марогулова И.Л. Законодательное регулирование амнистии и помилования (генезис, сущность, теория, правоприменение): Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – М., 1999. – С. 12.
3. Додонов В. Н. Сравнительное уголовное право. Общая часть / под общ. ред. С. П. Щербы. — М.: Юрлитинформ, 2009. — С. 401-402.
4. Электрон манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 948 бет.

Қ.Розимова,

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси,

#### РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ БЎЙИЧА ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақола рецидив жиноят бўйича жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда рецидив жиноят тушунчасига оид назарий қарашлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга муаллиф томонидан рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Мақолада амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жазо, жазо тайинлаш, рецидив жиноят, рецидив жиноят содир этиш, рецидив, жиноят қонунчилиги, айб шакли, қасд, эҳтиётсизлик, судланганлик, оғир жиноят, ўта оғир жиноят.

**Аннотация:** данная статья посвящена особенностям назначения наказания по рецидивным преступлениям. Автором статьи проанализированы теоретические подходы к понятию “рецидивных преступлений”. Вместе с тем в статье раскрыты особенности назначения наказания по рецидивным преступлениям. В итоге статьи разработаны предложения и рекомендация по совершенствованию действующего уголовного законодательства.

**Ключевые слова:** наказание, назначение наказания, рецидив преступлений, совершение рецидив преступлений, рецидивист, уголовное законодательство, форма вины, неосторожное преступление, умышленное преступление, судимость, тяжкое преступление, особо тяжкое преступление.

**Annotation:** this article is devoted to features of appointment of punishment on recurrent crimes. The author of the article analyses theoretical approaches to concept of “recurrent crimes”. At the same time in the article described features of appointment of punishment on recurrent crimes. As a result of the article there are developed offers and the recommendation on improving current penal legislation.

**Key words:** punishment, crime, determination, recidivism of a crime, execution of recidivism crime, criminal legislation, form of guilt, imprudence, previous, grave crime, gravest (high) crime, execution of crime.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят ҳуқуқи ва қонунчилигига мувофиқ рецидив жиноятлар бир қанча жиноят содир этишнинг энг хавфли шакли ҳисобланади. Чунки, рецидив жиноятларда бир қанча жиноят содир этишнинг бошқа шакллари (такроран жиноят содир этиш ва жиноятлар мажмуи)га қараганда шахсдаги жиноий ниятларнинг барқарорлиги, жиноятчининг тўғри йўлга қайтишни қатъиян истамаслиги, унинг жамиятда ўрнатилган тартибларга нисбатан ўта ҳурматсиз муносабатда бўлиши янада яққолроқ намоён бўлади. Бундай тоифадаги жиноятчиларнинг ўзаро жипслашуви, профессионаллашуви давлатдаги жиноятчиликнинг сифат кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, рецидив жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигидан далолат беради ва

уларга қарши кураш чораларини кучайтириш зарурлигини белгилаб беради.

Рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишдан олдин бевосита рецидив жиноят тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак.

“Рецидив” лотин тилида – “recidivus” сўзидан олинган бўлиб, “қайтаётган” тушунчасини беради. Шунингдек, рецидив сўзига уч хил баҳо берилади:

1) “қайтадан тиклаш”, “қайтиш”, “бир нарсани такрорлаш” (одатда кўнгилсиз ходисани);

2) “тўлиқ тузалмаган касалнинг қайталиши” (тиббийетда);

3) “жиноятни такроран содир қилиш”. “Ўғрилиқ рецидиви” деб ифодаланган. [1, 26-бет]

Жиноят ҳуқуқи доктринасида «ҳақиқий рецидив жиноят» тушунчаси мавжуд бўлиб, бу тушунча шахс томонидан икки ёки ундан кўп жиноий қилмишлар содир этганлигининг барча ҳолларини, субьектда аввалги қилмишлари учун судланганлик бор йўқлигидан қатъий назар, қамраб олади. [2, 313-бет]

Рецидив жиноят тушунчаси ҳақида ўзбек олимлари томонидан билдирилган фикрларга мурожаат этганимизда жиноят қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда асосан ўхшаш қарашлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши *рецидив жиноят* деб топилади. [3, 315-бет] Бунда рецидив жиноят содир этишнинг қуйидаги икки асосини санаб ўтади:

- илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин қасддан янги жиноят содир этиши;

- биринчи ҳукм юридик оқибатлари ёки муддат ўтиши натижасида ёки бошқа тартибда ҳали тугамаган даврда жиноят содир этиши. [4, 51-бет]

Ҳуқуқшунос М.Усмоналиев эса, рецидив жиноят тушунчасига рецидив шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, *судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан* қасддан янги жиноят содир этиши сифатида таърифлайди. [5, 324-бет]

Ҳуқуқшунос олим Ф.Тоҳировнинг фикрича, рецидив жиноятларни таҳлил қилиш жараёнида рецидив шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилигига катта эътибор қаратади ҳамда бундай шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик чораларини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлайди. [6, 10-бет] Рецидив жиноят тушунчасига берилган ўхшаш таъриф А.П.Аллабергановнинг тадқиқотида ҳам учрайди. [7, 71-бет]

Тожикистон Республикаси қонунчилиги бўйича рецидив жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилган ҳуқуқшунос олима З.З.Нуруллоева рецидив жиноятларни қасддан такроран содир этилган жиноят деб ҳисоблаш мумкинлигини қайд этади. Ўз навбатида, ушбу ҳуқуқшунос олиманинг фикрига қўшилиб бўлмайди. [8, 21-бет]. Чунончи, такроран жиноятда ҳам қилмиш икки ёки ундан ортиқ жиноятдан ташкил топгани билан рецидив жиноят сингари айбнинг қасд шакли муҳим аҳамиятга эга бўлмайди. Рецидив жиноятда эса, айнан айбнинг қасд шакли муҳим аҳамият касб этади.

Рецидив жиноятларга оид қатор тадқиқотлар олиб борган ҳуқуқшунос Ш.Умидуллаевнинг таъкидлашича, рецидив жиноятнинг криминалогик тушунчасини тадқиқ қилган муаллифлар уларнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинганлигига аҳамият

бермайдилар. [9, 11-бет]. ЎзР ЖКнинг 34-моддасининг 1-қисмида берилган таърифга кўра, олдинги жинояти ҳам, кейинги жинояти ҳам қасддан қилинган бўлсагина рецидив жиноят ҳисобланади. Шунга кўра, рецидив жиноятнинг криминалогик тушунчаси ҳам фақат қасддан қилинадиган жиноятларнинг такрорланишини назарда тутади. Чунки, рецидив жиноят жиноят содир этишнинг махсус тури бўлиб, бу ҳодисанинг турғунлиги, ўзини ўзи ривожлантириб, кўпайтириб турувчи ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

Энди эса, бевосита рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталсак. Таъкидлаш жоизки, рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш қоида тариқасида ЖКнинг 60-моддасида белгиланган ҳукмлар мажмуи тартибида амалга оширилиб, амалдаги жиноят қонунчилигида тўғридан-тўғри рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 60-моддасида бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидалари назарда тутилган, лекин ушбу моддада жиноятлар эҳтиётсизликдан қилинганлиги ёки қасддан қилинганлигидан қатъий назар жазо тайинлаш тартиби бир хил белгиланган. Ваҳоланки, рецидив жиноятларда айб шакли муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунинг натижасида судлар қасддан қилинган жиноятларда ҳам, эҳтиётсизликдан қилган жиноятларда ҳам бир хил ёндашув, яъни қисман қўшиш усулидан фойдаланиб жазо тайинламоқдалар. Айрим ҳолларда қасддан ва эҳтиётсизликдан қилинган жиноятлар учун қатъий жазо тайинлаш қасддан қилинган бир неча ҳукмлар юзасидан қатъий жазо тайинлашга нисбатан оғирроқ бўлиб қолиши мумкин. Бунда 60-модда бўйича қасддан ва эҳтиётсизликдан қилинган жиноятлар учун белгиланган тартибда жазо тайинлаш маълум маънода қасддан қилинган рецидив жиноят билан эҳтиётсизликдан қилинган жиноятлар учун жазо тайинлаш ўртасида ҳеч қандай фарқ белгиланмаган.

Фақатгина Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майда қабул қилинган “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарори ва 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорларида судларга рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашнинг айрим масалалари юзасидан тушунтириш бериб ўтилган. Умуман олганда жиноят қонунчилиги талабларидан ва рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашда судлар томонидан эътибор қаратиш лозим бўлган масалаларни ўз ичига олган мазкур қарорларда белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш кўрсатишимиз мумкин:

- *рецидив жиноят содир этилиши қонунда белгиланган асослар ва доирада оғирроқ жазо тайинланишига олиб келади.* Хусусан, ЖК Махсус қисмининг моддалари алоҳида қисмларининг санкциясида рецидив жиноят учун оғирлаштирувчи жазолар назарда тутилган;

- *рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашда судланганлик ҳолатининг инобатга олиниши лозимлиги.* Чунончи, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланиши рецидив жиноятни истисно этувчи ҳолат ҳисобланади;

- рецидив жиноят учун жазо тайинлашда охириги жиноят содир этилган вақтни аниқлашнинг муҳим аҳамият касб этиши. Рецидив жиноят деб топиш учун шахс томонидан муқаддам содир этган жинояти учун судлангандан сўнг янги жиноят содир этилганлиги талаб этилиши туфайли охириги жиноят содир этилган вақтни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга;

- рецидив жиноятлар учун табақалашган ёндашувдан келиб чиққан ҳолда жазо тайинланиши. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва муайян жиноятлар учун судланиш сонидан келиб чиқиб, қонун рецидив жиноятни уч турга - оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидивга бўлади. Оддий рецидив шахс қасддан содир этилган ҳар қандай жинояти учун судланганидан сўнг, у томонидан қасддан янги жиноят содир этилганда намоён бўлади. Оддий рецидив хавфли ва ўта хавфли рецидивдан фарқли ўлароқ, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида квалификация белгиси сифатида кўрсатилмаган ва фақат жазони оғирлаштирадиган ҳолат сифатида тан олинади ЖК 56-моддаси “н” банди). Хавфли рецидив жиноят деб топишни қонун шахсининг илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин унга айнан ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этиши билан боғлайди. Айнан ўхшаш жиноятлар деганда:

- шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган (агар моддада бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса);

- шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган (агар моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса, масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари) жиноятларни янгидан содир этиш тушунилиши лозим.

Жиноят қонунда алоҳида назарда тутилган айрим ҳолларда, шахс илгари судланган жиноятларга айнан ўхшаш бўлмаган янги жиноятнинг қасддан содир этилиши ҳам хавфли рецидив жиноят деб топилари (масалан, ЖК 118, 119, 189, 211, 212-моддалари иккинчи қисмлари, 213-моддаси учинчи қисми, 276-моддаси иккинчи қисми).

Жиноят кодекси 34-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ўта хавфли рецидив жиноят деб топиш учун янги содир этилган жиноятнинг нафақат оғирлиги, балки шахс илгари оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган бўлиши шартлиги ҳам аҳамият касб этади.

Бунда суд ҳар доим, ҳатто шахс кейинчалик жазодан озод қилинган ёки жазо енгилроғи билан алмаштирилган ҳолларда ҳам (ЖК 72-76-моддалари) суд томонидан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиши шарт, судланганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ҳоллар бундан мустасно.

Рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш масалаларининг жиноят қонунчилигида батафсил тартибга солинмаганлиги бугунги кунда Жиноят кодексини рецидив жиноят борасида жазо тайинлаш қоидаларини махсус тартибга солувчи алоҳида норма билан тўлдиришга доир ҳуқуқий эҳтиёж қуйидаги ҳолатлар туфайли юзага келади:

*Биринчидан*, ЖКнинг 60-моддасида айб шакли ҳамда содир этилганлиги учун суд бир неча ҳукм

бўйича жазо тайинлайдиган жиноятларнинг хусусияти фарқ қилинмайди. Шунингдек, янги таҳрирда ЖК 59-1-моддасини рецидив жиноят учун жазо тайинлаш – деб, белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида таърифланган барча ҳолларда судлар бир хилда қўллайдиган бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлаш қоидаларини турлича талқин этиш қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилган жиноят ўртасидаги фарқни йўқ қилади, такрорий ва рецидив жиноят хусусиятларини ҳисобга олмайди, ҳуқуқни қўллаш жараёнини мураккаблаштиради. Кассация тартибда кўрилган рецидив жиноят тўғрисидаги айблов ҳукмлари жазо тайинлашда хатога йўл қўйилганлиги сабабли бекор қилинган ҳоллар ана шундан далолат беради;

*Иккинчидан*, жазо бир неча ҳукм бўйича тайинланган ҳолларда ЖК 60-моддасини қўллаш чекловнинг йўқлиги, жазо тайинлашда мўлжалнинг йўқлиги ва юқори турувчи суд унинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшира олмаслиги туфайли қийинлашади;

*Учинчидан*, илгари содир этилган жиноят учун ҳукм қилингандан кейин қасддан янги жиноят содир этганлик ҳолларини қонун ҳужжатларини тартибга солиш хусусияти жазо тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда эҳтиёткорликни талаб этади. Чунки, айблов ҳукми қонуний кучга кирган-кирмаганига ва судланганлик ҳолати тугалланган ёки тугалланмаганлигига қараб, илгари содир этилган жиноят учун ҳукм қилингандан кейин қасддан содир этилган янги жиноятнинг ҳуқуқий мақоми ўзгаради. Масалан: 1) илгари жиноят содир этилгани учун чиқарилган айблов ҳукми қонуний кучга киргунча қасддан янги жиноят содир этилиши жиноятлар такрорийлиги ҳисобланади ва бу ҳол шахс жавобгарлигини квалификацияловчи ҳолат бўлмайди (махсус такрорийлик бундан мустасно); 2) илгари содир этилган жиноят учун айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин, лекин судланганлик ҳолати тугагунга (тайинланган жазо ўта бўлингунга) қадар қасддан содир этилган янги жиноят рецидив жиноят ҳисобланади; 3) илгари содир этилган жазо ўтаб бўлингунга қадар (судланганлик ҳолати тугагунга қадар, шу жумладан судланганлик ҳолати тугаши пайтида) қасддан содир этилган янги жиноят илк бор содир этилган жиноят деб баҳоланади. [10, 20-бет].

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида таъсир чорасини белгилашнинг жиноят-ҳуқуқий механизми акс эттирилган бўлиб, ўз навбатида ушбу модда жазо тайинлаш хусусиятларидан иборат хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноят белгиларини акс этиришга қодир эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, рецидив жиноят учун жазо тайинлашни 60-моддадан ажратилиши ушбу жиноятнинг моҳиятини тушуниш ва унга қарши кураш чораларини ташкил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Такроран содир қилинган талон-тарож жиноятларини квалификация қилиш. Илмий амалий қўлланма. “Қонун ҳимоясида” – Т.: 1999. – Б. 26.
2. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент. ILM ZIYO, 2005. – Б. 313.
3. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент. ILM-ZIYO, 2005. – Б. 315.
4. Рустамбоев М.Х., Тохиров Ф. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Схема. – Тошкент, 2002. – Б. 51.

5. Усмоналиев М.Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2005. –Б. 324.

6. Тохиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. – Тошкент, 2007. –Б. 10.

7. Аллаберганов. А.П. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик. – Тошкент, 2008. – Б. 71.

8. Нуриллоева З.З. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика рецидива преступлений по законодательству Республики Таджикистан: Автореф. дис. .... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2009. –С. 21.

9. Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2001. – Б. 11.

10 У.Ш.Умидуллаев “Жиноятга оид сиёсатнинг либераллаштирилиши шароитида рецидив институтнинг такомиллашуви”. Автореферат. 2002. –Б. 20.

**Д. Камалова,**  
ТДЮУ «Жиноят ҳуқуқи ва криминология»  
кафедраси катта ўқитувчиси

### ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Аннотация:** мақолада муаллиф жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг ҳуқуқий табиати юзасидан мулоҳаза юритиш асосида унинг жиноят қонунчилигидаги аҳамияти, ижтимоий зарурати ва жиноят ҳуқуқининг бошқа институтлари билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** жиноятдан ихтиёрий қайтиш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, қилмишга амалда пушаймон бўлиш, рағбатлантирувчи норма.

**Аннотация:** в данной статье автор рассуждая о правовой природе добровольного отказа от совершения преступления анализирует значимость добровольного отказа от совершения преступления в уголовном законодательстве, необходимость данного института, а также взаимосвязь с другими институтами уголовного права.

**Ключевые слова:** добровольный отказ, освобождение от уголовной ответственности, деятельное раскаяние, поощрительная норма.

**Annotation:** in this article the author dedicated the legal nature of voluntary renunciation, analyzed the significance of voluntary renunciation in the criminal law, the necessity for this institution and the relationship with the other institutions of the criminal law.

**Key words:** voluntary renunciation, discharge from criminal liability, active repentance, incentive rate

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 26-моддасига мувофиқ, шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек, жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

Фақат жиноят ҳуқуқи соҳаси учун хос бўлган мазкур институт ўзининг инсонпарварлик хусусияти билан диққатга сазовор. Чунки жиноятга шароит яратишга қаратилган ҳаракатлар бажарилган, жиноят содир этиш бевосита бошланиб, жиноий қилмиш амалга оширилганлигига қарамай, шахс жиноий фаолиятини давом эттиришдан воз кечган ҳолларда жавобгарликка тортилмайди.

Жиноят ҳуқуқида жиноятдан ихтиёрий қайтиш институтининг аҳамияти икки хил маънода тушунилади. “Аввало бу ҳуқуққа хилоф жиноий хулқ-атворни жиноий бўлмаган хулқ-авордан ажратувчи жиноят-ҳуқуқий институт ҳисобланади. Фақатгина жиноятдан ихтиёрий қайтишда у ёки бу қўшимча шартларсиз жавобгарлик истисно этилади. Иккинчидан, жиноят содир этмоқчи бўлган ёки жиноят содир этишга бевосита киришган шахсга жиноятни охиригача етказмаслик ва шу орқали аввалги содир этган ҳаракатларнинг ҳуқуқий аҳамиятини инкор этиш имконини беради” [1, 64-65-бет].

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Тамом бўлмаган

жиноятлар” бобида жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш тушунчаси билан бир қаторда, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тушунчаси ифодаланган. Шунинг учун бўлса керак, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг ҳуқуқий табиати юзасидан ягона фикр мавжуд эмас. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тамом бўлмаган жиноятнинг тури ҳисобланмайди, шу билан бирга айнан тамом бўлмаган жиноятлар бобида жойлашган. Бизнингча, бунинг сабаблари қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, 1926 ва 1959 йилги Жиноят кодексларида жиноятдан ихтиёрий қайтиш жиноятга суиқасд қилишнинг тури сифатида ифодаланиб, ихтиёрий қолдирилган суиқасд деб номланган;

иккинчидан, 1994 йилги Жиноят кодексига таъриф берилмаганлиги, нафақат, жиноятга тайёргарлик ва суиқасд, балки жиноятдан ихтиёрий қайтиш ҳам тамом бўлмаган жиноятнинг тури деган хулосага олиб келади;

учинчидан, жиноятдан ихтиёрий қайтиш қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар (жиноий жавобгарликнинг юзага келмаслиги) ва жавобгарликдан озод қилиш (жиноятдан ихтиёрий қайтгунга қадар жиноят таркиби элементларининг мавжудлиги, шахснинг пушаймонлиги) билан қатор ўхшашликларга эга.

Мазкур қарама-қаршиликларни олдини олиш мақсадида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг ҳуқуқий табиати юзасидан олимлар томонидан билдирилган фикрларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

*Биринчи гуруҳ* олимларининг қарашларига кўра, жиноятдан ихтиёрий қайтиш тамом бўлмаган жиноятнинг тури ҳисобланади. Хусусан, Н.К.Семернева тамом бўлган жиноий фаолиятни икки гуруҳга ажратган: 1) шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охиригача етказилмаган жиноят: жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш; 2) шахснинг ихтиёрига кўра тўхтатилган жиноят: жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш [2, 212-бет]. Шунга ўхшаш фикр Г.В.Назаренко томонидан ҳам билдирилган [3, 115-бет]. А.И.Ситникова бунга қўшимча равишда ихтиёрий қолдирилган тайёргарлик ва ихтиёрий қолдирилган суиқасд турларини келтирган [3, 116-бет]. А.П.Козлов фикрига кўра, “жиноятдан ихтиёрий қайтиш тушунчасида қўлланилган “жиноятни охирига етказиш мумкинлигини англаганлиги” жумласи жиноятдан ихтиёрий қайтгунга қадар жиноят содир этилганлиги ва жиноятдан ихтиёрий қайтиш натижасида қилмиш охирига етказилмаганлигини ифодалайди. Шунга кўра, жиноятдан ихтиёрий қайтиш тайёргарлик ва суиқасддан фарқланмайди” [4, 307-308-бет].

*Иккинчи гуруҳ.* “Жиноятдан ихтиёрий қайтиш ҳам, қилмишга амалда пушаймон бўлиш ҳам фаол тарзда турли мотивлар асосида амалга оширилган бўлиши мумкин. Шахснинг жабрланувчи билан ярашганлиги, келтирилган зарарни қоплаганлиги қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эмаслигини ифодалайди” [5, 29-30-бет]. Шунинг учун жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг тури ҳисобланади.

*Учинчи гуруҳ.* “Жиноятдан ихтиёрий қайтиш қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар билан умумийлик жиҳати мавжуд, яъни иккала

институтда ҳам жиноятни бевосита содир этиш вақтида жиноий жавобгарлик асоси мавжуд бўлмайди. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларда формал жиҳатдан содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)да жиноят таркиби белгилари мавжуд бўлиб, қилмиш содир этилиши натижасида жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга анча миқдорда зарар етказилади (масалан, жабрланувчининг ёки бир неча шахсларнинг ўлими, мулкчи зарар ва б.қ.). Гарчи қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатларда зарар етказилган бўлсада, қонун чиқарувчи шахснинг содир этган ҳаракатлари жамият учун фойдали эканлигини эътиборга олиб, жиноий жавобгарликни истисно этади” [6, 64-бет].

Бизнингча, аввало жиноятдан ихтиёрий қайтиш тамом бўлмаган жиноят тури ёки жиноят содир этишнинг босқичи ҳисобланмайди. Тамом бўлмаган жиноят шахсга боғлиқ бўлмаган объектив ёки субъектив сабабларга кўра яқунланмайди, жиноятдан ихтиёрий қайтишда эса шахс жиноятни охирига етказишга имкони бўла туриб, уни охиригача етказмайди, жиноят шахсга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра яқунланмайди. Шунингдек, тамом бўлмаган жиноятдан фарқли равишда, жиноятдан ихтиёрий қайтишда ижтимоий хавфлилик белгиси билан бирга айблилик белгиси мавжуд эмас.

Иккинчидан, жиноятдан ихтиёрий қайтиш қилмишга амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш билан ўхшаш бўлишига қарамай, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг тури ҳисобланмайди. Жиноятдан ихтиёрий қайтишда қилмиш содир этишдан пушаймонлик жиноят охирига етказилгунга қадар юзага келади, шахс жиноий оқибат юз бермаслигига қаратилган ҳаракатларни амалга оширади. Қилмишга амалда пушаймон бўлишда эса ижтимоий хавфли қилмиш амалга оширилган, хатто жиноий оқибат юз берган бўлади. Пушаймонлик ҳисси жиноят амалга оширилгандан сўнг юзага келади. Бундан ташқари, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун келтирилган зарар қопланган, жабрланувчи билан ярашилган ва энг асосийси биринчи маротаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган бўлиши лозим. Жиноятдан ихтиёрий қайтишда эса юқоридаги шартлар талаб этилмай, асосийси жиноий оқибат юз бермаган бўлиши лозим.

“Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳуқуқ-атворнинг ҳам фаол, ҳам пассив шаклларида ифодаланиши мумкин, айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиши эса ҳар доим фаол ҳуқуқ-атвордан иборат бўлади. Жиноят содир этишда чин кўнгилдан пушаймон бўлиш учламчи юридик табиатга эга бўлади ҳамда қуйидагиларда намоён бўлади: 1) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар (ЖК 55-модда 1-қисм); 2) шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари (ЖК 66-модда); 3) шахсни жиноий жазодан озод этиш асослари (ЖК 71-модда)” [7, 235-бет].

Учинчидан, жиноятдан ихтиёрий қайтиш қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат деб ҳисобланиши мумкин эмас. Қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатларда жиноят кодексига назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлсада, ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаганлиги ҳамда қонун билан қўриқланадиган объектларга зарар етказишнинг олди олинганлиги эътиборга олиниб, жавобгарлик истисно этилади.

Жиноятдан ихтиёрий қайтишда эса бундай асослар мавжуд эмас.

Шунингдек, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат бўлган зарурий мудофаа ва охириги зарурат бошидан охиригача фойдали фаолият бўлиб, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш эса ижтимоий хавфли фаолиятни тўхтатишда ифодаланади.

Бизнингча, жиноятдан ихтиёрий қайтиш шахснинг жиноий фаолиятини давом эттирмасликни рағбатлантирувчи норма бўлиб, жиноят содир этишнинг у ёки бу босқичдан (жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга содир этишга суиқасд қилиш) ихтиёрий қайтиш мумкинлиги туфайли тамом бўлмаган жиноятлар билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Жиноят якунланмаган, жиноий оқибат юз бермаган ҳоллардагина ихтиёрий қайтиш мумкинлиги туфайли мазкур норма Жиноят кодексининг “Тамом бўлмаган жиноятлар” бобидан ўрин олган. Бизнингча масалага бундай ёндашув тўғри ва асосли.

Бироқ мазкур фикрга А.С.Каюмов қарши бўлиб, жиноятдан ихтиёрий қайтиш рағбатлантирувчи норма ҳисобланмайди, деган фикрни илгари сурган. “Шахсни жавобгарликдан озод қилиш рағбатлантириш, кечирини ёки жазони енгиллаштириш хусусиятини ифодаламайди. Мазкур норма рағбатлантириш эмас, балки шахснинг содир этган қилмишида жиноят таркиби элементларининг йўқлиги, ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф эмаслигининг ҳуқуқий оқибати бўлиб ҳисобланади. Мазкур норманинг хусусияти, шахснинг онгида ахлоқий ва ҳуқуқий чекловларни фаоллаштириш ҳисобига жиноятни давом эттиришдан воз кечиш ва ихтиёрий қайтишга ундаш мотивини шакллантиришга туртки беради [1, 50-бет].

Фикримизча, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш шахснинг ижобий хулқ-атворини рағбатлантиришга қаратилган норма ҳисобланиб, асосий мақсади шахснинг жиноий фаолиятини тўхтатишга, ижтимоий хавфли оқибат юз бермаслигини олдини олишга қаратилган.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каюмов А.С. Добровольный отказ от совершения преступления и деятельное раскаяние по уголовному законодательству Республики Узбекистан. Дисс... канд. юрид.наук. –Т.: 1998. -169 С.
2. Уголовное право. Общая часть. Учебник для вузов. Под ред. И.Я.Козоченко и З.А.Незнамовой. М., 1999. -516 с.
3. Ситникова А.И. Неоконченное преступление и его виды. Дисс...канд.юрид.наук. – М., 2001. -190 с.
4. Козлов А.П. Учение о стадиях преступления. – СПб., Издательство “Юридический центр Пресс”, 2002. -353 с.
5. Сверчков В. Место добровольного отказа от преступления в системе уголовного законодательства // Уголовное право. 2001. №2. -С.29-30.
6. Якубович М.И. Обстоятельства, исключающие общественную опасность и противоправность деяния. М., 1998. -164 с.
7. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр) / Кабулов Р, Отажонов А.А. ва бошқ. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2012. -482 б.

Ф.Рамазонава,  
ТДЮУ кафедраси ўқитувчиси

### ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА СУД- ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛИ СИФАТИДА АЙБЛАНУВЧИНING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини тўғри тушуниш, қабул қилинаётган қонунлар мазмунини баҳолаш ва уларнинг бошқа ҳуқуқий нормаларга бўлган таъсири, шунингдек, айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан қонунчиликни қиёсий таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикасидаги жиноий иш юритишни ислоҳ қилиш жараёнини илмий тадқиқ этиш, унинг асосий йўналишларини белгилаш ва унинг истиқболдаги ривожланиш йўллари прогнозлаштириш амалга оширилади.

**Калит сўзлар:** суд-ҳуқуқ ислохотлари, айбланувчи, айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**Аннотация:** в данной статье исследуются вопросы правильного понимания сущности реформ, осуществляемых в Республике Узбекистан, оценки содержания принимаемых законов и их влияние на другие правовые нормы, а также вопросы прав и обязанностей обвиняемого.

Автор проводит сравнительный анализ законодательства, изучает процесс реформирования уголовного судопроизводства в Республике Узбекистан, выделяет его основные направления и прогнозирование путей его дальнейшего развития.

**Ключевые слова:** судебные-правовые реформы, обвиняемый, права и обязанности обвиняемого.

**Annotation:** the article explores the issues of correct understanding of the reforms implemented in Uzbekistan, evaluation of the content of laws and their impact on other legal provisions, as well as problems of rights and obligations of accused.

The author carries out a comparative analysis of the legislation, the scientific study of the process of reforming the criminal justice system in Uzbekistan, highlighting its basic directions and ways to predict its further development.

**Key words:** judicial-legal reforms, accused, rights and obligations of accused.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бу-гунги кунда демократик ислохотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда бошланган туб ўзгаришлар, албатта, ўз мантикий якунига етказилади, деб айтиш учун барча асосларимиз бор” [1, 34-бет].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига мувофиқ, айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Унга тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. «Ҳар бир шахс ўзига қўйилган айблов унинг иштирокида кўриб чиқилишига ва шахсан ўзи ёки ўзи танлаган ҳимоячи ёрдамида ҳимояланиш ва у етарли миқдорда маблағи

бўлмаганлиги сабабли ҳимоячига эга бўлмаган тақдирда ва буни суд манфаатлари тақозо этган вазиятларда унга бепул ҳимоячи тайинланиши ва бу каби ҳуқуқларидан хабардор қилиниш ҳуқуқига эга». Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14-моддасининг 3-қисм «d» банди.

Бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганини яққол кузатишимиз мумкин.

Айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши принципи айбланувчининг, процессуал ҳуқуқлар тизимининг, суд, суриштирув, тергов ва прокуратура органларининг ушбу ҳуқуқлар рўёбга чиқарилишининг ҳақиқий имкониятини яратиш мажбурияти билан уйғунликда ўзининг чуқур ва амалий ифодасини топади.

Агар шахсан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан ёхуд уларнинг илтимосига кўра ёки уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг талаби бўйича ҳуқуқий маслаҳатхона раҳбари суриштирувда, дастлабки терговда ёки ишни судда муҳокама қилишда иштирок этиш учун ҳимоячи тайинлаши шарт.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва оқланган шахснинг ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишда асос қилиб олинувчи принциплардан бири бўлиб, иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли қарор қабул қилинишини кафолатлайди. Тарихда суриштирув ва тергов ўртасида аниқ чегаралар бўлмаганлиги сабабли, ушлаб туриш ва ҳибсга олиш бир-биридан фарқланмаган [2, 91-бет]. Ушлаб туриш ва ҳибсга олиш тушунчалари бир қатор замонавий хорж мамлакатлари қонунчилигида ҳам ўзаро аниқ фарқланмайди [3, 279-бет]. Жумладан, Франция жиноят процессида ушлаб туриш икки қисмдан иборат: биринчиси – қамоқда қолдириш унинг статистик хусусияти; иккинчиси – ҳибсга олиш эса, шахсни ушлаш ва уни полиция ёки жандармерия бўлимига келтиришгача бўлган ёхуд ундан олиб кетиш жараёни, ушлаб туришнинг динамика хусусияти ҳисобланади. Умуман, қамоққа олиш масаласини ҳал қилгунга қадар инсон эркинликларининг чекланиши ҳибсга олиш деб аталади [4, 51-бет].

Қонунга кўра (ЖПК 24, 64-моддалари), жиноят ишини юритишга масъул барча давлат органлари ва мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья) айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтиришлари ва ўзига тегишли ҳимоя ҳуқуқидан амалда фойдаланиши учун реал шароит яратиш беришлари шарт. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар албатта синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиши зарурлиги ҳақидаги қонун талабларига оғишмай риоя этишлари, айбланувчини нафақат фош этадиган, балки оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини энгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни ҳам аниқлашлари шарт.

Жиноят-процессуал кодексининг айбланувчига унинг ҳимоячи олиш, айнан нимада айбланаётганлигини билиш ҳуқуқини кафолатловчи 46, 48-моддалари

талабларига қатъий риоя қилиниши зарурлигига қаратилсин.

Шунинг учун, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов хулосасида ва суд ҳукмида Жиноят-процессуал кодексининг 360, 361, 379, 467-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқ баён этилиши керак.

Шуни назарда тутиш лозимки, ҳимоячининг суд иши юритилаётган тилни билмаслиги ҳам унинг ишда иштирок этишига монелик қилмайди. Бу ҳолда у ЖПК 20-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ таржимон билан таъминланиши керак.

Қонунга мувофиқ, иш бўйича ЖПК 51-моддасида кўрсатилган ҳоллар мавжуд бўлганда, унда ҳимоячининг иштироки шарт эканлиги белгиланган бўлиб, бу талабга риоя этмаслик жиноят-процессуал қонуни нормаларини жиддий бузиш деб ҳисобланади.

Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмаслиги мумкин, агар у:

вояга етмаган бўлса;

жисмоний нуқсон (кар, соқов, кўр ва ҳ.к.) ёки руҳий касаллиги туфайли ўзини ўзи ҳимоя қилишга қийналса;

судлов иши юритилаётган тилни билмаса;

умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган бўлса.

Суриштирувчи, терговчи, суд (судья), ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини ўзи амалга оширишига қийинчилик туғдириши мумкин деган хулосага келса, ҳимоячидан воз кечиш тўғрисидаги аризани рад этиши мумкин.

Ҳимоячидан воз кечиш тўғрисидаги аризининг қаноатлантирилганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида белгиланган намунада баённома тузилади ҳамда у айбланувчи, ҳимоячи ва суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланади. Агар айбланувчи, ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган бўлса, ҳимоячи у билан қонунга кўра, (ЖПК 53-моддасининг иккинчи қисми, 215-моддасининг учинчи қисми) сони ва давомийлиги чегараланмаган ҳолда яккама-якка (холи) учрашиш ҳуқуқига эга.

Қонун талабига кўра (ЖПК 17, 88-моддалари) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) айбланувчининг шаъни ва қадр-қимматини камситишга ҳақли эмас.

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қўриқланиши таъминланиши керак.

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш қатъиян ман этилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1984 йил 10 декабрда қабул қилган «қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция»га кўра «қийноқ» ҳар қандай тусдаги шундай ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсни кўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс ёки уларнинг гижгижлаши билан ёки уларнинг

хабардорлигида ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситишга асосланган ҳар қандай сабаб бўйича қасддан кучли оқриқ ёки жисмоний ёхуд маънавий азоб берилади.

Қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас.

Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт. Юридик адабиётларда ҳибсга олиш тўғрисида турли фикрлар билдирилган. Бу тўғрида А.Н.Ахпанов ва Г.Х.Насыровлар шундай деб ёзадилар: “Ҳибсга олиш – бу жиноят-процессуал мажбурлов чораси (эҳтиёт чораси) бўлиб, у айбланувчининг (алоҳида ҳолларда гумон қилинувчининг) эркинликларини дастлабки ва вақтинча чеклашдан, яъни жиноий таъқиб органлари ёки суд томонидан жиноий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал асос ва шартлар мавжуд бўлганда жиноят-процессуал қонунда кўзда тутилган тартибда, жиноят судлов вазибаларини ҳал этиш мақсадида қўлланадиган дастлабки қамоқ жойларида жамиятдан ажратилган ҳолда сақлашдан иборат”, [5, 11-бет] деган таърифлар ҳам берилган. Биз, бу борада, ушлаб турилганларни ҳибсга олиш масаласини ҳал этишда турли мамлакатлар қонунчилигини ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштиришни тақлиф этаётган муаллифлар фикрларини маъқуллаймиз [6, 103-бет]. Суриштирувнинг ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга хилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир муурожаат факти бўйича арз қилинган ваъжларини синчиклаб текшириш, шу жумладан, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текширишлари ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши кўзқатишга қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар кўришлари шарт.

Қонунга мувофиқ (ЖПК 20, 51, 487-моддалари) қуйидаги ҳоллар айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланади, агар:

унинг ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;

қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлган иш ҳимоячининг иштирокисиз тергов қилинган ёки судда кўрилган бўлса;

манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлган бир неча шахснинг ҳуқуқлари битта ҳимоячи томонидан ҳимоя қилинган бўлса;

дастлабки тергов тамомлангандан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган бўлса ва қоидабузарлик суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;

айбланувчига айблов ҳулосаси топширилмаган бўлса;

ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи сўзлаш учун имконият, шунингдек, охириги сўз берилмаган бўлса;

иш судланувчининг иштирокисиз кўрилган бўлса (ЖПК 410- моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

ишни юриштишни истисно этадиган ҳолатлар мавжуд бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса.

Иш бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг аниқланиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Бундан ташқари, суд тарафлар айблов моҳияти ва иш ҳолатлари юзасидан ўз ваъжларини баён қилаётганда уларнинг музокарасини муайян муддат билан чеклаб қўймаслиги керак.

Ҳулоса ўрнида қуйидагича қонун нормаларини такомиллаштиришга оид тақлифлар ва тергов амалиётини такомиллаштиришга доир тавсиялар бериш мумкин, яъни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг моҳияти дастлабки терговда шахсни айбланувчининг бошланганлиги ҳисобланади. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг мазмуни шу хусусида қарор қабул қилишдан иборат. Жиноят ишида шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг фактик, инфорацион ва юридик асослари кўрсатилиши тўғрироқдир. Фактик асослар муайян процессуал ҳаракатни амалга оширишда исбот қилишнинг локал предмети, яъни аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси тушунилади. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг инфорацион асослари деганда, фактик ҳолатларни аниқловчи далиллар, бошқа маълумотлар, презумпциялардан, преюдициялар, ҳаммага маълум фактлар назарда тутилади. Юридик асослар эса, қарорни қабул қилишнинг асослари ва тартибини назарда тутувчи ҳуқуқ нормаларини англатади. Жиноят ишида шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг қуйидаги шартлари кўрсатилди: а) кўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги; б) айбланувчи тариқасида жалб қилишнинг ваколатли субъект, яъни терговчи ва прокурор томонидан амалга оширилиши; в) жиноят ишини юриштиши монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги; г) айбланувчи тариқасида жалб қилиниши кўзланаётган шахс жавобгарликка тортилишини истисно қиладиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги; д) иммунитетга эга бўлган шахсларни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун тегишли органлардан розилик олиниши. Дастлабки тергов босқичида жиноят ишида кейинчалик айбланувчи томонидан жалб қилинишига сабаб бўлмаган бошқа жиноятлар ҳам содир этилганлиги аниқланганда, шунингдек, мазкур иш билан боғлиқ ҳали жалб қилинмаган шахсларнинг жиноятни содир этишда иштироки аниқланганда янги жиноят иши кўзғатиш шарт эмас. Айблов ҳажмига кўра:

а) тўлдирилиши;

б) бир қисми чиқариб ташланиши ва

в) янги мазмундаги айблов билан алмаштирилиши мумкин.

Айбловни ўзгартиш айбловнинг таркибига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) айбловнинг фактик томонининг ўзгартирилиши ва тўлдирилиши;

б) айбловнинг юридик томонининг ўзгартирилиши ва тўлдирилиши.

Айблов мазмунига кўра:

а) жавобгарликни оғирлаштирувчи томонга ва

б) жавобгарликни енгиллаштирувчи томонга ўзгартирилиши мумкин. ЖПК 46-моддасида “ўзи

иштирок этган ҳар қандай тергов ҳаракати ўтказилгани ҳамано, мазкур тергов ҳаракати баённомасидан нусха олиш" ҳуқуқи эътироф этилиши тақлиф қилинди. ЖПК 110-моддасининг биринчи қисмини "Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган, мажбурий келтирилган ёки айб эълон қилингандан кейин, дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиниши керак" тарзида баён қилиниши керак.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов. «Адолат - қонун устуворлигида». Халқ сўзи. 2001 йил 29 август сони.
2. И.А.Каримов. Конституция — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишининг ҳуқуқий пойдевори. Халқ сўзи. 2003 йил 6 декабрь сони.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2012 йил. Т.
4. Ўзбекистон Республикаси кодекслар тўплами (2013 йил 1 мартгача қўшмча ва ўзгаришлар). Т. – Адолат. 2013 й.
5. "Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Халқ сўзи». 2001 йил 18 октябрь сони.
6. Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленумининг 2002 йил 14 июндаги қарори.

**Ф.М.Файзиев,**

Старший преподаватель кафедры «Государственное строительство и право» УМЭД, д.ю.н

**С.А.Гафурова,**

Самостоятельный исследователь УМЭД

#### К ВОПРОСУ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ КОНСУЛЬСКИХ ФУНКЦИЙ ПО ЗАЩИТЕ ПРАВ ГРАЖДАН: КОНСУЛЬСКИЙ УЧЕТ

**Аннотация:** в статье раскрывается одна из сторон консульской деятельности современного государства, в части защиты граждан, временно или постоянно находящихся за рубежом, функции консульского учреждения по обеспечению консульского учета, приводятся предложения о необходимом, на взгляд авторов, введении дополнительных рычагов и правил для эффективного выполнения государством обязанности по защите своих граждан за рубежом.

**Ключевые слова:** консул, консульский округ, консульский учет, правовая помощь, защита граждан.

**Annotation:** the article deals with one of the sides of the consular activity of the modern state, protection of citizens permanently or temporarily residing abroad, the functions of the consular post to ensure consular registration, contains proposals on necessary, in the opinion of the authors, the introduction of additional levers and regulations for the effective implementation of the state duty to protect its citizens abroad.

**Key words:** consul, consular district, the consular registration, legal protection, protection of citizens.

**Аннотация:** мақолада ҳозирги кунда консуллик фаолиятининг муҳим жиҳати Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлатда доимий ва вақтинча бўлиб турган вақтларида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдам масаласи, консуллик рўхатининг юритилиши ва унинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ҳуқуқий аҳамияти кенг ёритилган. Мақолада консуллик рўйхатига туришда фуқароларнинг ўзлари ҳам фаол бўлишлари лозимлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** консул, консуллик округи, консуллик рўйхати, ҳуқуқий ёрдам, фуқароларни ҳимоя қилиш.

Защита прав и законных интересов граждан Республики Узбекистан – в числе приоритетов нашего государства. Сегодня наша правовая доктрина основана на иных, демократических принципах. В соответствии с Конституцией Узбекистана, прежде всего, обеспечивается приоритет прав человека. Человек является главным объектом защиты [1].

Понятие «защита граждан» в виде консульского обслуживания на территории другого государства в современных условиях приобретает новое, особое значение [2].

Постепенно, многие страны развивают свое национальное законодательство в данной области, тем самым формируя своего рода правовую доктрину, согласно которой государство в случае неправомерного обращения с его гражданами, проживающими в другом государстве (например, арест без законных оснований или посягательство на жизнь, собственность и др.), вправе прибегнуть к международно-правовым средствам, в целях защиты своих граждан и восстановления их нарушенных

прав и интересов. Здесь безусловным элементом является правовой статус защищаемых граждан [3].

По данным Интерпола ежегодно тысячи граждан государств Центральной и Восточной Европы, стран СНГ и других регионов становятся жертвами торговли людьми, экономической или сексуальной эксплуатации. По оценкам европейских специалистов, во всем мире жертвами торговли людьми становятся около 2-3 млн. человек ежегодно. Транснациональный характер этой проблемы означает, что страны происхождения, транзита и назначения должны работать в партнерстве, чтобы предотвращать эти преступления и защищать их жертвы.

Узбекские граждане, находящиеся за границей, пользуются защитой и покровительством Узбекистана. Согласно статье 22 Основного Закона Республика Узбекистан гарантирует правовую защиту и покровительство своим гражданам как на территории Республики Узбекистан, так и за ее пределами. Закон о гражданстве Республики Узбекистан определяет постоянную политико-правовую связь лица и государства, находящую выражение в их взаимных правах и обязанностях, при которых государство осуществляет защиту прав, свобод и интересов своих граждан, в том числе и за его пределами.

Обязанность государства, его дипломатического представительства и консульского учреждения, а также их должностных лиц, принимать меры, чтобы граждане Узбекистана имели возможность пользоваться в полном объеме всеми правами, предоставленными законодательством страны пребывания, международными договорами, участниками которых являются Республика Узбекистан и государство пребывания, международными обычаями в установленном законодательством порядке защищать их права и охраняемые законом интересы, а при необходимости, принимать меры для восстановления нарушенных прав граждан Узбекистана [4].

Консульским уставом Республики Узбекистан (статья 3) определено, что консульские учреждения защищают за границей права и интересы граждан и юридических лиц Республики Узбекистан. Согласно статье 23 данного Устава консул обязан принимать меры, чтобы граждане и юридические лица Республики Узбекистан пользовались всеми правами, предоставленными им законодательством государства пребывания и международными договорами, участниками которых являются Республика Узбекистан и государство пребывания, а также международными обычаями.

Сегодня консульская служба Республики Узбекистан осуществляет принципиально новые мероприятия, касающиеся координации усилий различных служб по вопросам поездок граждан, противодействия нелегальной миграции и др. Проблематика консульской службы довольно сложна, специфична и конкретна. Порой консульскому работнику приходится решать важные практические вопросы и принимать самостоятельные решения, при этом приходится полагаться только на свои знания и собственный опыт [5].

Кроме того, активно расширяются консульские функции, появляются новые задачи, не прописанные ни Консульским уставом, ни актами действующего законодательства, в том числе международными договорами Республики Узбекистан, например, от оказания материальной помощи узбекским гражданам, находящимся за границей и до обеспечения сохранности воинских захоронений.

Как всем известно, в настоящее время за рубежом постоянно проживает или временно пребывает значительное число узбекских граждан. По официальным статистическим данным за 2015 год, за пределами Республики Узбекистан постоянно находятся 82885 граждан, а также 56238 граждан выехали за рубеж в целях трудового заработка. Однако официальные данные далеко расходятся с фактическими, по которым лишь в Российской Федерации количество мигрантов из Узбекистана 3,3 миллиона человек [6].

Консул информирует временно находящегося в консульском округе граждан Республики Узбекистан о законах и других нормативных актах государства пребывания, а также о местных обычаях. Распоряжения консула по вопросам, касающимся пребывания граждан Республики Узбекистан за границей, имеют для них обязательную силу [7].

Дипломатические представительства Республики Узбекистан ведут учет детей – граждан Республики Узбекистан, которые находятся за рубежом без сопровождения законных представителей ребенка, и принимают меры по их возвращению [8].

В соответствии с пунктом 6 статьи 32 Закона «О гражданстве Республики Узбекистан» Министерство иностранных дел, дипломатические представительства и консульские учреждения Республики Узбекистан ведут учет граждан Республики Узбекистан, постоянно проживающих за границей. Статья 25 Консульского устава Республики Узбекистан возлагает на консула ведение учета временно и постоянно проживающих в консульском округе граждан Республики Узбекистан.

Общее правило принятия на консульский учет гражданина требует проверить правовой статус регистрируемого лица, в первую очередь, это наличие в паспорте штампа или стикера разрешительной записи на временный выезд, а также подтверждение легальности пребывания в обслуживаемом округе – то бишь наличие действительной въездной визы, соответствующего вида на жительство, трудового соглашения или контракта, грин-карты и т.п.

Граждане Республики Узбекистан регистрируются в том консульском учреждении Республики Узбекистан, на территории консульского округа которого они проживают. На временный консульский учет принимаются граждане Республики Узбекистан, выехавшие в заграничную командировку, на учебу или по частным делам на срок свыше шести месяцев. По истечении срока действия визы на пребывание, консул, по мере возможности, уточняет вопрос о выезде гражданина на родину, такое уточнение осуществляется сугубо с целью снятия с временного учета.

Основанием для снятия с консульского учета также служат: (а) возвращение гражданина на родину в связи с окончанием срока трудового контракта, учебы или служебной командировки; (б) копия обратного авиа или железнодорожного билета; (в) смерть гражданина; (г) уведомление о подаче заявителем документов для получения разрешения на постоянное место жительства (далее – ПМЖ) в государстве пребывания. Со дня получения из МИД положительного ответа о выезде гражданина на ПМЖ, лицо переводится с временного на постоянный консульский учет.

На постоянный Консульский учет консул принимает при наличии в паспорте действительного стикера подразделения въезда, выезда и оформления гражданства (далее – ВВиОГ) о выезде на ПМЖ (для стран СНГ – наличие штампа снятия с учета (выписки) в паспорте и

листка убытия с указанием страны, в которую гражданин выезжает) и предъявления документального подтверждения о разрешении властей на пребывание.

Надо подчеркнуть, что данные о ребенке (возраст до 16 лет) вписываются в регистрационную карточку одного из родителей, вклеивается фотография ребенка и прилагается копия свидетельства о рождении ребенка.

При постановке на консульский учет без личной явки заявитель должен быть предупрежден, что за утерю документов на почте консульское учреждение не несет ответственности. Для получения «Порядка постановки на консульский учет без личной явки» и регистрационной карточки заявитель должен прислать маркированный конверт с обратным адресом в консульское учреждение Республики Узбекистан.

Чтобы стать на консульский учет без личной явки заявитель должен обратиться в ближайшую нотариальную контору, подготовить пакет документов, и затем направить его заказным письмом в адрес загранучреждения. Пакет должен включать в себя: подробно заполненную учетную карточку с вклеенной фотокарточкой заявителя, скрепленной печатью нотариуса; копию всех страниц паспорта заявителя, листка убытия (для стран СНГ) также заверенные нотариусом; справку с места жительства с приклеенной к ней фотографией заявителя; квитанцию об оплате консульских сборов; паспорт заявителя; маркированный конверт с обратным адресом нотариуса.

Основанием для снятия с постоянного консульского учета служит: факт смерти гражданина, переезд из консульского округа, выход из гражданства Республики Узбекистан. В этих и других случаях консульская служба взаимодействует с правоохранительными органами на уровне исполнения части функций правоохранительных органов представляемого государства [9].

Учитывая сегодняшнее развитие коммуникаций, а также современные требования к внедрению в органах государственной власти технологии удаленного обращения, в том числе в режиме онлайн, целесообразно было бы исключить вышеуказанную процедуру удаленной регистрации через нотариуса и ввести в практику загранучреждений технологии, соответствующие современным реалиям.

Действующее законодательство содержит некоторые нормы ответственности, непосредственно связанные с необходимостью постановки на консульский учет. Так, согласно ст.21 Закона Республики Узбекистан «О гражданстве Республики Узбекистан», если лицо, постоянно проживающее за границей, не встало на консульский учет без уважительных причин в течение пяти лет, то гражданство Республики Узбекистан утрачивается.

Обязанность регистрации при нахождении вне пределов своей страны введена для граждан Алжира. Обязанность сопровождается правилами из законодательной базы государства, списком необходимых для регистрации документов (в том числе для несовершеннолетних, незамужних, вдов и разведенных), видом оплаты. В итоге алжирский гражданин самостоятельно несет ответственность и риски своего пребывания за рубежом в случае не соблюдения требования о консульской регистрации.

Аналогичная обязанность возлагается на граждан Швейцарии, находящихся за границей свыше 90 дней, и как понимается из презентации услуг по регистрации на сайтах загранучреждений этой страны, то в случаях отказа в регистрации, Швейцарское представительство

снимает с себя обязанность в помощи своим гражданам в контактах с местными органами власти.

Следуя политической линии каждого правового государства, в соответствии с которой главное – это человек и его права, не стоит пренебрегать концепции, что каждое государство вправе вводить правила, а также требовать их соблюдения пребывающими на их территории мигрантами.

Право на свободу передвижения, выбор места пребывания и жительства является основной составляющей правового статуса любой категории мигрантов и закреплено во многих фундаментальных международных актах по правам человека как универсальное, не ограниченное по кругу лиц. В то же время право на свободу передвижения не является абсолютным.

Целью консульской политики демократического и правового государства является объединение и слаженное функционирование всех механизмов государственного воздействия как единого целого. Современное состояние науки консульского права свидетельствует о серьезных пробелах, которые требуют адекватного восполнения для обеспечения эффективного осуществления государствами, в первую очередь, консульских функций. В частности, необходимо уделить должное внимание разработке научных аспектов новых для отечественной правовой практики институтов как консульский учет своих граждан, добровольное и принудительное возвращение и, соответственно, разработать соответствующую нормативно-правовую базу.

На основе вышеизложенного, предлагаем:

1) ввести обязательный инструктаж (памятку) для граждан, выезжающих на постоянное место жительства, учебу и по другим причинам за границу, о важности постановки на консульский учет в период нахождения за рубежом;

2) широко и повсеместно напоминать и распространять необходимую информацию о целесообразности своевременном консульском учете при продолжительном пребывании за границей (на веб-сайтах дипломатических представительств и консульских учреждений Республики Узбекистан, туристических агентств, путевках и приглашениях, авиа и железнодорожных билетах, в отделениях милиции при снятии с учета по месту жительства, кадровых службах предприятий и организаций, направляющих своих работников в командировки на длительный период, в махаллях и сходах граждан);

3) для консульского учета граждан Узбекистана временно или постоянно находящихся в странах, в которых отсутствует загранучреждение и это государство не входит в консульский округ, отведенный одному из консульских учреждений Республики Узбекистан для выполнения консульских функций, обеспечить возможность дистанционной регистрации, в том числе постановки на консульский учет в онлайн-режиме в Консульском управлении Министерства иностранных дел Республики Узбекистан.

#### Список литературы:

1. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Том 10. «Узбекистан». – Т., 2001. –С.429.
2. Гафурова С.А. Обеспечение защиты прав и интересов граждан как основная функция консула Республики Узбекистан // Международные отношения. – Т.: ЖИДУ, 2015. №4. ISSN 2010-6203. – С. 64-68.
3. Тарасова Л.Н. Правовые основания использо-

вания силы государствами для защиты своих граждан за рубежом. Современное право. № 1/2013.

4. Закон Республики Узбекистан «О гражданстве Республики Узбекистан» (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1992 г., № 9, ст. 338; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 51, ст. 514; 2015 г., № 32, ст. 425).

5. Институт консульской службы и консульского права Республики Узбекистан. Авторский коллектив под руководством д.ю.н., проф. И.Хамедова. – Ташкент: УМЭД, 2009.

6. <http://vku-org.ru> сайт ВКУУ.

7. Консульский устав Республики Узбекистан (Собрание законодательства Республики Узбекистан 2010 г., № 37, ст. 313).

8. Ст. 14 Закона Республики Узбекистан о гарантиях прав ребенка (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 1-2, ст. 1, 2009 г., № 52, ст. 554).

9. Гафурова С. Взаимодействие консула с правоохранительными органами представляемого государства в обеспечении защиты прав граждан за рубежом. Consuls' interaction with law enforcement authorities of sending state in protecting the rights of citizens in abroad// «European science». 2016. №6 (16). – С 77-79.

**Н.Рахмонкулова,**

Тошкент давлат юридик университети  
катта илмий ходим-изланувчиси,  
юридик фанлар номзоди

#### **ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ КОМПЛЕКС АВТОНОМ КОДИФИКАЦИЯСИДА ҲИМОЯВИЙ ИЗОҲЛАР**

**Аннотация:** мазкур мақолада халқаро хусусий ҳуқуқ комплекс автоном кодификацион ҳужжатида ҳимоявий изоҳларни қўллаш аҳамияти оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ институти мисолида таҳлил қилинган. Мақолада оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ институтининг салбий ва ижобий концепциялари, турли мамлакатлар қонунчилигида мазкур институтни шакллантиришда қонун чиқарувчининг ёндашуви ҳамда ҳақиқатдан халқаро оммавий тартиб ва ички оммавий тартибнинг бир биридан фарқи атрофлича тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** ҳимоявий изоҳлар, оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ, ҳақиқатда халқаро оммавий тартиб, трансмиллий оммавий тартиб, ички оммавий тартиб.

**Аннотация:** в данной статье проанализировано значение применения защитных оговорок в комплексном автономном кодификационном акте международного частного права на примере института оговорки о публичном порядке. В статье подробно исследованы негативные и позитивные концепции оговорки, позиция законодателя при формировании данного института в законодательстве разных государств, а также отличие действительно международного публичного порядка от внутреннего публичного порядка.

**Ключевые слова:** защитные оговорки, оговорка о публичном порядке, действительно международный публичный порядок, транснациональный публичный порядок, внутренний публичный порядок.

**Annotation:** this article analyzes the importance of applying the protective clauses in complex autonomous act of codification of international private law on the example of the institute of the public policy. The paper studied in detail the positive and negative concept of clause, the legislator's position in the formation of this institution in the legislation of different countries, as well as unlike truly international public policy from domestic public policy.

**Key words:** protection clauses, clause on public policy, a truly international public policy, transnational public policy, domestic public policy.

Немис олими Г.Кегель “халқаро хусусий ҳуқуқнинг адолатчилиги” ғоясини ривожлантирган ҳолда, коллизия нормаларнинг асосий вазифаси учта манфаатларнинг мувофиқлаштирилиши, деб ҳисоблаган: тарафлар, халқаро савдо ва ҳуқуқ тартиботнинг манфаатлари[1, 15-бет].

Халқаро хусусий ҳуқуқда шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг адолатли мувофиқлиги, асосан оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ, ўта қатъий нормалар ва қонунни четлаб ўтишнинг тақиқланиши ёрдамида эришилади. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг мазкур механизмлари ўзида давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тузилишининг асос тамойилларини ва одоб-ахлоқ тамойилларини ҳимоя қилиш мақсадида чет эл ҳуқуқини қўллашдан бош тортиш ва эрк мухториятини чегаралашнинг алоҳида ҳолатларини акс эттиради. Мазкур мақола доирасида халқаро хусусий ҳуқуқ

комплекс автоном кодификацияон ҳужжатида ҳимоявий изоҳларни қўллаш оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ институти мисолида таҳлил қилинган.

Доктринада оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ тамойилининг салбий ва ижобий концепциялари мавжуд бўлиб, изоҳнинг салбий варианти рус олими Л.А.Лунц томонидан шакллантирилган. Унинг таъкидлашича, оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ чет эл ҳуқуқига ҳавола қилувчи миллий коллизия норма қўлланилишини чеклайди. Чет эл ҳуқуқ нормалари, агар уларни қўллаш оқибатлари мазкур давлатнинг оммавий тартибига зид келса, қўлланмайди. Халқаро хусусий ҳуқуқда оммавий тартибнинг асосий вазифаси чет эл ҳуқуқининг қўлланилишини чеклашдир [2, 269, 270, 286-бетлар]. Биринчи марта оммавий тартибнинг салбий концепцияси Германия ФТ Кириш Қонунининг 30-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, “Чет эл қонунини қўллаш истисно қилинади, агар ушбу қўллаш яхши феъл ва герман қонунининг мақсадига зид бўлса”.

Л.А.Лунц оммавий тартиб ижобий концепциясининг мазмунини, миллий-ҳуқуқий нормаларнинг муайян мажмуи ўзига хос хусусиятлар эвазига чет эл қонунининг қўлланилишини бартараф этиши, дея талқин қилган. Изоҳнинг мазкур варианти, ҳатто коллизия норма бошқа ҳуқуқ тартиботни ваколатли деб ҳисобласа-да, давлатнинг “ижтимоий ва ахлоқий асосларининг ҳимояси учун муҳим аҳамиятга” эга бўлган миллий нормаларнинг қўлланилиши шартлигини назарда тутди [2, 274-бет]. Биринчи мартта оммавий тартибнинг ижобий концепцияси Француз Фуқаролик кодексининг 6-моддасида шакллантирилган: “Хусусий келишувлар ёрдамида оммавий тартиб ва яхши феъл манфаатларига кирадиган қонунлардан чекиниш мумкин эмас”.

Халқаро хусусий ҳуқуқ бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уни ички ва “ҳақиқатдан халқаро оммавий тартиб”дан фарқлаш зарур. Ички оммавий тартиб ички давлат муносабатларини тартибга солиш борасидаги зарурий қоидаларни ташкил қилади. “Ҳақиқатдан халқаро оммавий тартиб” “дунё ҳамжамиятининг тизимини ташкил қилувчи қимматликларини” қамраб олади ва ўзида халқаро оммавий ҳуқуқда оммавий тартибни акс эттиради [3, 28-бет].

Ю.Г.Морозова “ҳақиқатдан халқаро” ва “трансмиллий оммавий тартиб” [3, 28-бет] тушунчаларининг айнанлигини таъкидласа, С.В.Крохалев мазкур атамаларни қўлланилиш доираси нуқтаи назаридан ажратади. “Ҳақиқатдан халқаро оммавий тартиб” тушунчасини давлат судьяси қўллайди. “Трансмиллий оммавий тартиб” билан халқаро тижорат арбитражи алоқада бўлади. Ҳакамлик судьяси чиқарилаётган қарорнинг юқори даражадаги самарадорлигини таъминлашга ҳаракат қилади, шу сабабли нафақат умум тан олинган халқаро тамойилларга, балки қарор тан олиниши лозим бўлган давлатларнинг оммавий тартибига ҳам мурожаат қилишга мажбур. Трансмиллий оммавий тартиб унинг халқаро тижорат арбитражи эҳтиёжларига мослашуви мақсадида “ҳақиқатдан халқаро оммавий тартиб” “кристаллизацияси” йўли билан шакллантирилади [4, 163-165, 168, 171, 186-187-бетлар].

С.В.Крохалев трансмиллий оммавий тартиб элементлари орасида шартномаларнинг бажарилиши шартлиги тамойилини, коррупциянинг ва уни бузувчи келишувларнинг ман этилишини, инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлари, нотижорат муомаладаги муайян ашёларнинг тан олиниши (масалан, атом қуроли), жараёнларнинг фундаментал

тамойиллари (тарафларнинг баҳслашувчанлиги ва тенглиги тамойиллари, арбитражнинг бетарафлиги), давлатлар ва юридик шахсларнинг арбитражда ишни кўриш ва арбитраж келишувларини тузишга лаёқатини санаб ўтади [4, 165-166-бетлар].

Ю.Г.Морозова эса, миллий оммавий тартибнинг “ҳақиқатдан халқаро оммавий тартиб”га “ўзаро тобелиги” тўғрисида гапиради. “Ҳақиқатда халқаро оммавий тартиб”нинг ички оммавий тартибга таъсири халқаро ҳуқуқ умумий тамойилларининг мажбурий характери ҳамда давлатларнинг халқаро конвенцияларга қўшилиши билан таъминланади. Муаллиф “ҳақиқатда халқаро оммавий тартиб”нинг давлатнинг ичидаги, хусусан, халқаро тижорат арбитражидаги бутун ҳуқуқни қўллаш фаолиятига улкан таъсирини таъкидлайди [3, 30-31-бетлар].

“Халқаро оммавий тартиб” тушунчасининг тўлиқроқ таърифи Халқаро ҳуқуқ Ассоциациясининг 2/2002 Резолюциясида акс эттирилган бўлиб, унга кўра, “Ҳар қандай давлатнинг халқаро оммавий тартиби ўз ичига: (1) одил судлов ёки одоб-ахлоққа тааллуқли асосий тамойилларни..., (2) “lois de police” ёки “оммавий тартиб тўғрисидаги қоидалар” сифатида маълум бўлган, давлатнинг муҳим сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун мўлжалланган қоидалар ҳамда (3) давлатнинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятларига риоя этиш бўйича мажбуриятини қамраб олади” [5, 49-бет].

Халқаро оммавий тартибга, масалан, коррупциянинг ман этилиши, БМТнинг санкцияларни белгилаш тўғрисидаги резолюцияларида назарда тутилган давлатларнинг халқаро мажбуриятлари, ички оммавий тартибни ташкил қилувчи фундаментал моддий ва процессуал тамойиллар киради [4, 292 -295, 370, 378 -381, 386 -388, 392-396, 401-403, 409-410].

Халқаро ва ички оммавий тартибни фарқлаш амалий аҳамиятга эга бўлиб, у “хусусий ҳуқуқий низола бўйича халқаро арбитраж қарорлари, ҳатто ҳудди шу ҳолатларда ички ҳакамлик қарорининг мажбурий ижро этилишини оммавий тартибнинг бузилиши важи билан рад этилишига тўғри келса ҳам, ижро этилиши лозим”лигидан иборатдир. Мазкур тамойил чет эл суд қарорларини барқарорлигини таъминлаш ва халқаро тижорат арбитражи институтини мустаҳкамлашга мўлжалланган [6, 43-бет]. У оммавий тартибнинг халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш доирасидаги “юмшатиш таъсири (эфект)” назариясига асосланади. Мазкур назария миллий оммавий тартиб чет мамлакатда қўлга киритилган ҳуқуқларни тан олишга тўсқинлик қилмайди, деб ҳисобловчи француз суд амалиёти томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу ҳолатларда оммавий тартиб юмшатиш таъсирга эга бўлади (*effet atténué*) [2, 273-бет].

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг замонавий кодификацияларида қонун чиқарувчи “оммавий тартиб тўғрисидаги” изоҳ атамасини қўллайди (ЎзРес ФКнинг 1164-м., РФ ФКнинг 1193-м., Бельгия кодексининг 21-м., Украина Қонунининг 12-м.). Мазкур кодификацион актларда тегишли қоидалар ёки алоҳида моддаларда ёхуд “чет эл ҳуқуқини қўлланилишини чеклаш” (Озарбайжон Қонунининг 4-м., Литва ФКнинг 1.11-м.), “чет эл нормаларини қўллаш”га (Монголия ФКнинг 540-м.) бағишланган моддаларда акс эттирилган.

Айрим кодификацион актларда, хусусан, Бельгия кодекси (21-м.), Болгария кодекси (45-м.), Македония

конуни (5-м.), Туркия кодексига (5-м.) мазкур ҳуқуқий категория умуи ёритилмаган [7]. Бундай қарор оммавий тартибнинг шарҳланишининг норматив ёндашувини мақсадга номувофиқлиги тўғрисидаги ёндашувнинг кенгайганлиги билан ҳамохангдир [8, 132-бет]. Ўзининг кўпқирралилиги ва маъносининг кўзгалувчанлиги туфайли мазкур тушунчага аниқ таъриф бериш мушкул. “Оммавий тартиб” жамиятнинг эволюцион ривожланиши жараёнида систематик ўзгаришларга мубтало бўлган ва ҳар қандай, ҳатто унинг аниқ формулировкаси вақт ўтиши билан эскиради.

С.В.Крохалев эса, оммавий тартиб, ўзининг одо-бахлоқ, ижтимоий, иқтисодий элементларини қамраб олган ҳолда ҳуқуқий майдонда қатъий шакллантирилиши лозим, дея таъкидлайди [4, 47-48-бетлар]. Энг мақбул таърифлардан бири Россия Федерацияси Олий Судининг 19.08.2008 йилги № 91-Г08-6 Ажримда берилган: “Россия Федерациясининг оммавий тартиби деганда, Россия Федерациясининг Конституцияси ва Россия Федерациясининг федерал қонунчилигида мустаҳкамланган, давлат томонидан белгиланган, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тузилиши, ҳуқуқ тартиботнинг асосий негизлари тўғрисидаги асос нормалар тушунилади” [9].

XXI асрнинг фақатгина иккита миллий қонунда оммавий тартиб тўғрисидаги қоида чет эл ҳуқуқига зид келмаслиги лозим бўлган актлар рўйхати берилган. Масалан, Монголия Фуқаролик кодексининг 540(1)-моддасига кўра, чет эл ҳуқуқ нормалари ва умум эътироф этилган одатлар, агар улар Монголиянинг Конституцияси, бошқа қонунлар ёки Монголия кўшилган халқаро шартномаларга зид келмаса қўлланади. Озарбайжон Қонуни чет эл ҳуқуқини қўллашни, агар ушбу қўллаш Конституция ва референдумда қабул қилинган актларга зид келмаслиги шarti билан йўл қўяди (4-м.). Уларни таҳлил қилган ҳолда, В.В.Кудашкин, изоҳнинг салбий концепциясини юридик мустаҳкамланишига қарамай, чет эл ҳуқуқини қўлламаслик режими аслида ижобий концепция асосида яратилади, деган парадоксал хулосага келади [10, 101-бет]. Қонунчилик техникасини бу каби услубини омадли деб ҳисоблаш, фикримизча хатодир, чунки алоҳида ҳуқуқ тартиботнинг асос қоидаларини ҳимоя қилиш учун ўта қатъий нормалар институти хизмат қилади. Изоҳ, оммавий тартиб асослари ҳали аниқ норматив мустаҳкамланмаганда, қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдиришга мўлжалланган. Унинг қўлланилишининг бошқа ҳолати, бир неча ўзаро рақобатлашувчи ҳуқуқий нормалардан оммавий тартиб учун мақбулроқ бўлган қоида танлаш талаб этилгани ҳисобланади.

Ижобий изоҳ тўғрисидаги қоида замонавий босқичда фақатгина “Рим I” Регламентида учратиш мумкин (3(3)-м.). “Рим I” преамбуласида “келишувлар ёрдамида чекиниш мумкин бўлмаган қоидалар” ва “устувор қатъий нормалар” тушунчаларининг бир биридан фарқланиши таъкидланади. Устувор қатъий нормалар чекланганроқ талқин қилинади (37-п.). Ижобий изоҳнинг механизми, муносабатнинг заиф тарафи – истеъмолчи ва ёлланма ишчи ҳимояси учун қўлланади (6(2)-, 8(1)-м.), шу қаторда, кўчмас мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқ ёки унинг ижарасига алоқадор шартноманинг шаклига нисбатан ички давлат талабларини риоя этилишини таъминлайди (11(5)-м.).

Агар салбий концепцияда урғу чет эл ҳуқуқини қўллашнинг салбий оқибатларига берилса, ижобий концепцияда – давлатдаги асос норматив

қоидаларнинг дахлсизлигига берилади. Изоҳнинг ҳаракатга киришининг умумий тамойили ҳалқаро хусусий ҳуқуқ бўйича 1984 йилда ўтказилган иккинчи Гаага конвенцияси жараёнида ишлаб чиқилган. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ фақатгина “қонун чиқарувчининг ўз мамлакати ижтимоий ёки конституциявий тузилишининг ўзгариши, унга путур етказилиши ёки бузилишисиз ўзи ўзгартириши мумкин бўлмаган қоидалари (тартиби)” ҳимоясига хизмат қилади [11, 83-бет].

Шуни таъкидлаш ўринлики, аксарият халқаро хусусий ҳуқуқнинг замонавий кодификациялари оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ ҳуқуқий тартибга солиниши унификациясининг жуда юқори даражасига эришди. Бу эса, халқаро хусусий ҳуқуқда хусусий ва ижтимоий манфаатларнинг адолатли нисбати тўғрисидаги масалани ҳал қилишда комплекслилик тамойилининг реализациясига кўмак беради. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳни қўллашнинг зарурий шартлари бўлиб: а) чет эл қонунини қўллаш оқибатларининг оммавий тартибга яққол зидлиги, б) изоҳга мурожаат этишнинг фавқултдалик характери, в) миллий ҳуқуқ тартибот билан аҳамиятли алоқаси, г) чет эл ҳуқуқини қўллаш натижасида вужудга келувчи оқибатларнинг аҳамиятлилиги ҳисобланади. Шу қаторда, коллизия норманинг ўрнини эгаллаш масаласининг эгилувчан тартибга солиниши тобора кўпроқ назарда тутилмоқда. Оммавий тартиб манфаатлари йўлида “рад этилган” чет эл нормасининг ўрнига айнан шу ҳуқуқнинг бошқа муносабат қоидасини қўллаш ёки ҳуқуқий муносабат билан энг узвий алоқада бўлган ҳуқуққа таяниш таклиф этилади. Чет эл нормасининг ўрнини ички давлат ҳуқуқи билан тўлдириш бошқа муносабат ҳуқуқни белгилашнинг иложи бўлмаган ҳолда йўл қўйилади (Бельгия Кодексининг 21-м., Болгария Кодексининг 45-м., Туркия Кодексининг 5-м., Украина Қонунининг 12-м.).

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан ишчи кучи алмашиш бўйича самарали тизими шакллантирилди. Мамлакатимиз фуқаролари Корея Республикасининг ваколатли ташкилотлари томонидан бу мамлакатга меҳнат фаолиятига кенг қамровли жалб этилмоқда. Иккала мамлакатнинг тегишли ташкилотлари томонидан имзолаган шартнома бу фаолиятнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Масалан, 2006 йил 29 мартдаги “Бандликни ҳал этиш тизими бўйича Корея Республикасига ишчиларни жўнатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ва Корея Республикасининг Меҳнат вазирлиги ўртасидаги Тушуниш Меморандуми” Ўзбекистон фуқаролари Кореяда меҳнат фаолиятини амалга оширишини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Кореяга жўнатилган фуқароларимиз касб-хунар ўрганиш ва меҳнат фаолияти шароитларидан келиб чиқиб, текин ётоқхона ва уч маҳал овқат билан таъминланади. Фуқароларимиз, шунингдек, тиббий суғуртага ҳам эга, улар ишлаб чиқаришдаги ва ишлаб чиқаришдан ташқаридаги бахтсиз ҳодисалардан ва ўз вақтида ойлик маошини тўламасликдан ҳам суғурта қилинган. Ундан ташқари агентлик томонидан касб-хунар ўрганиш даври ишлаб чиқаришда ва ундан ташқарида бевақт тўхтатиб қўйилган ҳолларда ҳам суғурта ва компенсация тўловларини тўлатиб олиш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Саноат соҳасида касб-хунар ўрганишга жалб қилинаётган чет эллик ишчилар маҳаллий аҳоли учун рақобатчи эмаслиги, балки Жанубий Кореянинг меҳнат бозорини тўлдиришга ёрдам беришини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Шу боис уларни меҳнатга жалб этиш корейлик иш берувчилар учун ҳам, маҳаллий меҳнат бозори учун ҳам муҳим.

Кореянинг бу соҳадаги тажрибаси иқтисодий аҳолининг кам сонли қисми ишлаётган соҳаларини аниқлаш ва уларга тезлик билан чет эл ишчи кучини жалб этиш ҳамда уларни назорат қилишнинг самарали тизими яратилганлигидан далолат бермоқда.

Корея Республикаси Ҳукумати томонидан чет эл ишчи кучини танлаб олишнинг аниқ ва соддаштирилган тизими ишлаб чиқилганки, у ишчи кучини жўнатаётган ва қабул қилиб олаётган давлатлар ўртасида қизгин ҳамкорлик олиб боришга ёрдам беради. Яъни 2003 йил 16 августдаги “Чет эл фуқароларини ишга жалб қилиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, бу ерда 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат берилган бандлик тизими (эркин ёллаш тизими) кучга киритилган. Юқорида тилга олинган, Корея

Республикасининг Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ўртасидаги Меморандум ушбу тизимга асосланган.

Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши Жанубий Кореянинг меҳнат бозорида Ўзбекистондан меҳнат кучини эркин ёллаш имконини беради. Шу билан бирга, фуқароларимиз Жанубий Кореянинг йирик корхоналарида ишга жойлашиш ва маҳаллий ишчилар бир қаторда барча меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлиш имконияти билан таъминланади. Кейинги йилларда Россия Федерацияси билан ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. 2016 йил 12-апрелдаги Россия федерал миграция хизмати томонидан мамлакатга келаётган чет эл фуқаролари ҳақидаги маълумот эълон қилинди. Россия федерал миграция хизматининг статистик маълумотларига кўра, ҳозирги кунда Россия Федерацияси ҳудудида рўйхатга олинган ўзбекистон фуқароларининг сони 1.755.781 (улардан 1.428.107 эркеклар ва 327.614 аёллар) нинг мавжудлигини маълум қилади. [8] Шунингдек, Россия Федерациясининг Марказий банкининг маълумотида асосан 2016 йилнинг биринчи чорагида ўзбекистонлик меҳнаткаш-мигрантлар томонидан жўнатилган пул маблағлари 914 млн. Долларни ташкил этган. [9]Ташқи меҳнат миграцияси хизмати ташкил этилганлигига қарамай, Ўзбекистондаги қонуний миграциянинг кўлами жуда тордир. Шу билан бирга Ўзбекистонда ишчи кучи жуда ҳам кўп, талаб - чет эллардаги ҳамкорларимиз томонидан ажратилаётган квоталарнинг сони эса жуда кам. Бу ҳол ноқонуний миграциянинг тобора кўпайиб боришига олиб келмоқда. Ишчи кучини олиб чиқиш тўғрисида давлатлар билан узоқ муддатли шартномаларни тузиш кўпинча жуда ҳам оғир кечади. Кўп ҳолларда узоқ муддатга чўзилиб кетадиган музокаралар мақсадлар тўғрисидаги шартномаларни тузиш билан кифояланиб қолмоқда. Тузилган қатор шартномаларда ҳам Ўзбекистондан келувчи ишчиларга ажратилиши кўзда тутилаётган квоталар сони кам.[10, 193-бет.] Ўзбекистон чет элда ишга жойлаштириш бўйича амалда бошқа давлатларга нисбатан жуда ҳам орқада қолиб кетмоқда. У меҳнат миграцияси бўйича жуда оз хорижий ҳамкорларга эга. Алоҳида мамлакатлар билан меҳнат соҳасида ҳамкорлик қилиш ва ишчи кучини экспорт қилиш тўғрисидаги музокаралар йиллаб чўзилиб кетади ва охир-оқибатда барча саъй-ҳаракатлар бекордан бекорга йўққа чиқади. Ўзбекистон Республикасининг меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик алоқалари тўғрисида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу соҳадаги Ўзбекистон ҳамкорлигини қуйидагиларга бўлиш мумкин. Биринчидан, Ўзбекистоннинг универсал механизмлар билан соҳадаги ҳамкорлиги етарли даражада эмас. Бу соҳадаги энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мамлакатимиз ҳали қўшилгани йўқ. Донор давлат сифатида Ўзбекистоннинг Барча Меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, БМТ ва унинг бу соҳадаги ихтисослашган ташкилотлари билан ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари ҳам етарли даражада эмас.

Иккинчидан, минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам етарли даражада ривожланмаган.

Айниқса, Европа Иттифоқи, МДХ доирасида бу соҳадаги ҳамкорликни кучайтириш лозим бўлади. Чунки бу минтақаларга фуқароларимизнинг миграцияси кейинги пайтларда янада кенгаймоқда.

Учинчидан, меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш икки томонлама алоқаларда, жумладан, Корея Республикаси билан самарали олиб борилмоқда, аммо у ҳам мамлакатнинг бу соҳадаги эҳтиёжини қондира олмайди. Россия Федерацияси билан бу соҳада ўзаро ҳуқуқий асослар энди йўлга қўйилмоқда. Аммо бугунги кунда хориждаги фуқароларимизнинг катта қисми Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаларида меҳнат фаолияти билан шуғулланишмоқда. Бу эса, ушбу давлатлар билан меҳнат миграцияси бўйича самарали ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришни талаб қилади.

Тўртинчидан, Япония, Малайзия, Саудия Арабистони, шунингдек, қатор Европа мамлакатлари каби ривожланган меҳнат бозорлари билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш лозим.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Хозирги босқичда демократик ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б.3.

2. Таран П. Глобализация и трудовая миграция: необходимость политики основной на правах человека. Век глобализации 1/2010. –С.66-86.

3. Батафсил маълумотлар учун қаранг: Хамидова А. Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари: Юрид. фанл. номз. дис. ... автореф. –Тошкент: ЖИДУ, 2008. – 23 б.

4. Всеобщая декларация прав человека и национальная система защиты прав человека в Узбекистане / Отв. ред. А.Х.Саидов. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2009. –С.276-279.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. – Т.: Адолат, 2004. - Б.ХIII.

6. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг халқаро-ҳуқуқий масалаларининг таҳлили бўйича батафсил маълумотлар учун қаранг: Юнусов Х. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўзаро алоқаларининг ҳуқуқий асослари: Юрид. фанл. номз. дис. ... автореф. –Тошкент: ЖИДУ, 2008. –29 б.

7. Батафсил маълумотлар учун қаранг: Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича қўлланма. Ўзбекистон Республикаси билан Европа Ҳамжамиятлари ва уларга Аъзо-давлатлар ўртасидаги Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим қоидаларига тушунтириш. –Т.: ЕвропЭйд. -Б.126.

8. Максакова Л. Миграция населения: проблемы регулирования. – Ташкент: «Эльдинур», 2001. - С.88.

9. Количество трудовых мигрантов из центральной азии в россии несколько сократилось. <http://www.ca-portal.ru/article:27846>.

10. Узбекистан лидирует среди стран СНГ по денежному переводам физлиц из РФ: <http://ru.sputniknews-uz.com/economy/20160614/3025691.html>

**М.Нурматов,**

ТДЮУ катта илмий ходим-изланувчиси,  
ю.ф.н, доцент

#### ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболларига оид Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги таҳлил этилган, ушбу масалалар илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил этилган ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** ўсимлик дунёси объектлари, ўсимлик дунёсидан умумий фойдаланиш, экологик назорат, ўсимлик дунёси, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш.

**Аннотация:** в статье проанализированы вопросы дальнейшего совершенствования законодательства Республики Узбекистан в области охраны и использования растительного мира, также данный вопрос рассматривается в теоретико-научном аспекте и обосновываются авторские предложения.

**Ключевые слова:** объекты растительного мира, общее пользование растительным миром, экологический контроль, растительный мир, охрана растительного мира.

**Annotation:** article analyzes the issues of further improvement of the legislation of the Republic of Uzbekistan in the field of protection and use of flora, as the issue is considered theoretical and scientific aspect and justified proposals copyrights.

**Key words:** the objects of flora, fauna general use, environmental control, plant life, the protection of the plant world.

Табиат объектлари орасида ўсимлик дунёси ўзига хос ўринга эга. Ўзбекистон ўсимлик дунёси ҳозирги кунда 4500га яқин ёввойи ўсимлик турларини ўз ичига олади, уларнинг 9 фоизи эндемик, яъни фақат муайян географик ҳудудга хос бўлган турлардан иборат. Бу ҳолат Ўзбекистон жуда бой ўсимлик дунёсига эга эканлигини намоён этади [1, 127-бет].

Ўсимликлар Ерда мавжуд бўлган барча тирик организмлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Ҳайвонлар ва одамнинг ҳаётини ўсимликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат яшил хлорофиллга эга бўлган ўсимликлар аорганик моддалардан органик бирикмаларни синтезлаш орқали қуёш нури энергиясини тўплайди; айна вақтда ўсимликлар атмосферадан CO<sub>2</sub> газини олиб, атмосферага деярли барча тирик организмларнинг нафас олиши учун зарур бўлган кислород чиқаради. Шу йўл билан яшил ўсимликлар атмосфера таркибининг доимийлигини сақлаб туради. Ўсимликлар органик моддаларни ҳосил қилувчи продуцентлар сифатида озиқ занжирининг асосини ташкил этади.

Ер юзидаги ўсимликлар турли ҳаётий формалар (ўтлар, буталар, дарахтлар, лианалар, эпифитлар ва б.)ни ҳосил қилади. Усимликларнинг хилма-хил турларидан таркиб топган фитоценозлар Ер юзи ландшафти ва бошқа организмлар учун экологик

шароитнинг хилма-хиллигини белгилаб беради. Ўсимликларнинг бевосита иштирокида тупроқ ва торф ҳосил бўлади. Кўнғир кўмир ва тошкўмирнинг ҳосил бўлиши ҳам ўсимликлар билан боғлиқ [2, 537-бет].

Таъкидлаш жоизки, ўсимлик дунёси объектлари инсоният учун муҳим экологик, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни бажариши билан тавсифланади. Хусусан, ўсимлик дунёси инсонларни ҳаётини зарурият бўлган кислород билан таъминловчи асосий манба эканлиги, шунингдек, иқтисодиёт ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилиши уларни экологик тизимнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган таркибий қисми сифатида алоҳида ҳуқуқий муҳофаза қилишни тақозо этади [3, 4-5 бетлар].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган экологик қонун ҳужжатларининг яхлит тизими шакллантирилди ва тобора такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотлар самараси ўлароқ, олий ҳокимият вакиллик органи бўлмиш Олий Мажлисда экологик манфаатларни ифодалаш мақсадида Экоҳаракат вакиллигини таъминланиши ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари такомиллашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Таъкидлаш лозимки, ўтган йиллар мобайнида табиий ресурслар бўйича тармоқ қонун ҳужжатлари, хусусан ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ҳам изчил такомиллашиб бормоқда. Хусусан, 2014 йилда Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан ушбу соҳадаги муносабатлар анча такомиллаштирилди. Шу нуқтаи назардан 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ўз даври учун муҳим ҳуқуқий манба бўлса–да, ҳозирги энг замонавий талабларга ва мамлакатимизнинг иқтисодий, ҳуқуқий ривожланиш даражасига тўлиқ жавоб беради дейиш қийин. Бу эса, ушбу Қонунни янгилаш – мукамал ва замон талабларига ҳамнафас ҳолда янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатларидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Юқоридагилар асосида “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунни янада такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суришимиз мумкин:

Биринчидан, Қонунда ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ўрмонлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиниши тўғрисидаги қонун аниқ белгилаб бериш лозим. Чунки, ушбу қоида ўрмон ва ўсимлик дунёси қонунчилиги ўртасидаги чегарани белгилаб беради. Акс ҳолда ўрмондаги ўсимликларга нисбатан фақат ушбу қонунни қўллаш тартиби жорий этилиб қолиши мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 1, 3 ва бошқа моддаларидан келиб чиқиб, қонунда ўсимлик дунёсидан “самарали фойдаланиш”га эмас, кўпроқ “оқилона фойдаланиш”га урғу бериш мақсадга мувофиқдир. Оқилона фойдаланиш ўз мазмун-моҳиятига кўра, “самарали” фойдаланишдан кўра кенгроқ ҳамда экологик-ҳуқуқий жиҳатдан мақсадга мувофиқ тушунча ҳисобланади.

Учинчидан, Қонунда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат

сиёсатининг асосий йўналишларини алоҳида моддада белгилаб, унда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклашни иқтисодий рағбатлантириш; ўсимлик дунёси объектларига етказилган зарарни қоплаш кабиларни киритиш ўринли бўлар эди.

Тўртинчидан, Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатларини алоҳида моддада белгилаб, унда ваколати сифатида *“тегишли ҳудудда ўсимлик дунёсидан умумий фойдаланишнинг меъёрлари ва тартибини белгилаш”*ни кўзда тутиш ўта муҳимдир. (“Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-бандига асосан).

Бешинчидан, Қонуннинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда иштирокига оид нормаларини ушбу субъектлар ваколатлари мутаносиблиги нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш ўринли деб биламиз. Чунки, ушбу тузилмалар ваколатларидаги номувофиқлик нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда иштирокини сезиларли даражада пасайтиришга олиб келиши мумкин. Бунда “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ваколатлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз.

Олтинчидан, Қонунда давлат назоратини амалга оширувчи субъектлар доирасини *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (“сунъий сув объектларида”)* билан тўлдириш, шунингдек, экологик қонунчиликдаги сўнги янгиликлардан фойдаланган ҳолда “давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг экологик хизматлари томонидан – ўзларига бириктирилган ерларда” амалга оширилишини ҳам кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Еттинчидан, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар зиммасига ҳар йили ўсимлик дунёси объектларини давлат ҳисобини ва улардан фойдаланиш ҳажми ҳисобини ўтказиш, олинган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ва давлат статистика органларига, шунингдек, ўсимлик дунёси объектлари давлат ҳисобини ва улардан фойдаланиш ҳажми ҳисобини юритувчи тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этиш мажбуриятини бекор қилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ушбу тартибдан кўзланган бош мақсад – ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳажмини ҳисобга олиш мажбуриятини ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар зиммасига юклатишдир. Ваҳоланки, 2014 йил 20 октябрдаги “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, ўсимлик дунёсидан фойдаланиш учун олинган рухсатнома унинг амал қилиш муддати тугангандан сўнг, 10 иш куни давомида қисқа ҳисобот билан уни берган органга қайтарилиши (ўсимлик дунёси объектларининг ғамланган ҳажми, вақти ва тўплаш жойи) шарт ҳисобланади. Яъни, бунда ҳар йили қайтариладиган рухсатномалар ва улар асосида

тайёрланадиган қисқа ҳисобот ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳажмини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, ушбу тартиб амалиётда қўлланилиб, ўзини оқлаб келаётгани боис, ушбу тартибга параллел равишда яна қўшимча тартиб-таомиллар жорий этиб, ўсимлик дунёсидан фойдаланувчилар зиммасига ортиқча мажбуриятлар юклаш мақсадга мувофиқ эмас.

Саккизинчидан, Қонунда “ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш норма ва нормативлари” жумласини Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларидан келиб чиқиб, “умумий фойдаланиш меъёрлари ва тартиби” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Тўққизинчидан, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш тури сифатида “ўсимлик дунёси объектларидан асарличилик эҳтиёжлари учун фойдаланиш”ни алоҳида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ўнинчидан, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш асослари доирасига “ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг мажбуриятларини мунтазам бажармаслик” асосини киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўн биринчидан, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари доирасига “ўсимлик дунёси объектлари мониторингини амалга оширишда ваколатли давлат органларига ёрдам кўрсатиш”ни ҳам киритиш таклиф қилинади.

Ўн иккинчидан, ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш тартибини янада аниқлаштириш мақсадида Қонунда “умумий фойдаланиш тартибда олинган (йигилган) ўсимлик дунёси объектларини сотиш ёки бошқача тарзда реализация қилиш ман этилади”, деган мазмундаги қонун киритиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, амалиётда ўз самарасини беради.

Мухтасар қилиб айтганда, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳозирги кундаги муҳим ижтимоий-иқтисодий, илмий-назарий ва экологик-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифалардан бири бўлиб, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш зарурияти, авваламбор, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларидаги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги янгиликларни амалдаги қонунда ўз аксини топмаганлиги, ҳуқуқий бўшлиқларнинг ортганлиги, халқаро тажриба анча илдамлаб кетганлиги каби омиллар билан изоҳланади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги Миллий маъруза. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. – Т.: Chinor ENK, 2013. – Б. 127.

2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Шарқ – Қизилқум. Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 537.

3. Маҳкамов Д.Н. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б. 4-5.

Э. Шерматов,  
ТДЮУ мустақил изланувчиси

#### АГРАР СОҲАДА ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР МАСАЛАЛАР

**Аннотация:** мазкур мақолада аграр соҳада ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга доир масалалар баён этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлари:** ер, аграр соҳа, ердан фойдаланиш, муҳофаза қилиш, экология, атроф-муҳит, табиий ресурс, уй-жой, мулк ҳуқуқи.

**Аннотация:** в статье изложены вопросы касательно использования и охраны земель в аграрной сфере, разработаны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** земля, аграрная сфера, землепользование, охрана, экология, окружающая среда, природный ресурс, жилье, право собственности.

**Annotation:** in this article matters about using and preventing of lands in agro sphere were analyzed, offers and recommendations were given.

**Key words:** land, agro sphere, land using, preventing, ecology, environment, natural resource, house, property law.

Бизга маълумки, Марказий Осиё шароитида ер ниҳоятда ноёб табиий ресурс бўлиб, минтақада экология, ижтимоий, иқтисодий, демографик вазият, таъбир жоиз бўлса, экологик барқарорлик ҳам кўп жиҳатдан унинг ҳолатига, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ. Чунки, аҳоли сони мунтазам ошиб бораётган ва унга қарши ўлароқ, унумдор ерлар миқдори секин-асталик билан камайиб бораётган бир шароитда мавжуд унумдор ер захираларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш чораларини кўриб бориш долзарб муаммо, давлат экологик сиёсатидаги марказий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, ер экологик тизимнинг таркибий қисми сифатида атроф табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш, давлат суверенитети ва иқтисодиётнинг моддий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Шу ўринда Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Агар биз ернинг ҳосил беришини хоҳласак, уни асраб-авайлашимиз шарт. Ерни қанча эъзозласанг, у сенга шунча кўп ризқу насиба бераверади” [1].

Ернинг табиий ресурс сифатида шундай алоҳида хусусияти борки, унга тўғри муносабатда бўлинса, улардан тўғри фойдаланилса ва уни муҳофаза қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилинса ҳосилдорлиги доимо ошиб боради. Аксинча эса унинг ҳолати ёмонлашиб, фойдаланиш учун яроқсиз аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ер эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари доимо тупроқ унумдорлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, асосий эътиборини ернинг сифатини яхши сақлашга қаратишлари лозимлиги ер қонунчилигида мустаҳкамланган.

Дарҳақиқат, аграр секторини модернизациялаш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган

талабини қондириш борасидаги комплекс чора-тадбирлари алоҳида эътироф этилиб, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бунинг учун айнан йўналишдаги қонун ҳужжатлари ижроси устувор вазифа қилиб белгиланган.

Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, “Ўзмелиомашлизинг” лизинг компанияси ҳамда мелиоратив ва бошқа сув ҳўжалиги ишларини бажарувчи 48 та давлат унитар корхонаси ташкил этилди [2].

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг “2013 – 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Давлат дастури қабул қилинди [3].

Бугунги кунда ушбу Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, унинг таркибидаги бўлинмалар томонидан, давлат унитар корхоналари билан ҳамкорликда гидромелиоратив тизимларнинг, коллектор-дренаж ҳамда суғориш тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, уларнинг техник ҳолатини яхшилаш, тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аграр Ердан фойдаланишни иқтисодий ва юридик маъноларда тушуниш мумкин [4]. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини умумий қилиб, халқ ҳўжалиги ва фуқароларнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун ер ресурсларидан фойдаланишнинг қонуний тартибларини ўрнатувчи нормалар йиғиндиси дейишимиз мумкин ва уни турли маъноларда тушунилади: 1) Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ер ҳуқуқининг асосий институти бўлиб, турли соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси; 2) Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси; 3) Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ердан фойдаланувчиларнинг субъектив ҳуқуқ ваколатини амалга ошириш механизминини, уларни амалиётда қўллаш жараёнини ўзида мужассамлаштирувчи ҳуқуқий муносабатдир.

Шунингдек, ердан фойдаланиш ҳуқуқи кишиларга ваколатли давлат органларининг меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳам берилиши мумкин. Бунда у тақдим этилган ҳуқуқ аҳамиятини ўзида мужассам этади. Юридик ва жисмоний шахсларга қонун йўли билан ердан фойдаланиш ҳуқуқи эътироф этилган бўлиши мумкин, аммо улар бу ҳуқуқдан амалда фойдаланмаётган бўлишлари мумкин. Барибир бундай ҳолатларда ҳам юридик ва жисмоний шахсларни ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблаймиз.

Давлатнинг ердан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги фаолияти ваколатли давлат органларининг иқтисодий-ҳуқуқий чоралар қўллаш орқали ердан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилишни ташкил этишини англатади [5]. Шу сабабли, давлатнинг ердан фойдаланишни тартибга солиш фаолияти уни бошқаришга нисбатан

кенгроқдир. Ушбу фаолият қонунчиликда ер ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг барчасига тегишли бўлган нормаларни белгилаш, бажарилишини таъминлаш ва муҳофаза қилишда қўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкинлигининг умумий шакллари (17-модда), фуқароларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда вужудга келиши (18-м.), деҳқон ҳўжалиги юритиш, яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгалиги (19-м.), доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун фуқароларга ер участкаси берилиши (20-м.), ижара асосида ердан фойдаланиши (24-м.), яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун фуқароларга ер участкасини бериш ёки реализация қилиш (27-м.), сервитут асосида ердан фойдаланиш (30-м.), ерга бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари (41-м.), фермер ҳўжалиги юритиш, деҳқон ҳўжалиги юритиш, яқка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш, жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларнинг берилиши (46-м.), оилаларнинг оила пудрати асосида ердан фойдаланиши (51-м.), деҳқон ҳўжалиги юритиш (55-м.), жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги юритиш, (56-м.) учун ер бериш асослари ва тартиби ўрнатилган.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўла ва ҳар томонлама тартибга солган деб бўлмайди. Негаки, Ер кодексидаги мавжуд ҳуқуқий нормалар умумий характер касб этиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган муносабатларни, масалан ер участкасидан фойдаланишдаги ҳуқуқдорлик, ер участкасини сотиб олиш тартиби, аграр соҳада ерларни яхшилаш ва атроф муҳитни ифлослантиришни олдини олишда давлат органларини бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириш ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина қоидалар ўзининг аниқ ифодасини топмаган.

Ер участкаларини (ҳайдаладиган ерлар бундан мустасно) доимий эгалик қилишга ва фойдаланишга, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, узок муддатли вақтинча фойдаланишга, ижарага ва мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкасини сақлаш вазифасига оид мажбуриятлар бажарилган тақдирда ўзлари олган корхоналар, бинолар, иморатлар, иншоотларни белгиланган тартибда қуриш, бузиш ёки реконструкция қилишга ҳақлидир.

Ер участкаси кўчмас мулк сифатида фуқаролик айланмасида бўлиш лаёқатига эга. “Ер участкасини фуқаролик айланмасида бўлиши деганда, универсал ҳуқуқий ворислик тартибда (мерос қилиб қолдириш, юридик шахсни қайта ташкил этиш), ёхуд бошқа йўллар билан бир шахсдан бошқасига эркин олиб бериш ёки ўтказиш имкониятини тушунилади” [6].

Юридик адабиётларда ер участкаси олди-сотди шартномаси тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра “олди-сотди шартномаси бўйича бир томон (сотувчи)

бошқа томонга (сотиб олувчига) ер участкасини мулк қилиб бериш мажбуриятини олади, сотиб олувчи эса ер участкасини олиш ва маълум суммани тўлаш мажбуриятини олади” [7].

Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини фуқароларга бир умрлик мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи асосида сотиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 1994 йил 24 ноябрдаги “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида”ги Қарори, 1995 йил 11 апрелда тасдиқланган “Ер участкаларини фуқароларга бир умрлик мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи асосида аукционларда сотиш ҳақида” вақтинчалик Низом қоидаларига биноан тартибга солинади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида яйлов ерларини ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ва улардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилишни тартибга солувчи қонун нормаларни ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш энг долзарб масалалардан бири саналади [8].

Чунки, аграр тармоқда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг (ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари) қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга оид муносабатлари амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тартибга солинган бўлсада, яйлов ерларининг тушунчаси, турлари, уларни ажратиш ва қайтариб олиш ёки ушбу жараёнда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи умумий нормалар ифода этиб берилмаган.

Бундан ташқари, ер қонунчилигида ердан фойдаланиш ҳуқуқини вужудга келиши, ўзгариши, бекор бўлиши ҳолатлари кўрсатиб ўтилган. Ер қонунчилигида ердан фойдаланиш жараёнидаги юридик фактлар: биринчидан, фуқаролар ширкат хўжалиги аъзоси бўлиши ёки қишлоқ жойларда қонунда кўрсатилган соҳа вакиллари бўлишини; иккинчидан, қонунда кўрсатилган тартибда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини қишлоқ хўжалиги билан ёрдамчи тарзда шуғулланиши учун қилган ҳаракатларини; учинчидан, турар-жой қуриш учун қонунда белгиланган ер участкалари олиш учун қилинган ҳаракатлар ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ер участкаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: ер участкаларига мулкчилик ҳуқуқи пайдо бўлганда – мулкчилик ҳуқуқига давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар асосида; ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлганда – ерни бериш тўғрисида тегишли органнинг (мансабдор шахсининг) қарори асосида; ижара ҳуқуқи пайдо бўлганда ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарор ва ижара шартномаси асосида; ер участкаларига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ўтказилганда – бинолар ва иншоотларнинг олди-сотди шартномаси, уларни алмаштириш, ҳада қилиш, рента

шартномаси, мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки мулк эгасининг ёхуд унинг ваколатли органининг (шахсининг) қарори асосида; сервитутларда – шартнома ёки суд қарори асосида; мушкуллаштиришда – тегишли органларнинг қарори асосида.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи конституциявий нормалар билан тартибга солиниши лозим бўлган муҳим ижтимоий-иқтисодий, шунингдек сиёсий аҳамиятга молик масаладир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясида биринчидан, ерга нисбатан давлат мулкчилиги билан бир қаторда хусусий мулкчилик ҳам жорий қилиниши, иккинчидан, асосий қонуннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари бўлишига ерга эгалик қилиш ҳуқуқи ўрнатилиши лозим.

Айтилганлардан ердан фойдаланиш ҳуқуқи ер ҳуқуқининг мустақил, йирик, марказий институтларидан бири эканлиги, бу институт ўзида фуқаролик, ер, солиқ, хўжалик, қишлоқ хўжалик, экология, молия ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларини мужассамлаштириш, яъни мажмуалашган аҳамият касб этиши, бир қатор субинститутлардан иборат эканлиги хусусида фикр билдириш мумкин.

Ердан унумли фойдаланиш атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, юртбошимиз таъбири билан айтганда қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермердик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилганлиги, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 90 – 92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи кучга айланган [9].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аграр соҳада атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида иқтисодий-ҳуқуқий механизмни янада такомиллаштириш талаб этилади. Зеро, мазкур механизм атроф муҳит ифлосланишини олдини олиш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиши, ерларнинг ҳолатини яхшилаш ва асл ҳолатини қайта тиклаш каби мақсадларга эришишни таъминловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт. / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 289.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида қабул қилинган Давлат дастури.
4. Усмонов М.Б. Қишлоқ хўжалигида ижара (ҳуқуқий масалалар). ТДЮИ, 2004 й. 126-б.
5. Ерофеев Б.В. Земельное право. Учебник. –М., 1998. –С. 254.
6. Земельное право. – М.: Проспект, 2004, –С. 132.
7. Земельное право. – М.: Проспект, 2004, –С. 136.
8. Рўзиназаров Ш.Н. Яйлов ерларига оид қонун ҳужжатлари мониторингининг ҳолати ва ривожланиши//Ҳуқуқий мониторинг ва хавфсизлик асослари.-Тошкент, 2007. –185 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори.// “Халқ сўзи”. 2016. 3 июнь.

**О.Ж. Холмуинов,**  
ИИВ Академияси Фуқаролик ҳуқуқи фанлари  
кафедраси ўқитувчиси

#### **ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада ер участкаларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш ва фуқаролик қонунчилиги ижросини таъминлашда ички ишлар органларининг ўрни билан боғлиқ бўлган масалалар ёритилиб, унга доир масалаларни ҳал этиш ва бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кенг таҳлил қилиб берилган.

**Калит сўзлар:** ер участкалари, ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи, ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкаларини олди-сотди қилиш, ер ипотекаси, ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, ер участкасини ижарага олиш, сервитут.

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы правовой режим земельного участка, исполнение требований гражданских законов в деятельности органов внутренних дел, а также анализируется правовые нормативные акты и иные вопросы правового режима земельного участка.

**Ключевые слова:** земельные участки, право пользования земельными участками, право владения земельными участками, купли продажи земельные участки, ипотека земли, право собственности пользование на земельные участки, право пользования аренды на земельные участки, сервитут.

**Annotation:** The article covers the questions of legal regulations of using of plot of lands, fulfilment the requirements of civil laws in the activities of law enforcement bodies and other questions on perfection of law in this sphere is analysed on the basis of regulatory enactments.

**Key words:** plot of lands, right of use of plot of lands, right of possession of plot of lands, purchase and sale of plot of lands, mortgage of land, right of property to use of plot of lands, right of use of leasing for plot of lands, servitude.

Бугунлик кунда барча фуқаролик қонун талаблари ижросини тўла-тўқис жамият ва инсон манфаатлари йўлида амалга оширилишида ички ишлар органларининг алоҳида ўрни мавжуд. Шунинг учун ҳам ер участкаларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш ва фуқаролик қонунлар ижросини таъминлашдаги ички ишлар органларининг роли ва вазифалари долзарб бўлиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда, ер муносабатлари соҳасида ер участкаларига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳамда мулк сифатида реализация қилишнинг шакл ва усуллари, тартиби ўзгариб бормоқда. Эндиликда, ер участкалари олди-сотди қилинадиган мерос ҳуқуқи асосида, ижара асосида эгаликка бериладиган бўлди. Умуман олганда ерга эгалик ҳуқуқининг вужудга келиш тартибининг ҳуқуқий масалалари устида илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг тушунчаси ва юридик табиатини очиб бериш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига асосан, “Ер, ер ости бойликлари, сув,

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” – деб ифода этилганлиги ҳам ерга бўлган муносабатларни конституциявий асосини белгилаб берди [1].

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, барча соҳадаги ижобий ҳолатлар билан биргаликда баъзан ер участкаларидан фойдаланиш ва уни хусусийлаштириш, бу соҳадаги айрим ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ шартнома мажбуриятларини амалга оширишда низолар мавжуд бўлиб, уни ҳал этишда ИИО ходимларининг асосли аралашувини ҳам тақоза этмоқда. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида аҳолига энг яқин бўлган профилактика хизматининг ҳам алоҳида ўрни мавжуд.

Мазкур масалада 2001 йил 27 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги “Жиноятчиликка қарши курашда ИИВ профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида”ги ва “Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2002 йил 16 майдаги қарорлари ўта муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти янада такомиллаштирилди, ходимларнинг жамоат бирлашмалари ва маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш механизми ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга кенг қўлланилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ички ишлар идоралари ходимларига байрам табригида: “Профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ғоят муҳим вазифалардан биридир. Юксак профессионализм, хушмуомлалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш-ҳар бир профилактика инспекторларининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор”, деб таъкидлаган эди [2].

Шу кунларда кўсатилган вазифаларни амалга оширишда мамлакатимиздаги 3712 та милиция таянч пунктлари шаҳарча, қишлоқ, овул, кўрғон ва маҳаллаларга хизмат кўсатмоқда. Уларнинг 93 фоизига яқини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода жойлашган. 80 фоиздан ортиқ масканлар қошида спорт майдончалари ташкил этилган. 70 фоиздан зиёд масканлар ҳузурида турли факультатив тўғараклар ишлаб турибди, кичик бизнес шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда [3].

Жумладан, мамлакатимизда ер участкалари фойдаланиш ва уларни хусусийлаштириш билан боғлиқ дастлабки энг муҳим ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги (№ПФ-1009) “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармони катта аҳамиятга эга. Ушбу фармонга асосан ер участкаларига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, аниқроғи ер участкаларига нисбатан ашёвий ҳуқуқлар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан илк маротаба сотила бошланди. Мазкур фармонга кўра туман ва шаҳарларнинг ҳокимликларига фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик

қилишлари учун якка тартибда уй-жой куришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдонини кимошди савдоси асосида сотишга рухсат берилган.

Шунингдек, Юртбошимиз томонидан 2006 йил 24 июлдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги [4] Фармонини қабул қилиниши ҳам бу соҳада туб бурилиш бўлиб уларда қўйилган талаб ва вазифалар маълум маънода профилактика инспекторларининг иш фаолияти билан ҳам боғлиқдир.

Айниқса, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган, Ер кодексининг 18-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари белгиланди [5]. Таъкидлаш жоизки, ер участкаларига нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг сотилиш тартибини Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги №126-сонли “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида”ги Қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 3 январдаги 4-сонли қарорига 3-илова сифатида қабул қилинган “Танлов савдолари асосида ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ва доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисида”ги Низомларида ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида хусусий мулк сифатида сотиш, ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ва доимий фойдаланишга бериш тартиблари ҳам аниқ белгиланиб, бу масалаларни қонуний ҳал этилишида профилактика инспекторларининг ўз ҳудудларидаги ер майдонлари ва ер участкаларидан оқилона фойдаланиш функциясини таъминлашни ҳам тақоза этади.

Шунингдек, 2014 йил 7 январдаги, 1-сонли “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”даги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарорига асосан тасдиқланган “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида” ги, 2-сон қарорига асосан, “Туман (шаҳар) ер кадастри дафтарини юритиш тартиби тўғрисида”даги Низомлари давлат ер кадастрини юритишга оид муносабатларни тартибга солувчи асосий қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади [6].

Мазкур янги Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига, «Давлат ер кадастри тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғрисида» ва «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармонида мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга (шу жумладан ер ости иншоотларига), кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек ипотекани ҳамда бинолар ва иншоотлар ва ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб, «бир ойна» тамойили

бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилиги ер қонунчилиги баробарида ерга нисбатан мулкый муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ҳам белгилайди ва ер фуқаролик ҳуқуқининг объекти доирасига киритилади. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексига мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқлари белгилаб берилган [7]. Фуқаролик кодексининг 165-моддасига асосан мулк ҳуқуқи билан бир қаторда хусусан қуйидагилар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади:

хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи;

мерос қилиб қолдирилладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;

ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи;

сервитутлар.

Фуқаролик кодексининг 170-моддасида кўрсатилишича, ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқи ва ўзга ашёвий ҳуқуқлар Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа қонунлар билан тартибга солинади. Кодекснинг 188-моддасида эса ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унга кўра фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда юзага келади.

Шунингдек, Ер кодексининг 18-моддасида эса юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари белгиланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахслари ер участкаларидан савдо ва хизмат кўрсатиш мақсадларида, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўз ваколатхоналарини жойлаштириш, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахслар уй-жой қуриш мақсадида мулк ҳуқуқи асосида фойдаланадилар. Бундай ҳолларда ҳам профилактика инспекторларининг ўз ҳудудларидаги доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси мавжуд бўлган фуқаролар устидан назарот ўрнатиш тартибини мустақалашга ёрдам беради.

Ер кодексининг 18-моддасида нафақат Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари, балки халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар ваколатхоналари, чет давлатлар юридик ва жисмоний шахсларининг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ёритилган. Ушбу модда қоидалари чет давлатларнинг барча фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан татбиқ этилмайди. Унда фақат дипломатия корпуси ходимлари, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакиллари, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимлари, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахслар, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахслар ер участкаларидан мулк ҳуқуқи асосида фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридаги рўйхатга кирмаган хорижий фуқароларнинг ер участкаларига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 февралдаги №

92 сонли “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишни ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори билан (ушбу қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 декабрь 586-сонли «Тошкент шаҳрида уй-жой сотиб олишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган) тартибга солиниши кўрсатилиб, бундай ҳолларда профилактика инспекторларининг ўз ҳудудларидаги ер участкаларига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тўғри ҳал этилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 111-моддасида қўйидаги ҳолат белгиланган: «Ер майдонлари ва бошқа кўчмас мулк (ипотека, узоқ муддатли ижара, мерос қабул қилиш ва бошқалар) шартномалари давлат рўйхатидан ўтиши лозим». Шунингдек, 985-моддада зарар етказиш учун жавобгарликнинг умумий асослари белгиланган. Шахсга ёки фуқаро мулкига, юридик шахсга нотўғри ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизлик) натижасида етказилган зарар, зарар етказувчи шахс томонидан тўла қопланиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодексининг 212-моддаси мазмунидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан шахс мулк ҳуқуқини олмайди ва иморат уни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланади. Ушбу модданин 4-бандига кўра ўзига қарашли бўлган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс ёхуд ушбу иморат жойлашган ер участкаси мулкдорининг иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида эътироф этилиши мумкин.

Албатта бундай ҳолларда келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда профилактика инспекторларининг тўғри қарор чиқарилишини ва масалани ҳар томонлама текшириб ўз фикрини билдиришини ҳам тақоза этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли 2004 йил 24 сентябрь Қарорида [8] ўзбошимчалик билан қурилган уйга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги қоидалар таҳлил этилган. Қарорнинг 3-бандига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулкый ҳуқуқлар билан боғлиқ даъволар судларга тааллуқли эмас. Аризачи ушбу талаб билан тегишли ҳокимиятга мурожаат қилиши лозим. Агар талаб мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган, хусусан қурилиш материалларига бўлган ҳуқуқни эътироф этиш, уйга кўчириб киритиш, ундан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисида берилган бўлса, судлар томонидан кўриб чиқилишини истисно этилмайди.

Эътиборли томони шундаки, ер шартномаларининг хусусиятлари тўғрисида гапирганда, ерга нисбатан мамлакатимизда асосан давлат мулкчилиги ўрнатилганлиги, у умуммиллий бойлик эканлиги, шартнома тузишда томонлардан бири сифатида давлат ёки у ваколат берган давлат органининг

иштирок этиши, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтилиши, давлат ва умумхалқ манфаатларининг устуворлиги, табиат қонуниятларининг эътиборга олиниши кабиларни таъкидлаш ўринлидир. Демак, ердан фойдаланишга доир шартномалар тузилганда, албатта, давлат органининг қарори ёки рухсат беришининг талаб этилишини таъкидлаш ўринлидир. Зеро, ер участкасининг аукционда олди-сотди шартномасини тузиш учун тегишли давлат ҳокимияти органининг қарори бўлиши талаб этилади ва бундай ҳуқуқий тартибни амалга оширилишида профилактика инспекторларининг ер қонунчилигини тушунтириш билан боғлиқ актив иштироки талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддасига биноан кўчмас мулкка эғалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ер кўчмас мулк бўлганлиги сабабли, унга нисбатан тузиладиган шартномалар ушбу ҳуқуқий норма талабларидан келиб чиққан ҳолда, албатта давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Ёхуд, Фуқаролик кодексининг 111-моддасида ўрнатилишича, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ер шартномалари ичида энг кўп таъкидланган шартнома тури – ер ижараси шартномасидир. Амалиётда, ушбу шартномани амалга оширилишида профилактика инспекторларининг ер қонунчилиги билан боғлиқ ҳуқуқий билимлари ҳам талаб этилади. Шу сабабдан ҳуқуқий, иқтисодий масалаларга оид илмий, илмий-оммабоп асарларда ер ижараси тушунчасини аниқлашга қаратилган кўплаб фикрлар, қарашлар мавжуд [9]. Ер ижараси тушунчаси тўғрисида олимлар ўртасида аниқ бир яқдиллик йўқ, улар билдираётган фикрлар турли-туманлиги, бир-бирдан фарқлиниши, ҳатто қарама-қаршилиги билан ҳам ажралиб туради. Чунончи, бир гуруҳ олимлар ер ижараси тушунчасини очиб беришда унга нисбатан ҳўжалик юритиш шакли ва усули сифатида ёндошиб, уни бевосита ишлаб чиқариш муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин қиладилар.

Юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, хусусан ижарачи, гаровга олувчи, мол-мулкни ишончли бошқарувчи титулли эғалик қилувчилар ҳисобланиб, уларнинг эғалик қилишлиги тегишли шартномаларга асосланган бўлади [10].

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 24-моддасида ер ижарасига қўйидагича тушунча берилган: “Ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эғалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир”.

Ер ижараси тўғрисидаги тушунча, Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида ҳам келтирилган [11]. Унга кўра, ижара шартнома асосида ерга, бошқа табиий ресурсларга, шунингдек, ҳўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни мустакил равишда амалга ошириш учун ижарачига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эғалик қилиш ва ундан фойдаланишдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 535-моддасига кўра ижара шартномаси деб шундай келишувга айтиладики, бунга асосан бир тараф ижарага берувчи, маълум бир мулкни иккинчи тараф-

ижарага олувчига ҳақ бараварига вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади. Ижарачи шартнома муддати тугаши билан ижара мулкни қайтарашга мажбур бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ижара шартномаси тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштирувчи ҳужжатдир. Мазкур шартноманинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унга кўра ижарачига мулкка эғалик қилишнинг икки жиҳати: мулкни эғаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқлари ўтади ва мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи эса мулк эғасида қолади.

Ер участкасини ижарага бериш шартномаси ер участкасини ижарага олганлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Туман ҳокими томонидан ижарага ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин ер ресурслари бўйича туман хизмати томонидан 5 кун муддатда намунавий шаклга мувофиқ ер участкасини ижарага бериш шартномаси тайёрланади. Ер участкасини ижарага бериш шартномасида ерларнинг турлари бўйича ер участкасининг майдони, суғориладиган ерларнинг сифати акс эттирилади, ерларни ижарага бериш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади, шартномани бекор қилиш шартлари ва ер участкасидан фойдаланиш масалалари бўйича низоларни ҳал этиш йўллари кўрсатилади. “Шартноманинг алоҳида шартлари” бўлимида ер участкасининг кучсизланганлик ҳолати, сервитутлар, суғориш шарт-шароитлари, суғориш сувларини ҳисобга олиш масалалари ва томонларнинг ҳоҳишига кўра бошқа шартлар кўрсатилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ва иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Фармони ер муносабатлари соҳасида жиддий сифат ўзгаришларга олиб келди [12]. Ушбу Фармон билан хусусий мулк бўладиган ер участкалари доираси кескин кенгайди ва ипотекани яхши ишлаб кетиши учун ҳуқуқий майдон яратилди.

Ушбу, Фармон иқтисодиётда ерга нисбатан хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Ер муносабатларидаги бу ўзгаришлар юридик ва жисмоний шахслар учун бир қатор афзалликларнинг вужудга келтирди. Юридик шахслар хусусийлаштирилган ер участкаларини мулк сифатида ўз ихтиёри билан тасарруф қилишлари, яъни сотиши, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага бериши, қўшма корхоналар ёки шўъба корхоналар таъсис қилганда, уларнинг устав жамғармаларига ўзларининг активлари сифатида киритиши, кредит муассасаларидан кредит олиш учун ерни гаровга қўйиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Жисмоний шахслар томонидан хусусийлаштирилган ер участкаси билан боғлиқ муолажалар доираси ҳам чекланмайдиган бўлди. Улар ерни сотиб олишлари, сотишлари, айирбошлашлари, ҳада қилишлари, мерос қилиб қолдиришлари, бошқа шахсларга фойдаланишга ёки ижарага беришлари, ипотекага қўйишлари мумкин. Демак, ер участкаси банк муассасаларидан кредит олиш учун гаров сифатида хизмат қилиши мумкин бўлди.

Бундай ҳолларда ҳам профилактика инспекторларининг фуқароларга ер ижараси билан боғлиқ қонунчилик талабларини тўғри тушунтиришлари лозим бўлади.

Эътиборли томони шундаки, ер ипотекаси, яъни кўчмас мулк гарови гаров муносабатларининг турларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 265-моддасига мувофиқ, кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонуннинг 37-моддасига кўра, гаров нарсаи кўчмас мулкдан иборат бўлса ипотека деб эътироф этилади.

Бундан ташқари, ер ипотекаси мулккий муносабатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари билан бири бўлиб, ҳуқуқий табиатига кўра ашёвий ҳуқуқ турларидан биридир.

Ашёвий ҳуқуқ тури сифатида ер муносабатлари фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиниб, қуйидаги хусусиятлар касб этади:

*биринчидан*, у ўзгалар мулкни эгаллаш ҳисобига вужудга келади; *иккинчидан*, ердан фойдаланувчининг ҳуқуқи мулк эгасининг ҳуқуқига нисбатан ўз мазмунига кўра чегараланган бўлади; *учинчидан*, ер ипотекаси мулк эгасининг розилиги билан шартнома асосида келиб чиқади; *тўртинчидан*, мулкдорлик ер эгасида сақланади, фойдаланувчига ўтмайди ва ҳоказо.

Шунингдек, ер муносабатларида ерга нисбатан ижара ҳуқуқини ёки мерос қилиб қолдирилган бир умрлик эгалик ҳуқуқини гаровга қўйиш шартномаси бугунги иқтисодий ўзгаришлар шароитида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонунини 43-моддасига кўра, “Гаровга қўювчига тегишли эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари, шу жумладан ижарачининг ҳуқуқлари, мажбуриятларидан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар (талаблар) ва ўзга мулккий ҳуқуқлар гаров нарсаи бўлиши мумкин [13].

Кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ талаблар, хусусан ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар ҳақидаги ва бошқа шахс фойдасига воз кечиш қонун билан ман қилинган ўзга талаблар ҳуқуқ гарови нарсаи бўлиши мумкин эмас.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, шунингдек ўзга табиий ресурсларга нисбатан бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйишга қонун ҳужжатларида белгиланган меъёр ва шартларда йўл қўйилади.

Муддатли ҳуқуқ унинг амал қилиш муддати тугагунга қадаргина гаров нарсаи бўлиши мумкин.

Гаровга қўювчи ўз қарздорини амалга оширилган ҳуқуқлар гаровидан хабардор қилиши шарт. Агар шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчига нисбатан қарздор ҳисобланувчи шахс гаровга олувчи мажбуриятини бажариши лозим” – деб кўрсатилган.

Худди шундай қоида, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддасида ҳам ўрнатилган бўлиб, унга кўра, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ер кодексининг 53-моддаси ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида белгиланишича, кредитлар олиш учун фермер хўжалиги ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунини 16-моддасида фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолияти субъекти

тариқасида ижарага берувчининг руҳсати билан ёхуд қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини ижарага бериш ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш ҳуқуқига эгалиги ҳам ўрнатилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномада ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқининг Марказий банк Бошқаруви томонидан 2004 йил 13 март куни тасдиқланган 16/17-сонли “Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида Низом”ига мувофиқ аниқланган қиймати кўрсатилиши лозим. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномага, унинг ажралмас қисми сифатида, туман ер ресурслари хизмати бошлиғи томонидан тасдиқланган ер участкасининг, унинг ижарага олиш ҳуқуқи гаровга қўйилаётган қисми алоҳида кўрсатилганлиги ва ушбу ҳуқуқни гаровга қўйиш учун туман ҳокимининг ёзма розилиги илова қилинади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома ёзма равишда тузилиб, кредит шартномаси нотариал тасдиқланган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш шартномаси ҳам нотариал тасдиқланиши шарт бўлади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топиши муносабати билан ашёвий ҳуқуқ тоифаларининг тикланиши ва унинг тизимининг шаклланиши вужудга келди. Ўзганинг мулкки ҳуқуқига нисбатан ашёвий ҳуқуқ тизимида қонунчиликда сервитут ҳуқуқи ҳам ўрнатилди. Сервитут ҳуқуқининг қонунда ўрнатилиши жамият иқтисодий талабидан келиб чиқиб, ўзганинг мулккидан чекланган ҳолда фойдаланиш билан боғлиқ муҳим ҳуқуқ институтларидан биридир.

Ер қонунчилигида ўрнатилган ердан фойдаланишга оид навбатдаги шартномалардан бири ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи, яъни сервитутдир. Бу ер ҳуқуқининг янги институти бўлиб, унга кўра маълум эҳтиёж ёки зарурият туғилганда бир ёки бир неча ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўзганинг ер майдонидан чекланган тарзда фойдаланишни амалга оширадilar.

Сервитут Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига кўрсатилишича, бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши, яъни масалан ҳовуз қазиш ва ундан сув йиғиб фойдаланиш, хирмонлар тўплаш, меваларни қуритиш учун майдонлар ташкил этиш ва бошқалар.

Сервитут объекти бўлиб, барча ер фонди тоифаларидаги ер участкалари ҳисобланади. Чунончи, заҳира ерларидан ҳам сув олиб ўтиш, мол ҳайдаб ўтиш зарурияти туғилади. Сервитутнинг субъекти ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслардир. Сервитут келишувига кўра унинг томонлари бир томондан ер эгаси, фойдаланувчи, ижарачи ва мулкдор бўлса, иккинчи томондан сервитутни белгиланиш талаб қилган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Сервитутнинг мазмуни келишув субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси ташкил этади. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар сервитут келишувида белгиланиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 30-моддасида кўрсатилишича, сервитут уни белгиланиш талаб қилган шахслар билан ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва

мулкдори ўртасидаги келишувга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори-га биноан белгиланиб, у давлат рўйхатига олинади.

Бундай ҳолларда профилактика инспекторлари томонидан ер сервитутига оид қонунчилик талабларини яхши билишлари ва мурожаат этган фуқароларга туғри тушунтиришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, деҳқон хўжалиқларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида вужудга келади. Деҳқон хўжалиқларининг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бизнинг ҳуқуқ тизимимиз ва қонунчилигимизга ҳам институт сифатида жорий қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ўзининг ҳуқуқий асосларини топган. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи деганда, деҳқон хўжалиги юритиш, яқка тартибда уй-жой қуриш учун бериладиган ер участкаларидан фойдаланиш тушунилади. Бу ер участкалари қонуний мерос ҳуқуқи асосида ворисларга ўтади. Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади (Ер кодексининг 19-м).

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонунга қарши қаратилган турли хатти-ҳаракатлар орқали бузилиши мумкин. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузувчи бундай хатти-ҳаракатлар тури Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддасида аниқ санаб ўтилган [14].

Профилактика инспекторлари фаолиятида, ердан фойдаланиш жараёнида учраши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик турларидан бири ерни қонунга хилоф равишда сотиб олиш ва сотишдир. Ушбу ер ҳуқуқбузарлиги давлатнинг ерга ноқонуний равишда эгалик ҳуқуқини бузишга қаратилган ғайриқонуний битим ҳисобланади. Ерни пинҳона сотиб олиш ва сотиш деганда, фойдаланиш ҳуқуқини қонунга хилоф равишда бирор манфаат учун бериш, шунингдек фойдаланиш ҳуқуқини бир субъектдан бошқасига ўтиши муносабати билан қонунда белгиланмаган манфаат (фойдаланиш ҳуқуқи)ни олиш тушунилади.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан айирбошлаш давлатнинг ерга нисбатан эгалик ҳуқуқини бузувчи ғайриқонуний битим бўлиб, бундай битим ўз ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади ва бундай қонунга хилоф ҳаракатни содир қилиш оқибатида ер ҳуқуқбузарлиги келиб чиқади.

Ер қонунчилигида ер низоларини ҳал этадиган органлар тизими ва уларнинг ваколатлари белгилаб берилмаган. Ер кодексининг 89-моддасига биноан ер низолари судлар томонидан кўриб чиқилади, деб белгиланган ҳолос [15].

Ер қонунчилигига кўра ер низоларини судгача бошқарув органлари ёки мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилиши талаб этилмайди. Ер низоларида томонлардан лоақал биттаси фуқаро бўлса, бундай низолар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади [16]. Умуман олганда ер низолари фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судлари томонидан кўриб ҳал этилади ҳамда айрим ҳолларда профилактика инспекторларининг иштироки ва фикри талаб этилиши мумкин.

Жумладан, Жиноят кодексининг 194-моддасига мувофиқ, махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан ер участкаларининг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги маълумотларнинг қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши оғир оқибатларга сабаб бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади [17].

Мансабдор шахсининг ифлосланган ер участкаларини дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаши ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслиги оғир оқибатларга сабаб бўлса ҳам Жиноят кодексининг 195-моддасига биноан жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ерларни ифлослантириш ёки бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, ҳуқуқбузар Жиноят кодексининг 196-моддасига биноан, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниши мумкин.

Шунингдек, ерлардан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш сингари ижтимоий хавфли қилмиш башарти оғир оқибатларга сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 197-моддасида ҳуқуқбузарга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фикримизча Ўзбекистон Республикасида ерга нисбатан мулк ҳуқуқини белгиловчи нормалар, жумладан ер участкаларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш ва фуқаролик қонунчилиги ижросини таъминлашда жамият, давлат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда замон талаблари даражасида узлуксиз равишда такомиллашиб бораверади.

Ички ишлар органлари идораларига ер участкаларини ажратиш ва ердан фойдаланиш тартибининг хусусияти ҳам шундаки, у аниқ мақсад асосида берилиши ва фойдаланиши билан фарқланади. Жумладан ички ишлар органлари идораларига: туман, шаҳар ва вилоят ИИБлари, ИИБ тизимидаги Олий ўқув таълим муассасалари, Тиббиёт бошқармалари, дам олиши учун оромгоҳларига, техника ва полигон учун ажратилган ерларнинг ажратилиши ўта муҳимдир.

Шунингдек, ИИИлари тизимидаги жазони ижро этиш муассаларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тартибини (жазони ижро этиш калониялари, тарбия калониялари, турмалар, тергов ҳибсхоналари, махсус қамоқ уйлари) ўрганиш ва уни амалий ижросини оқилона таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ана шу талабларни амалга оширишда жумладан, ИИБ тизимида ер участкаларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш ва фуқаролик қонунчилиги ижросини таъминлаш билан боғлиқ бўладиган масалалар давлат йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати, профилактика, пост патруль хизмати, кўриқлаш бирлашмаси ва бошқа бўлимлари томонидан тегишли ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида

олиб борилиши таъминланади.

Шу нуқтаи назардан, фикримизча, бугунги кунда ички ишлар органлари ва профилактика инспекторлари фаолиятида қуйидаги масалалар ечимига эътибор қаратиш ҳам мақсадга мувофиқдир:

*биринчидан*, ички ишлар органлари фаолиятида ер участкаларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш ва фуқаролик қонунчилиги ижросини таъминлашда, бозор шароитида ер участкаларидан оқилонга фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари асосида амалга оширилишини;

*иккинчидан*, ИИБ олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тингловчилар, курсантлар ва профилактика инспектори ходимларига фуқаролик, экология ва ер қонунчилигига оид илмий назарий ва амалий нормаларни ўзаро мувофиқлаштирилиши, айниқса тайёрланаётган янги авлод дарсликларига унга оид мавзуларни киритилиши, ўқув жараёни ва амалиётда кенг қўлланилиши;

*учинчидан*, амалдаги ер ва фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигида кўрсатилган «юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқи», ер участкаларининг олди-сотди, уларни ҳада қилиш, айирбошлаш, ижара асосида фойдаланиш, гаровга қўйишга тааллуқли шартномаларнинг моҳиятини ва уларга давлат томонидан қўйилган талабларни тушунтириш;

*тўртинчидан*, тингловчилар, профилактика инспектори ва ички ишлар органларининг барча ходимларига «Фуқаролик кодекси» ва «Ер кодекси»да кўрсатилган ер участкаларига оид ва у билан боғлиқ ўзгаришларни тушунтириш, мазкур қонунларнинг ҳар бир моддаси талабларини кенгроқ шарҳлаш ҳамда улар юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари юзасидан кенгроқ тушунчалар бериш ва уни янада ривожлантириш;

*бешинчидан*, жумладан ички ишлар органлари идораларига: туман, шаҳар ва вилоят ИИБларига, ИИБ тизимидаги Олий таълим муассасаларига ажратилган ерларни, ИИИлари тизимидаги жазони ижро этиш муассасаларига ажратилган ва фойдаланаётган ерларни, ички ишлар органлари идораларига ер участкаларини ажратиш ва ердан фойдаланиш тартиби хусусиятларини кенг ўрганиш ҳамда уларни таҳлил қилиш бу соҳадаги муаммоларни ижобий ҳал этилишига амалий ёрдам беради.

Хуллас, ҳозирги кунда ички ишлар органлари фаолиятида ер участкаларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш ва фуқаролик қонунчилиги ижросини таъминлаш, амалдаги фуқаролик ҳамда ер қонунларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.

2. Каримов И.А. Ички ишлар идоралари ходимларига байрам табригидаги нутқи // Постда газетаси. 2007 йил 27 октябрь.

3. Икрамов Ш.Т. Профилактика хизматидаги ислохотлар: ҳуқуқий негизлар, амалий натижалар, истиқболли режалар. // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси // 2014 йил, № 2, 3 – 11-б.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006, № 7, 386-м.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, № 5-6, 82-м.

6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Т. – 2014, – № 2, – 19-м, № 23, – 269-м.

7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: – Т. “Адолат”, 2015 – 80 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1999-2005.

9. Усмонов М.Б. Қишлоқ хўжалигида ижара. Т: ТДЮИ, – 2005. 184-б; *Рўзиев Р.Ж.* Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики. Автореф. дисс. докт. юрид. наук. Ташкент, – 2002. Бобоқулов С.Б. Иқтисодий ислохотлар жараёнида ижара шартномасини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. Т: ТДЮИ, – 2007; Баратов М.Х. Давлат мулк ҳуқуқи, Т: – ТДЮИ, – 2008.

10. Эргашев В.Ё. Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. Т: ТДЮИ, – 2009. – 27-б.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, – №1, – 45-м.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. Т., – 2006., – № 7, – 386-м.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. Т.; – 1998. – № 5-, – 96-м.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. № 5-6, 82-м.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т.; – 1998. – № 5-6, – 82-м.

16. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Т.; – «Адолат», – 2015.

17. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.; – «Адолат», – 2015. – 122-123 б.

**К.Бабаназаров**

ҚорДУ катта илмий ходим-изланувчиси,  
юридик фанлар номзоди

### РАДИОАКТИВ ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИШГА ДОИР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИК ТАЖРИБАСИ ВА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** мақолада радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги дунё мамлакатлари қонунчилиги тажрибаси ўрганилади. Мақола ядро материаллари ва ядро ускуналарига нисбатан мулк ҳуқуқини тартибга солиш масалаларига ҳам бағишланган.

**Калит сўзлар:** қонунчилик, дунё мамлакатлари, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий муносабат, радиоактив чиқиндилар, ядро материаллари, ядро ускуналари.

**Аннотация:** в статье изучается опыт законодательства зарубежных государств в сфере правового регулирования отношений, связанных с радиоактивными отходами. Статья посвящена вопросам правового регулирования имущественное право на ядерных материалов и ядерных оборудований.

**Ключевые слова:** законодательство, зарубежные государства, правовое регулирование, правовые отношение, радиоактивные отходы, ядерные материалы, ядерные оборудования.

**Annotation:** This article examines experience of the law of the foreign states in the sphere of legal regulation of relations connected with the radioactive waste. The article is devoted to the issues of legal regulation of the property right to nuclear materials and equipment.

**Key words:** law, foreign states, legal regulation, legal relations, radiation wastes, nuclear materials, nuclear equipments.

Радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги дунё мамлакатлари қонунчилигининг умумий жиҳатлари шундаки, радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишнинг барча босқичларида, яъни уларни йиғиш, ишлаб чиқариш, бир жойдан иккинчи жойга жўнатиш, сақлаш, қайта ишлаш, утиллаштириш каби босқичларида алоҳида назорат чоралари ва давлат бошқаруви зарурлигининг тан олиншидир. Бундан ташқари, атроф муҳитга етказилган салбий таъсир оқибатида инсон саломатлигига етказилган зарарнинг тўлиқ равишда қопланиши тамойиллари ҳам барча қонунлар учун умумий жиҳатдир.

МДХ давлатларида радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги қонунчилик шаклланиш босқичидадир. Ҳозирча бу давлатларда радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш масалалари атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ёхуд табиий ресурслар тўғрисидаги қонунлар доирасида ҳал этилади. Масалан, Қозоғистонда “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун (1991, 1997), Ер кодекси (1990), Ер ости бойликлари ва минерал хомашёни қайта ишлаш тўғрисидаги кодекс (1992), “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун (1997)лар, Украинада “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун (1991), Ер кодекси (1990), Ер

ости бойликлари тўғрисидаги кодекс (1994), “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонунлар, Беларусь Республикасида “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун, Ер тўғрисидаги кодекс, Ер ости бойликлари тўғрисидаги кодекс, Сув ва Ўрмон кодекслари амал қилмоқда [1].

Ушбу чет эл қонунлари ҳамда кодекслари таҳлили шундан далолат берадики, ҳар бир мамлакат ўзининг жўрофий-сиёсий тузилишидан, шу жумладан, радиациявий хавфсизлик ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Бинобарин, собиқ Иттифоқ қонунчилигидаги кўпгина қоидалар МДХ мамлакатлари қонунчилигига қабул қилинган. Уларнинг ишлаш механизмлари ҳам кўчириб ўтказилган. МДХга аъзо давлатлар миллий қонунчиликларини ўзаро мувофиқлаштириш тўғрисида битим тузилган. Давлатларнинг табиий бойликлар ва мулкчилик муносабатлари, уларни радиациявий ифлосланишдан ҳамда радиоактив чиқиндиларнинг салбий таъсирдан ҳимоя қилишга бўлган ёндошувлар ҳам бир-бирига мос келади.

Польша, Венгрия, Словакия, Чехия ва бошқа собиқ социалистик давлатлардаги экология ҳуқуқи МДХга аъзо мамлакатлардаги экология ҳуқуқидан анча ривожланган, зеро, у социалистик тараққиёт босқичида ҳам худди шундай эди [2, 299-бет]. Болгария, Венгрия ва Польша таркибида радиоактив ифлосланишни таъқиқлаш тўғрисидаги қоидалар бўлган, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги комплекс қонунлар 80-йиллардаёқ қабул қилинган эди. Ушбу давлатларнинг радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги фаолиятининг асосий йўналишлари давлатнинг экологик функциясини кучайтириш, радиоактив чиқиндиларни ўз худудига киритиш ва тарқатишни таъқиқлаш, ўз экологик ҳуқуқини Европа экологик ҳуқуқи билан мувофиқлаштиришдан иборат [3, 244-бет].

Радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишга доир миллий қонунчилик билан белгиланган ушбу йўналишлар эса мамлакатимизнинг “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунида алоҳида тарзда кўрсатилган бўлиб, мазкур қонуннинг 7-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қўйидагилардан иборат бўлади:

радиациявий хавфсизликка доир талабларга риоя этилишини давлат томонидан назорат қилиш ва текшириши;

ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомаласи соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш;

қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини, емларни, ичимлик ва техник сувларни, қурилиш материалларини ва улардан тайёрланган буюмларни радиациявий ифлосланиш жиҳатидан сертификатлаш;

барча турдаги қурилиш учун ер участкалари ажратилиши келишиб олинаётганда радиациявий ифлосланишни аниқлаш [4].

Айни вақтда бошқабир Ғарб давлатларининг ядровий материаллар, ядро ускуналари, ядро материаллари ва радиоактив ашёларни сақлаш пунктларига бўлган мулкчиликни тартибга солишга бўлган ёндашуви МДХ мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон қонунчилигидани мавжуд қоидалардан тубдан фарқ қилади [5, 49-бет]. Масалан, АҚШда ядровий материаллар ва уларнинг чиқиндилари айланмасининг бозор механизми тўлиқ шаклланиб бўлган. Ядро материаллари ва радиоактив чиқиндилар мулкдори бўлган юридик шахслар фаолияти устидан

давлат назорати лицензиялаш тизими билан таъминланади. Агар лицензия ядро ускунасидадан фойдаланиш учун берилган бўлса, ядро материалларини сотиб олиш учун қўшимча лицензия талаб қилинмайди. Шундай қилиб, юридик шахслар ядро материаллари ва радиоактив чиқиндилар мулкдори бўлишлари мумкин. Агар улар ядровий тартибга солиш комиссияси томонидан бериладиган махсус лицензияга эга бўлсалар, ядро материаллари ва радиоактив чиқиндиларни сақлаш пунктларига ҳам эгалик қилишлари мумкин.

Буюк Британияда юридик шахсларга ядро материалларини мулк қилиб сотиб олишни таъқиқловчи қонун йўқ. Евроатом Уставида ядровий материалларга нисбатан белгилаб қўйилган ваколатлар тўлиқ юридик аҳамиятга эга эмас, улар худди радиоактив моддаларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ва хавфсизликни таъминлаш сингари оммавий характерга эга. Шундай қилиб, Евроатомнинг ядро материалларига нисбатан бўлган мулкчилик ҳуқуқи Евроатом уставида белгилаб қўйилган бўлиб, мазкур ҳуқуқ декларатив характерга эга ҳисобланса ҳам, амалда эса ядро материаллари ва радиоактив чиқиндилар юридик шахслар мулки бўлиши мумкин. Францияда юридик шахслар ядро материаллари, ядро ускуналари ва уларни сақлаш пунктларига нисбатан мулкчилик ҳуқуқига эгадирлар.

Японияда юридик шахслар ядро материаллари, ядро ёқилғиси ва ядро реакторлари билан боғлиқ чекловлар тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиш шарти билан ядро материаллари, ядро ускуналари ва уларни сақлаш пунктлари мулкдори бўлишлари мумкин.

Бизнинг миллий соҳавий қонунчилигимизда, гарчи “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”[6] деб белгиланган бўлса ҳам, ядро материаллари ва бошқа турдаги ядро ускуналарига нисбатан бевосита мулк ҳуқуқи назарда тутилмаган.

Собиқ Иттифокнинг баъзи мамлакатлари қонунчилигида ҳам худди шунга ўхшаш қоидалар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, Украинанинг “Атом энергиясидан фойдаланиш ва радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунида айтилишича, ядро ускуналари ва ионлаштирувчи нурланиш манбалари юридик шахслар мулки бўлиши мумкин, Қозоғистон Республикасининг “Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни бўйича эса ядровий материалларнинг юридик шахслар мулки бўлишига йўл қўйилади. АҚШ қонунчилигида радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлишни тартибга солишга тааллуқли ҳужжатлар қуйидагилардан иборат: АҚШ қонунлари тўплами, 10 ва 42 томлар, 1982 йилда қабул қилинган “Радиоактив чиқиндиларни утиллаштириш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги қонун, 1969 йилда қабул қилинган “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий сиёсат тўғрисида”ги қонун ва ҳоказо [7].

“Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий сиёсат тўғрисида”ги қонунда давлат органларининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жавобгарлик назарда тутилган. Шу қонун билан атроф табиий муҳитнинг сифати бўйича Кенгаш тузилган, АҚШ президенти шу қонунга мувофиқ, ҳар

йили атроф табиий муҳит сифати тўғрисида маъруза тайёрлайди ва тақдим этади.

Буюк Британияда атроф табиий муҳитни хавфли чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар XIX асрдаёқ қабул қилинган, масалан, 1863 йилда қабул қилинган “Ишлаб чиқаришнинг ишқорли ва бошқа турлари тўғрисида”ги Қонун шулар жумласидандир. Ушбу қонуннинг кўплаб қоидалари замонавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Буюк Британиянинг хавфли чиқиндилар ва радиоактив чиқиндилар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бири 1972 йилда қабул қилинган “Заҳарли чиқиндиларни сақлаш тўғрисида”ги қонунидир. Буюк Британияда бошқа кўплаб Европа давлатларидаги сингари радиоактив чиқиндиларнинг асосий манбаи атом энергетикасидир [8, 176-бет].

Буюк Британияда 1989 йилги ислохотларга қадар бутун электроэнергетика давлатники эди ва радиоактив чиқиндилар ҳам давлат мулки эди. Ҳозирги кунда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, юридик шахсларга ионлаштирувчи нурланиш манбаларига эгалик қилишни таъқиқловчи қонун мавжуд эмас. Радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш устидан бошқарув ҳамда назорат функцияси консултатив орган бўлиши Атроф муҳитнинг ифлосланиши устидан назорат бўйича қироллик комиссияси ҳамда ижро этувчи-буйруқ берувчи орган бўлиши Атроф муҳит ишлари бўйича вазирлик томонидан амалга оширилади. Ислохотлар давомида электроэнергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тарқатиш алоҳида-алоҳида қилиб қўйилди, аммо, радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш устидан қаттиқ давлат назорати сақлаб қолинди. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳисобларидан радиоактив чиқиндиларни утиллаштиришни амалга оширишлари, шунингдек, экологик ва табиатни муҳофаза қилувчи дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқишлари ҳамда амалга оширишлари зарур.

Япония ҳам радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш бўйича ўз технологияларини фаол ривожлантирмоқда. Иқтисодий тараққиётнинг ўта юқори суръатлари оқибатида Японияда экологик муаммолар ўткирлашиб кетди, радиоактив чиқиндилар халқаро хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган жойларда сақлана бошланди. Шаҳар аҳолиси ўта зич жойлашган жуда кичик ҳудудда биосферанинг таназзулга юз тутиши миллий офат тусини олмоқда. Аввалбошда атроф муҳитнинг ифлосланишига қоғоз ишлаб чиқариш, химия ва тоғ-кон саноати сабаб бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб улар қаторига транспорт индустрияси, нефть-химия комплекслари ва атом энергетикаси қўшилди.

Японияда атроф муҳитнинг ифлосланиши муаммосининг кескинлашиб кетганлиги тартибга солишнинг норматив асосларини кенгайтириш заруратини, шунингдек, радиоактив чиқиндилардан етказилган зарарни қоплаш учун барча молиявий ҳамда бошқа харажатларни ифлосланишга йўл қўйган фирмалар зиммасига юклашни биринчи ўринга чиқарди. 1967 йилда Атроф муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш тўғрисидаги Асосий қонун қабул қилинди.

Ифлослантирувчи фирмалар ва экологик тоза ишлаб чиқаришни таъминловчи ташкилотлар атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида қўшимча харажатлар ва жарима санкциялари тизими орқали тенг иқтисодий вазиятларга қўйилдилар. 1970 йилда

қабул қилинган “Чиқиндилар устидан назорат” тўғрисидаги Қонун атроф муҳит муҳофазасига нисбатан бўлган бундай ёндошувдан кенг фойдаланишга имкон яратди. Бу қонунга мувофиқ, фирмалар зиммасига ўз чиқиндиларини, шу жумладан, радиоактив чиқиндиларни зарарсизлантириш масъулияти юклатилди. Амалда барча харажатлар ифлослантирувчи фирмалар зиммасига юклатиладиган бўлди. Ядро реакторлари, ядро ёқилғиси, ядровий материаллар билан боғлиқ чекловлар тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шarti билан Японияда юридик шахслар ядровий материаллар, ядро ускуналари ва уларни сақлаш пунктлари мулкдори бўлиши мумкин.

Тўғри, радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш масалаларини ҳал этиш давлат ихтиёрида, ammo қонунда уларни ҳал этишнинг радиациявий ифлослантиришни таъқиқлаш, атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатилганлиги учун тўлов тўлаш, объектларда фойдаланилаётган радиоактив ашёларни мажбурий равишда экспертизадан ўтказиш, мамлакат ҳудудига четдан радиоактив чиқиндилар киритилишини таъқиқлаш сингари асосий тамойилларигина мустаҳкамлаб қўйилган. Қонуности ҳужжатларида ва техник регламентларда бу масалалар ичида Япония атом электр станцияларида ишлаётган ишчилар оладиган нурланиш дозаси бўйича энг охирги ўринда туради, чунки, ишчилар бу ерда бошқа мамлакатлардаги ходимларга нисбатан жуда кўп нурланиш оладилар. Ушбу кўрсаткич бўйича Япония дунёдаги энг қоқоқ давлат ҳисобланади [9].

Германия Федератив Республикасининг “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва унинг хавф-хатарларидан ҳимояланиш тўғрисида”ги қонун (“Атом тўғрисида”ги қонун) 1985 йил 15 июлда янгидан қабул қилинган бўлиб, унга охирги марта 2008 йил 29 августда ўзгартишлар киритилган. Ушбу қонунга биноан, радиоактив моддалар (ядро ёқилғилари ёки бошқа радиоактив моддалар) деганда таркибиде битта ёки бир қанча радионуклидлар бўлган моддалар англашилади. Ядро ёқилғилари Плутоний 239 ёки плутоний 241, 235 ёки 233 изотоплари билан бойитилган уран шаклидаги алоҳида парчаланувчи моддалардир [10, 176-бет].

Агар зарар бир ядро ускунасидан келиб чиққан ядровий фалокат оқибатида етказилган бўлса, ядро ускунаси мулкдори Париж битими ҳамда Қўшма протокол қодалари бўйича жавобгарликка тортилади. Париж битими ҳамда ушбу қонуннинг 25-параграфида (1-4 бандлар) назарда тутилган ҳоллардан бошқа ҳолларда ядровий парчаланиш таъсирида ёки радиоактив моддалар нурларининг таъсирида ёхуд ионлаштирувчи нурлар ишлаб чиқариш ускунасидан келиб чиққан ионлаштирувчи нурлар таъсирида одам вафот этса ёки соғлиғига зарар етса ёки нарсаларга зиён етказилган бўлса, радиоактив моддалар мулкдори ёки ионлаштирувчи нурлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна мулкдори ушбу қонуннинг 2-30-31 параграфлари, 32-параграфнинг 1-4 бандлари бўйича етказилган зарарни қоплаши шарт. Агар зарар ёки зиён бахтсиз ҳодиса туфайли юзага келган бўлса ҳамда мулкдор ва бошқа масъул ходимлар ушбу воқеани олдини олишга қодир бўлмаган бўлсалар ҳамда барча хавфсизлик чоралари қўрилган ва барча ускуналарнинг ишлаш жараёнида биронта хатога йўл қўйилмаган бўлса, зарар ва зиённи қоплаш мажбурияти юзага келмайди.

АҚШда 1954 йилда қабул қилинган “Атом энергияси тўғрисида”ги қонун, 1964 йилда қабул қилинган “Радиациядан ҳимоя бўйича қўмида тўғрисида”ги қонун, 1974 йилда қабул қилинган “Энергетика соҳасидаги бошқарувни қайта ташкил этиш тўғрисида”ги қонун, 1983 йилда қабул қилинган “Радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш соҳасидаги давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлар бор. Буюк Британияда 1954 ва 1977 йилларда “Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги бошқарув тўғрисида”, 1965-1969 йилларда “Ядровий қурилмалар тўғрисида”ги қонунлар ҳамда 1970 йилда “Радиологик ҳимоя тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Германия ва Японияда ҳам кенг ядровий қонунчилик базаси шакллантирилган. Шарқий Европа мамлакатларида ҳам (Болгария, Чехия, Словакия ва бошқалар) атом энергияси тўғрисидаги қонунлар ҳамда кишиларнинг ҳаёти ва соғлиғини, атроф табиий муҳитни радиациянинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш масалаларини тартибга солувчи кўплаб нормалар амал қилмоқда [11, 211-бет].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, радиоактив чиқиндилар билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги дунё мамлакатлари қонунчилигининг мамлакатимиз миллий қонунчилиги билан қиёсий таҳлили нуқтаи назаридан амалдаги соҳавий қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш борасида ушбу тилга олинган мамлакатлар қонунчилиги тажрибасидан муносиб фойдаланиш, улардаги қоқоқ ва нормаларнинг мазмунини бевосита соҳага татбиқ қилиш механизмларини кучайтириш ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Интернет саҳифаси: [www.newsby.org/document](http://www.newsby.org/document).
2. Лисицин Е.Н. Охрана природы в зарубежных странах. – М.: Агропромиздат, 1987. – С. 299.
3. Лебедев А.Н., Лаврик О.Л. Природоохранное законодательство развитых стран. В 3 ч. / Отв. ред. чл.-кор. М.А.Грачев. – Ч.1. Право и системы управления. – Новосибирск, 1991. – С. 244.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 212-модда
5. Иойриш А.И., Терентьев В.Г., Чопорняк А.Б. Ядерные материалы: проблемы собственности // Атомная стратегия. – 2006. – № 20. – С. 49.6.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда
7. Интернет саҳифаси: [www.4uthgov.ua/usa/english/laws](http://www.4uthgov.ua/usa/english/laws).
8. Иойрыш А.И. Атомное законодательство капиталистических стран (сравнительно-правовой анализ). – М.: Наука, 1990. – С. 176.
9. Масалан, 2003 йилда енгил сув реакторларида ишлаётган ходимлар учун нурланишнинг ўртача дозаси 1,55 кишини ташкил қилган. АҚШда бу кўрсаткич 1,31 кишига, Германияда 1,00 кишига, Францияда эса 0,97 кишига тенгдир. Энг паст дозадаги нурланиш Чехия давлатида 0,20 кишини қайд қилинган (Интернет саҳифаси: [www.iaca.org](http://www.iaca.org)).
10. Иойрыш А.И. Атомное законодательство капиталистических стран (сравнительно-правовой анализ). – М.: Наука, 1990. – С. 176.
11. Правовое регулирование использования атомной энергии в странах-членах СЭВ. – М., 1987. – С. 211.